

НАРГИС ҚОСИМОВА

ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ӮЗГАРИШИ ВА ЖУРНАЛИСТИКА

ўқув-амалий қўлланма

Тошкент -2016

Ўқув-амалий қўлланма оммавий ахборот воситалари вакиллари, олий таълим муассасаларининг журналистика факультетлари талабалари, журналистлар ва экология йўналишида таълим олувчи ёшларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Гулнора Бобожонова,

Ўзбекистон журналистларни қайта тайёрлаш маркази директори,
филология фанлари номзоди.

Муҳаррир:

Дармон Ибрагимов,

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Sport» телерадиоканали бош муҳаррири

Такризчилар:

Фотима Мўминова,

филология фанлари доктори, профессор.

Алишер Матъякубов,

филология фанлари номзоди.

Мазкур ўқув-амалий қўлланма Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети Илмий Кенгашининг 2016 йил 28 августдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланиб, нашр этишга тавсия қилинди.

Ўқув-амалий қўлланма Канада маҳаллий ташаббуслар жамғармасининг (CFLI) молиявий кўмагида чоп этилди.

© Н.Қосимова. Глобал иқлим ўзгариши ва журналистика. Ўқув-амалий қўлланма. –Т.,
Журналистларни қайта тайёрлаш маркази. 2016

№	МУНДАРИЖА	Бет
	КИРИШ	
1-БОБ	ЭКОЛОГИЯ ВА ЖУРНАЛИСТИКА	
1.1.	Барқарор ривожланиш мақсадларида ҳал қилиниши зарур бўлган экологик муаммолар	
1.2.	Глобал иқлим ўзгариши нима?	
1.3.	Иқлим ўзгариши ва ҳаёт хавфсизлиги	
1.4.	Глобал иқлим ўзгаришининг олдини олиш борасида қабул қилинган халқаро ва миллий қонунчилик	
1.5.	Ўзбекистон экологик журналистиканинг ҳолати ва халқаро тажриба	
II-БОБ	ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ МУАММОСИ ВА УНИНГ ОАВДА ЁРИТИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	
2.1.	Иқлим ўзгариши борасидаги хавфларни камайтиришда ОАВнинг роли	
2.2.	Экологик мавзуда мультимедиа технологиялардан фойдаланган ҳолда журналистик материал тайёрлаш асослари	
2.3.	Глобал иқлим ўзгариши фотожурналист нигоҳида	
2.4.	Ахборот манбалари ва улар билан ишлаш қоидалари	
2.5.	Мавзунини ёритишда журналист маҳорати	
2.6.	Экологик назорат масалалари. Журналист суриштируви қандай олиб борилади?	
2.7.	Фавқулоддаги вазиятларда журналист фаолияти	
2.8.	Экологик журналистиканинг ахлоқий меъёрлари	
	ХУЛОСА	
	ГЛОССАРИЙ	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	
	Фойдали манбалар	

КИРИШ

Инсоният тараққиёти, урбанизация жараёнининг тезлашиши, глобаллашувнинг жадаллашуви Она сайёрамиз хавфсизлигига раҳна солиб, бир қатор масалалар билан биргаликда экологик муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Атроф-муҳитга жиддий зарар етказётган экологик хавф, ўрни келганда, ҳаттоки ядро талафоти ва терроризмдан ҳам даҳшатлироқ бўлиб, Ер юзидаги барча халқларни тобора бу ҳақда чуқурроқ ўйлашга мажбур этмоқда. Бутунжаҳон ёввойи табиат (WWF), Global Footprint Network жамғармалари ва Лондоннинг зоологик жамияти мутахассислари ҳамкорликда ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, 1970 йилдан буён Ердаги ёввойи ҳайвон ва қушларнинг сони 3,43 минг турга, тирик сайёранинг индекси эса 52% га камайган, яъни ҳавода ва қуруқликда яшайдиган жониворлар тури 76% га, ер устида яшайдиганлар ва сувда истиқомат қиладиганлар сони 39% га қисқарган. Ҳар йили инсон фаолияти оқибатида 11 млн. гектар тропик ўрмонлар кесилиб, нобуд бўлади. Бу ўрмонларни тиклаш борасидаги ишлардан 10 баробар кўпдир. Ҳар куни атмосферага 60 миллион тоннага яқин карбонат ангидрид чиқарилиб, бу ҳавонинг иссишига, ўз навбатида эса Дунё океанидаги сув сатҳининг кўтарилишига олиб келмоқда¹.

Карбонат ангидриднинг ҳаво таркибида ошиши, чиқинди газларнинг меъеридан ортиқ ҳавога чиқариб ташланиши оқибатида иссиқхона эффекти ҳосил бўлиб, бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган жиддий экологик муаммо –глобал иқлим ўзгариши юзага келди.

Афсуски, бошқа экологик муаммолардан фарқли ўлароқ глобал иқлим ўзгариши Ер юзи аҳолисини кам ташвишга солаяпти. Бу асосан у ҳақида етарлича маълумот ва билим йўқлиги ҳамда хавфли жараённинг секинлик билан амалга ошаётганли билан боғлиқдир. Хусусан, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида мазкур мавзуга эътибор жуда ҳам кам бўлиб, натижада юртдошларимиз иқлим ўзгаришининг оқибатлари ва хавфлари хусусида деярли ахборотга эга эмаслар. Мазкур ўқув-амалий қўлланма ОАВ вакиллари ҳамда олий ўқув юртларининг журналистика факультети талабаларига иқлим ўзгариши масалалари, шунингдек мазкур мавзуда материаллар тайёрлаш кўникмаларига эга бўлишга ёрдам беради деган умиддамиз.

¹ WWF: диких животных на Земле за последние 40 лет стало вдвое меньше.
<https://ria.ru/world/20140930/1026174819.html>

1-БОБ. ЭКОЛОГИЯ ВА ЖУРНАЛИСТИКА

1.1. Барқарор ривожланиш мақсадларида ҳал қилиниши зарур бўлган экологик муаммолар

Инсоният юксак мақсадлар сари интилаётган, тараққиёт йўлидан жадал илдамлаётган бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдида глобал экологик муаммоларни ҳал этишдек жиддий вазифа турибди. Экологик инқироз, атмосферанинг ифлосланиши - иссиқхона эффекти, озон қатламининг емирилиши, дунё океанининг ифлосланиши, тупроқ унумдор қатламининг йўқолиб бориши, тропик ўрмонларнинг кесилиши, чўлланиш, чучук сув манбаларининг камайиши, ердаги биохилма-хилликнинг камайиши, маиший чиқиндиларнинг кўпайиши, кимёвий ва токсик моддаларни зарарсизлантириш, иқлим ўзгариши аллақачон бир давлат чегарасидан чиқиб, том маънода глобал экологик муаммоларга айланди.

Хўш, экология нима? Нега айнан айнан атроф-муҳит муаммолари айнан ана шу тушунча билан ифодаланади?

1866-йили немис биологи Эрнст Геккель илк бор келиб чиқиши юнонча бўлган оикос (уй) ва –логос (ўрганиш) сўзларидан экология сўзини яратди. Экология тирик организмлар орасидаги ва уларнинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларини ўрганишини айтиб ўтган. Тарихан бу йўналишни биология ўрган. Экология тушунчаси пайдо бўлгач, унинг асосий ўрганиш объектлари қуйидагиларга бўлинди:

- **популяция** – маълум бир ҳудудда жойлашган, бир ёки ўхшаш турлар ҳисобланган организмлар гуруҳига;
- **экоцизм**, биотик ҳамжамият ва унинг яшаш муҳитини ўз ичига олувчи тизимга;
- **биосфера** – Ерда ҳаёт тарқалган қисмига.

Бугунги кунда экология биология доирасидан чиқиб, бошқа фанларга интеграциялашган, фанлараро, инсоннинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларини ўрганувчи фанга айланди. Экология “инсон — табиат” муаммосини тушуниш йўлида узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Глобал экологик муаммолар пайдо бўлгунига қадар инсон табиатга устахона сифатида қараб, уни бўйсиндириш йўлида бор кучини аямади. Оқибатда бугунги кунда инсоният келажаги хавф остида қолганлигини, ўзининг табиатдаги ўрни ва ҳаётининг мазмуни бевосита табиатни асраш билан боғлиқлигини англаб етмоқда. Мазкур муаммонинг долзарблиги, глобал экологик муаммолар сайёрамиздаги ҳар бир давлат, ҳар бир хонадон ва ҳар бир инсонга тегишли эканлиги мазкур йўналишда ҳуқуқий базани шакллантириш, тегишли қонунлар қабул қилишга асос бўлди.

Бугунги кунда замонавий экология шунчаки жониворлар ва ўсимликлар ҳаётини тасвирламайди, аксинча уларнинг келажагини башорат қилиш билан шуғулланади. Замонавий экология тирикликнинг тузилиш даражаларини таҳлил қилади ҳамда математик моделлар ва фаразлар ишлаб чиқиб, уларни текширади. Замонавий экологиянинг бош мақсадига тирик организмларнинг тарқалиши ва сонини тушунтирадиган ва башорат қиладиган моделларни ривожлантириш, бу орқали балки ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонларни тўғри назорат қилиш, қайта тикланувчи ва тикланмайдиган ресурсларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш, табиий муҳитлар ва моддаларнинг айланишини сақлаш, озик-овқат билан таъминлаш, безгак ва ОИТС каби касалликларнинг таъсири ва йўналишини олдиндан айта олиш ҳам киради.

Юқори сиёсий даражада атроф-муҳит муҳофазаси мавзуси илк маротаба 1972 йили Стокгольмда мазкур мавзуга бағишланган БМТ Конференциясида кўтарилган эди. Айнан ушбу анжуманда “инсон фаровон ва юқори кадр-қимматга эга ҳаётни тақозо этадиган

муҳитда яшамоғи лозим” дейилди². Ер юзидаги биосфера деградацияси сабабларини таҳлил этиш мақсадида Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича бутунжаҳон қўмитаси ташкил этилди. Мазкур Қўмита 1987 йили “Бизнинг умумий келажагимиз” сарлавҳаси остида маъруза тайёрлади. Унда ривожланган мамлакатлардаги исрофгарчилик ва ривожланаётган мамлакатлардаги етишмовчилик экологиянинг ёмонлашувининг асосий сабабларидан бири сифатида тилга олинди. Сайёрамизни сақлаб қолиш учун эса жаҳон ҳамжамияти хатти-ҳаракатини бирлаштириш лозимлиги қайд этилди³. Биринчи маротаба “барқарор ривожланиш” тушунчаси, яъни келажак авлод учун табиатни сақлаш, инсон ва табиат уйғунлигига асосланган ривожланиш айнан мазкур маърузада келтирилди.

1992 йили Рио-де-Жанейрода Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференцияни ташкил этди. Унда иккита асосий ҳужжат – “Рио-де-Жанейро декларацияси” ва “XXI йил учун кун тартиби”, шунингдек иккита глобал экологик конвенциялар “Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенция” ва “Биохилма хиллик бўйича Конвенция” қабул қилинди. Бундан ташқари конференция ҳужжатларининг бажарилишини назорат қилувчи БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича Қўмитасини ташкил этиш борасида қарор қабул қилинди. Рио-де-Жанейро Декларациясида ривожланиш асосини албатта атроф-муҳит муҳофазаси ташкил этиши зарурлиги қайд этилди. “XXI йил учун кун тартиби”да эса умумий стратегик режа намойиш этилиб, унда барқарор ривожланиш ғоялари аниқ халқаро ва миллий мажбуриятларга киритилди.⁴

Ҳар бир мамлакатга иқтисодий, ижтимоий ва экологик режалар асосида барқарор ривожланишнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш тавсия этилди. Стратегиянинг асосий мақсадларидан бири келажак авлод манфаатларидан келиб чиққан ҳолда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тадбирларни амалга ошириш эди. 2000 йили Мингйиллик саммитида жаҳоннинг етакчи давлатлари БМТнинг Мингйиллик Декларациясини қабул қилиб, унда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари белгилаб берилганди. Мақсадларнинг бири экологик барқарорликни таъминлаш бўлиб унда:

- 2010 йили биологик хилма-хилликнинг йўқолишини камайтириш;
- 2015 йили тоза ичимлик сув истеъмолидан маҳрум бўлган аҳоли сонини икки баробарга камайтириш;
- 2020 йили 100 миллион нафар қашшоқликда кун кечирувчи аҳоли ҳаётининг фаровонлигини ошириш кўзда тутилган эди. 2002 йили Йоханнесбургда (ВСУР 2002) Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган Бутунжаҳон саммитида “Сиёсий декларация” ва “Барқарор ривожланиш бўйича олий даражада Бутунжаҳон учрашувлар қарорларини бажарилиш режаси” қабул қилинди. Сиёсий декларацияда яна бир маротаба барқарор ривожланишга содиқлик қайд этилди⁵.

Ушбу ҳужжатда миллионлаб одамларнинг тоза ичимлик сувига ва электр қувватига бўлган эҳтиёжини қондириш, 2015 йилга қадар қашшоқлик даражасини 50 фоизга камайтириш кўзда тутилган эди. Шунингдек режада фойдали қазилма бойликларга ажратиладиган субсидияларни камайтириш белгиланган. Айнан Режа жаҳон ҳамжамиятининг барқарор тараққиёт йўлидаги ҳаракатини тартибга солиб, белгилаб берди. Расмий ҳужжатларга кўра барқарор тараққиётга ўтишни бошлаш 2005 йилдан амалга оширилиши лозим эди⁶. 2012 йили БМТ Конференцияси ўтказилганига 20 йил тўлди. БМТнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича Дастури (ЮНЕП) белгиланган Режанинг 90 та бандидан фақатгина 4 та банди амалга оширилганлигини қайд этди. Бу Режанинг барбод бўлганлигини кўрсатди. Иқлим ўзгариши Режага асосан тўхтатилмаган, денгиз сувининг ишқорлик даражаси пасаймаган, аксинча кўтарилган бўлиб, ундаги

² <http://www.eclife.ru/laws/inter/1972/04.php>

³ Наше общее будущее. Всемирная комиссия ООН по окружающей среде и развитию, Оксфорд, 1987. 347 с.

⁴ <http://www.un.org/russian/document/declarat/riodecl.htm>;

⁵ World Summit on Sustainable Development. Plan of implementation Johannesburg. 2002.

⁶ Перелет Р.А. Переход к эре устойчивого развития./Россия в окружающем мире: 2003 (Аналитический ежегодник). – М.: Изд-во МНЭПУ, стр. 10-30, 2003

жониворларнинг қирилишига сабаб бўлаётганлиги, биологик хилма хиллик йўқолаётганлиги, ўрмон кесилиши 4 баробар кўпайганлиги маърузада қайд этилди⁷. Мазкур муаммоларни ҳал этиш ва барқарор ривожланишга ўтиш учун биосферанинг экологик салоҳиятидан ўйлаб, режа асосида, унга зарар етказмаган ҳолда фойдаланиш лозим. Зеро бугунги кунда биосферадан фойдаланиш кўлами нафақат миллий ҳудудларни, балки давлатлараро маконни камраб олган.

Экологик таназзулнинг келиб чиқишига асосий сабаб эса иқтисодий ўсиш ва жамиятнинг истеъмолчилик салоҳиятининг ошганлигидир. Яна бир муаммо, ҳануз жаҳон ҳамжамияти глобал биосферадан фойдаланишнинг ҳуқуқий мақомини белгилагани йўқ. Инсониятнинг умумий бойлиги бўлган табиатдан оқилона фойдаланишнинг яқдил механизми ишлаб чиқилмади. Она Сайёрамиз заҳираларидан фойдаланишнинг аниқ ҳисоби олиб борилмаяпти. Ернинг биосфера қобиғидан фақатгина энг ривожланган давлатларгина фойдаланишмоқда. Ғарб мамлакатлари ва АҚШ глобал экологик салоҳиятдан фойдаланишдаги юқори улушидан воз кечилари йўқ. Бу эса уларнинг деградацияси ва талон-тарож бўлишига олиб келмоқда. Агарда атрофга боқсангиз дунё барқарор ривожланишга тесқари равишда ҳаракат қилмоқда. Инсон фаровонлигини экологик инқироз ҳисобига ошириш яқин келажакда ўзининг салбий оқибатларини кўрсатиши аниқ. Унинг ягона йўли экологик иқтисод ёки яшил иқтисодга ўтишдир. Буни ЮНЕП бир неча маротаа ўз маърузаларида қайд этган эди. Яшил иқтисод бу қувватни тежовчи буюмларни ишлаб чиқариш, муқобил энергиядан фойдаланиш, атмосферага заҳарли газларни чиқармайдиган, электр қуввати билан юрадиган транспортдан фойдаланиш, сувни тежаш, тупроқ унумдорлигини оширишда кимёвий моддалардан фойдаланмаслик ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Мутахассисларнинг фикрига кўра бугунги кундаги мавжуд экотехнологиялардан самарали фойдаланилса электр қувватини 2 баробар, 2025 йилга келиб автомобиллар томонидан ёқиладиган ёнилғини 50 фоизга камайтириш мумкин⁸. Қолаверса, Ер заҳираларидан фойдаланиш ҳуқуқи, эркинлиги ва мажбуриятларини ишлаб чиқиш вақти келди.

2012 йили Рио-де-Жанейрода БМТнинг барқарор тараққиёт бўйича “Рио +20” номини олган Конференцияси бўлиб ўтди. Саммит очилишида сўзга чиқар экан, БМТнинг Бош қотиби Пан Ги Мун инсоният янги даврга қадам қўяётганлигини қайд этди. У 2040 йилга бориб Ер шарининг аҳолиси 9 млрд.га етишини ҳисобга олиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг эски модели ўз аҳамиятини йўқотганлигини таъкидлади. Маърузада 2030 йилга келиб дунё аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи 50 фоизга, электр қувватига —45 фоизга, сув заҳираларига эса 30 фоизга ўсиши таъкидланди. Буни амалга ошириш учун эса зудлик билан “яшил иқтисодиёт”ни жорий этиш зарур, деди Пан Ги Мун. Бугунги кунда яшил иқтисодиётга босқичма-босқич АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Швеция, Дания, Голландия ва бошқа ривожланган мамлакатлар ўтмоқда. 2015 йилнинг охирига келиб, Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ўрнига БМТнинг Бош Ассамблеяси Саммитида Барқарор ривожланиш мақсадлари ишлаб чиқилди. Унинг асосий йўналишларидан бири қайта тикланадиган қувват манбаларидан фойдаланиш эди. 2008 йилга келиб, 43 та мамлакат қайта тикланадиган қувват манбаларига ўтиш режасини ишлаб чиқишди. 2010 йилда эса илк маротаба шамол трубиналари, биоёқилғи заводлари, қуёш батареялари ишлаб чиқарадиган қувват 381 ГВт (Гигаватт)га етиб, ядровий электростанциялар қувватидан ошиб кетди. Бугунги кунда дунёдаги барча электростанцияларнинг қуввати 3,54 ТВт (Тераватт)ни ташкил этади. Демак, тикланадиган қувватни ишлаб чиқарадиган электростанциялар барча электр станциялар ишлаб чиқарадиган қувватнинг 10 фоизинигина ишлаб чиқаришади.⁹

⁷ «Geo-5» (Глобальная экологическая перспектива), «Резюме для политиков и лиц, принимающих решения», 24 стр., 2012.

⁸ UNEP, 2011, Towards a Green Economy: Pathways to Sustainable Development and Poverty Eradication, (предварительный вариант), <http://www.unep.org/greeneconomy>

⁹ Плеханов С.И. Солнце – это жизнь, а не батарея. Химия и жизнь, №8 стр. 2012, с.2-5

2011 йилниг декабрь ойида Европа кўмитаси 2050 йилгача мўлжалланган «2050 йилнинг энергетик йўл харитаси»ни ишлаб чиқди. Унга кўра 2050 йилга келиб ҳавога чиқарилаётган карбонат ангидрид миқдори 1990 йилга нисбатан 80%га камайтирилиши, қайта тикланадиган қувват манбаини ишлаб чиқарадиган электр қувватидан 75% га фойдаланиш режаси белгиланганди. Мазкур ҳужжатнинг кучга кириши бугунги кунда Европада шамол, қуёш қувватидан, шунингдек биоёқилгидан самарали фойдаланишга ва уларни ишлаб чиқарилишининг арзонлашувига олиб келди¹⁰.

Ер юзида тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш борасида самарали фаолият олиб боришда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг роли каттадир. Дунё давлатларини ўзаро мулоқот, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка чорлаш, уларнинг куч ва имкониятларини яратувчанлик йўлида бирлаштириш, яъни энг долзарб масалаларни баҳамжиҳат ҳал қилиш ушбу ташкилот томонидан 2015 йилга қадар қабул қабул қилинган Мингйиллик ривожланиш мақсадларида, 2016 йилда эса Барқарор ривожланиш мақсадларида ўз ифодасини топди.

Даставвал, БМТ ҳақида қисқача маълумот. Ушбу халқаро ташкилот бошқа етакчи уюшмалардан фарқли ўлароқ, фуқаролик хизматиға ихтисослашгани, аъзо давлатларнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиниси, ўз бюджетига эгаллиги, ваколатлари доирасида халқаро шартномалар тузиш ва мажбуриятларни зиммасига олиш каби қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Ҳозирги кунда дунёда турли ғоя ва мақсадлар йўлида тузилган 2,5 мингдан ортиқ халқаро ташкилот мавжуд бўлиб, улар ҳудудийлиги, икки ёки кўп томонлама ҳамкорликка асослангани билан тафсифланса-да, аммо ҳеч бири башар қисматини боғлаган миллион-миллион ришталарни ўзида бирлаштира олмайди.

Дунёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, она сайёрани асраб қолиш, халқаро ва миллатлараро муносабатларда ҳамжиҳатликка эришиш БМТнинг асосий вазифаларидандир. Ташкилотнинг жаҳон сиёсатидаги ўрни ҳақида тўхталар эканмиз, 2000 йил 6-8 сентябрь кунлари Бош Ассамблеянинг 55-махсус сессиясида Мингйиллик декларацияси имзолангани, унда учинчи мингйиллик тамаддунининг асосий мақсадлари, яъни инсоният тақдирида реал аҳамиятга эга бўлган саккизта муҳим масаланинг қабул қилинганини алоҳида қайд этиш жоиз. Булар: ҳаддан ортиқ қашшоқлик ва очарчиликни бартараф этиш; ялпи бошланғич таълимга эришиш; аёллар ва эркаклар тенглигини рағбатлантириш ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш; болалар ўлимини камайтириш; оналар саломатлигини яхшилаш; ОИВ/ОИТС, безгак ва бошқа касалликларга қарши кураш олиб бориш; экологик барқарорликни таъминлаш; тараққиёт мақсадларида глобал шерикликни шакллантириш ва дастлабки босқичда бутун инсоният 2015 йилгача эришиши керак бўлган оламшумул аҳамият касб этган тараққиёт мақсадларидир.

2000 йилда қабул қилинган Мингйиллик Ривожланиш Мақсадлари (МРМ), жаҳон ҳамжамияти томонидан бутун дунёда қашшоқликни бартараф этиш йўлида мисли кўрилмаган даражадаги саъй-ҳаракатларга туртки бўлди. Умуман олганда, МРМ ушбу мақсадга 2015 йилгача бўлган вақт мобайнида эришиш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган аниқ ва лўнда чора-тадбирлар тўпламини белгилаб берди. Ушбу мақсадларнинг асосий афзаллиги уларнинг аниқ мазмуни ва айни пайтда белгиланган кўрсаткичлар ёрдамида кузатиб бориш имкониятининг мавжудлигидадир, модомики “белгиланган мақсадларнинг аниқ ўлчамли бўлиши ушбу мақсадларнинг амалда эришилишини таъминлаб берувчи муҳим омилдир”.

МРМ доирасида бутун дунёда ўта қашшоқликни бартараф этиш, бошланғич таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, бошланғич мактаб даражасида гендер тенглигини таъминлаш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, ОИВ-инфекцияси тарқалишини тўхтатиш ва безгакдан ўлим ҳолатларини қисқартириш, ҳамда санитарияни яхшилаш имкониятларини таъминлаш борасида эътиборга молик натижаларга эришилди.

¹⁰ Планы Евросоюза по модернизации энергетики на период до 2050 г. <http://portal-energo.ru/articles/details/id/507>

Аммо, белгиланган мақсадларга эришиш даражаси турли мамлакатларда ва айтиб бир мамлакатнинг турли худудларида нотекис кечди. Дунё мамлакатлари МРМ доирасида эришилган муваффақиятларни эътироф этган ҳолда, МРМ доирасида амалга оширилиши яқунланмай қолган мақсадларга эришиш, ҳамда, жаҳон ҳамжамиятини 2015 йилдан сўнг янги ривожланиш жабҳалари сари етакловчи мақсадларни белгилаб олиш заруриятини таъкидладилар. 2016 йилдан БМТ 2015 йилнинг 25 сентябрь куни Нью-Йоркдаги саммитида БМТнинг 193та аъзо давлатлари томонидан қабул қилинган ва 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган 17 та БРМ ва уларга боғлиқ бўлган 169 вазифаларнинг аниқланишига олиб келди.



Барқарор Ривожланиш Мақсадларини (БРМ) амалга ошириш 2016 йилнинг 1 январидан бошланиб, 2030 йилнинг 1 декабрида яқунланиши лозим¹¹.

Ўзбекистон Республикасида илк экологик муаммо ва тушунчалар 1950-йиллардан, Оролнинг қуриши оқибатида юзага кела бошлади. Мазкур муаммоларнинг ОАВда ёритилиши экологик журналистиканинг вужудга келишига тўртки бўлди. 1958 йилда “Комсомольская правда” газетасида журналист Н.Дадажоновнинг “Орол ўляпти” деган мақоласини эълон қилди. Афсуски, узок йиллар ушбу муаммога панжа орасидан қараб келинди.”¹²

Бугунги кунда юртимизда экологик хавфсизликни таъминлаш учун изчил институционал ва ташкилий чоралар кўрилмоқда. Айтиш жоизки, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган ҳамда тегишли халқаро нормаларга мос ҳуқуқий база яратилган. Мамлакатимиз БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор тараққиёт соҳасидаги энг муҳим конвенциялари, Барқарор Ривожланиш Мақсадларига кўшилиб, зиммасига олган барча мажбуриятларни бажариб келмоқда. Табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилган, мақсадли давлат дастурлари, миллий ҳаракат режалари ҳаётга татбиқ этилаётир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим қисми бўлган ушбу хайрли ишларда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ва изчил чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда истиқлол йилларида атмосферага зарарли моддаларни чиқариш 2 баробар, ифлосланган оқова сувларни оқизиш 2,2 баробар камайтирилди. Сўнгги бир неча йилда қишлоқ хўжалигида пестицидлардан фойдаланиш 5 баробар қисқартирилди, саноат корхоналарида экологик хавфсиз технологиялар кенг жорий этилаётир, ишлаб чиқариш

¹¹ <http://www.un.org/uzb/pages/display/sdgs>

¹² Ўша манба 12-б

чиқиндилари чуқур қайта ишланиб, тозалаш қурилмалари модернизация қилинмоқда. Бу эса нафақат экологик, балки катта иқтисодий самаралар бераётир¹³.

Назорат учун саволлар:

1. Экология нима? У биология фанидан нима билан фарқ қилади?
2. 1992 йили Рио-де Жанейрода Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича ўтказилган конференциясининг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
3. Барқарор Ривожланиш Мақсадлари 2000 йилда қабул қилинган Мингйиллик Ривожланиш Мақсадларидан нимаси билан фарқ қилади? Ўзбекистон Республикаси БРМга қўшилганми? Нима учун?

1.2. Глобал иқлим ўзгариши нима?

Глобал иқлим ўзгариши – ХХІ асрнинг асосий муаммоларидан бири. Инсониятнинг тараққиётга эришиш йўлида табиатга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиши атроф-муҳитдаги мувозанатнинг издан чиқишига сабаб бўлаётир.

Об-ҳаво ва иқлим нима? Об-ҳаво маълум ҳудуддаги атмосферанинг 10-12 километр баландликда бир вақтдаги, бир кунлик физик ҳолатини ифодалайди. Об-ҳавонинг қатор метеорологик катталиклариға ҳаво ҳарорати, ҳаво намлиги, ҳаво босими, шамол тезлиги ва йўналиши, булутлар ва турли атмосфера ёғинлари тури ва жадаллиги, нурли энергия ва иссиқлик оқимлари кабилар киради.

Иқлим эса маълум бир ҳудуддаги об-ҳавонинг кўп йиллик режими билан ифодаланиб, жойнинг географик кенлиги, ер усти тузилиши (орографик, рельеф), денгиз сатҳига нисбатан баландлиги, океанга нисбатан узоқ ёки яқинлиги ва бошқа қатор омиллар билан аниқланади.

Иқлим атамаси грекча “клима”-қиялик маъносини, яъни куёш нурларининг ерга тушган пайтида оғиш-тушиш қиялигини англатади. Бу атама юнон астрономи Гиппарх (мил.авв.160-125 йиллар) томонидан фанга киритилган.

Иқлим – куёш атрофида ҳаракатланиб турадиган Ер сайёраси юзасига яқин бўлган атмосфера қобиғининг тропосфера қатламида рўй берадиган табиий жараёнлар натижасидир. Иқлим фасллар бўйича ўзгариш хусусиятига эга. Иқлимга таъриф берадиган бўлсак-“Иқлим деб маълум бир ҳудудда узоқ йиллар давомида такрорланиб турадиган об-ҳаво режимига айтилади”. Об-ҳаво эса иқлим кўрсаткичларининг айни жойдаги, айни вақтдаги ҳолатидир. Об-ҳаво бир кеча-кундузда бир неча марта ўзгариши мумкин. Йил давомида маълум жойнинг иқлимида унинг фасллариға хос ҳолда об-ҳаво ҳолатлари содир бўлиб туради.

Иқлимни ҳосил қилувчи асосий омил, манба Куёш ҳисобланади. Ер юзасига тушадиган куёш нурларининг тушиш бурчаги қанча катта бўлса, нурларнинг иссиқлик ва ёруғлик даражаси, қуввати шунча кучли, аксинча бўлса шунча кам ва кучсиз бўлади. Ернинг юзасида атмосфера ёки ҳаво қоплами мавжуд, ундан биз нафас оламиз ва усиз ерда ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир киши бир кеча-кундузда 1 килограмм озиқ-овқат, 3 литр сув ва 12 килограмм ҳаво истеъмол қилади. Ер атмосфераси йигирмага яқин газ аралашмасидан ташкил топган. Уларнинг асосий қисми – азот ва кислороддан ҳамда сув буғи, озон ва мутлақ ҳолатда турувчи чанг ва бошқа аэрозоллардан иборат.

Об-ҳавони кузатиш метеорологик станцияларда олиб борилади.

Метеорологик кузатишлар кун давомида ҳар 3 ёки 6 соатда олиб борилади. Бундай бир вақтда олиб борилган кузатишлар бутун дунё об-ҳаво хизматининг (ВСП) асосидир.

¹³ С.Мамиров. Коинот бағрида томчи сув мисол... <http://www.adolatgzt.uz/society/2573>

Бундай принцип метеорологик прогнозлар тузиш ва довуллардан огоҳлантириш ва глобал иқлим ҳақидаги билимларни тўлдириш учун керак.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, иқлимий шароит билан боғлиқ бўлган жараёнлар таъсирида табиатнинг ривожланиш босқичларида ўзгаришлар бўлиб турган. Бунга Антарктида материги ва Шпицберген оролларида мавжуд бўлган кўмир конлари ҳамда тўртламчи даврда рўй берган такрорий музланишлар даври инкор этиб бўлмайдиган далиллардир. Олимлар иқлимий жараёнларда даврий ўзгаришлар мавжудлигини ҳам эътироф этадилар.

Иқлимшунос олим А.В.Шнитников томонидан Ернинг шимолий ярим шаридаги қуруқликларда (материкларда) табиий намликнинг 1800 йил давомидаги даврий ўзгаришлари ўрганилган. Ҳар бир давр икки фаслдан иборат бўлади, биринчиси 300-500 йил давом этадиган салқин, нам, илиқ давр бўлса, иккинчиси 1000 йилдан ортиқ кузатиладиган иссиқ ва қуруқ иқлим давридир¹⁴. Кейинчалик олиб борилган тадқиқотлар Шнитников фикрини тасдиқлади. Масалан, Э. Ле Руа Ладюри Шарқий Европа иқлимини ўрганар экан “кичик музлик даври” бўлганлигини ва асрлар оша, яъни ҳар 2000 йилда иқлим кескин ўзгаришини исботлади.¹⁵

Ер тарихида рўй берган иқлимий ўзгаришлар палеоиклимшунослик фани вакиллари томонидан ўрганилади. Бундан ташқари, бу соҳага тегишли палеогеоморфология, палеоботаника, палеозоология каби фан илмий йўналишлари ҳам мавжуд. Бу ўринда геология фани алоҳида ўринга эга.

Сайёрамизда ҳукмронлик қилаётган ҳозирги иқлимий шароит асосан яқин ўтмишда, тўртламчи даврнинг қўйи, ўрта ва юқори қисмида рўй берган музлик даврдан сўнг юзага келган. Ердаги ҳаётнинг асосий манбаи қуёш бўлсада, иқлимнинг ҳосил бўлишида атмосфера қобиғининг аҳамияти алоҳида ўрин тутди. Атмосфера таркибининг шаклланиши ва ўзгариши органик дунёнинг ривожланиш жараёни билан бевосита боғлиқ. Академик И.В.Вернадский фикри билан айтганда, у органик дунёнинг тараққиёти ҳосиласидир¹⁶. Атмосфера сайёрамизни ўта қизиқ ва кескин совуб кетишдан сақлаб турувчи ҳимоя воситасидир. Ернинг ҳаво қобиғи бўлмаса, ҳаёт ҳам бўлмас эди. Иқлимшуносларнинг ҳисоблашларига кўра атмосферада карбонат ангидрид гази бўлмаганда ҳарорат 6⁰С га, сув буғлари бўлмаганда эса ер сиртида ҳарорат 25⁰С га пасайиб кетган бўлар эди.

Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши 1850 йилдан бошлаб, бугунги кунга келиб 1 даражага ошган. Агарда у 2 даражага етса, кризис ҳолатлар вужудга келади. Саноат инқилоби амалга оширила бошлангач атмосферада карбонат ангидриднинг миқдори 30 фоизга ошган. Олимлар иқлим ҳосил қилувчи табиий омилларни 3 гуруҳга – астрономик, географик ва ҳавони циркуляцион омилларга ажратадилар. Бу омиллар қандай гуруҳланмасин, Ер иқлимининг шаклланишида қуйидагилар муҳим ўрин тутди. Бу борада бош омил қуёшдан ер сиртига етиб келадиган радиация ва ёруғлик миқдоридир. Ер юзида сувлик ва қуруқликнинг тақсимланиши, жойнинг географик ўрни, ер юзасининг тузилиши, қуёш нурларининг ер сиртидан қайтиши кўрсаткичлари, атмосфера таркиби ва циркуляцияси ва ҳаво-денгиз оқимлари кабилардир.

Ер шари иқлимини табақалаштиришда турлича ёндашувлар мавжуд. Булар орасида Б.П.Алисов томонидан 1930 йилларда ишлаб чиқилган генетик классификацияси кўпчилик томонидан мақулланган.

¹⁴ Шнитников А.В. Внутривековая изменчивость компонентов общей увлажненности. – Л. Наука, 1969. – 244 с.

¹⁵ Э. Ле Руа Ладюри История климата с 1000 года. – Л.: Гидрометеоздат. 1971. – С. 270.

¹⁶ Дмитриев А. Л. Иван Васильевич Вернадский как статистик // Вопросы статистики. — 2010. — № 10. — С. 73—76.

Бу классификацияда йил давомида ёки иссиқ ва совуқ даврларда ҳукмронлик қиладиган ҳаво массалари типлари асос қилиб олинган. У географик кенгликлар бўйлаб ҳукмронлик қиладиган еттига ҳаво массаларини қамраб олади: экваториал, 2 та тропик, 2 та мўътадил ва Арктика, Антарктика. Бунга асосан 4 та асосий: экваториал, тропик, мўътадил, арктика-антарктика ва 3 та оралиқ: субэкваториал, субтропик, субарктика-субантарктика иқлимий минтақаларига ажратади. Юқорида қайд қилинган ҳаво массаларининг, иқлим минтақаларининг шаклланишида Ер юзида радиация баланси, ҳаво ҳарорати ва намликнинг кутблардан экваторга томон ўзгариши асос қилиб олинган.

Ер юзида қарор топган ушбу иқлимий шароит XX асрнинг ўрталарига келиб кучли антропоген таъсирга учради. Яъни, ер юзасида аҳоли сонининг ортиши, табиий ресурсларга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг тўхтовсиз ошиши ва ниҳоят фан ва техникани ривожланиши инсоннинг табиатга таъсир кучининг ортиб бориши Ер шари иқлимининг ўзгаришига олиб келди ва бу жараён шиддат билан давом этмоқда.

Бу жараённи куйидаги далиллар билан асослаш мумкин:

➤ Атмосферанинг кимёвий, физик таркибига инсон фаолият таъсирининг ортиб бораётганлиги, Озон қатламини емирувчи турли ис газларини ҳамда карбонат ангидрид ва бошқа иссиқхона эффекти ҳосил қилувчи газларни ва аэрозолларни чиқариш, турли органик ёқилғиларни ёқиш ва энергия сарфлаш орқали атмосфера ҳароратига кўрсатилаётган таъсирнинг ортиб бораётганлиги;

➤ Табиий ресурсларнинг тез суръатлар билан ўзлаштирилиши (ер, сув, ўрмон, тоғ-кон) туфайли ер сирти альбедосининг ўзгариши;

➤ Дунё океани сатҳининг кўтарилиши ва сув таркибининг ифлосланиши, бузилиши туфайли атмосфера-океан-қуруқлик тизимида кечадиган модда, энергия ва газ алмашинувида салбий таъсир кўрсатиш;

➤ Ер шарида бўладиган, бўлаётган этник низолар, давлатлараро келишмовчиликлар, урушлар, халқаро терроризм, маиший ва саноат чиқиндиларининг табиатга тартибсиз катта миқдорда чиқарилаётгани;

➤ Инсон омили таъсирида ер юзида модда, энергия алмашинуви туфайли, табиий, иқтисодий, ижтимоий жараёнларни шиддатининг ортаётганлиги;

➤ Космосни ўзлаштириш мақсадида ракеталарни фазога чиқарилиши натижасида Озон қатламига етказилаётган зарар ва бошқалар.

Иқлимшуносларнинг маълумотларига кўра, юқорида қайд қилинган жараёнлар туфайли глобал иқлим исиши кузатилмоқда. Атмосферада иссиқлик газлари ҳаддан ташқари кўп миқдорда тўпланиши дунё миқёсидаги барқарор иқлим жараёнларининг ўзгаришига олиб келмоқда. Уларнинг бундай ғайритабиий кўпайиши инсон фаолияти, чунончи: энергия ишлаб чиқаришда, кимё саноатида ва бошқа ишлаб чиқаришларда нефть, газ ва кўмирдан ҳаддан ташқари кўп фойдаланилиши натижасида юз беради. Миқдори йилдан-йилга кўпайиб бораётган асосий иссиқлик газлари оксидланган газ ва метан бўлиб, маълумки, метан табиий газнинг асосий элементи ҳисобланади. Ушбу газлар атмосферада тўпланиб, сайёранинг қизиган сирти таратувчи ортиқча иссиқлик космосга тарқалишига йўл қўймайди ва атмосферанинг исишига сабаб бўлади.

Иқлим ўзгариши сабаби ҳисобланган иссиқхона газлари:

сув буғи

карбонат ангидрид (CO_2)

метан (CH_4)

азот оксиди (N_2O)

гидрофторуглеродлар (ГФУ)

перфторуглеродлар (ПФУ)

олтингугурт гексафториди (SF_6)¹⁷

¹⁷ Н.Қосимова. Иқлим ўзгариши нега хавфли? http://ekolog.uz/article_view.php?id=174

Ер ўз юзасидаги инфрақизил нурларни фазога қайта чиқармаслик хусусиятига эгадир. Улар ерни иссиқ “кўрпа”га ўраб, иссиқхона самарасини беради ва Ердаги ҳароратни сақлаб туради. Мазкур жараён Ерни ҳаёт учун яроқли қилади. Иссиқхона газларисиз Ер ҳозиргидан тахминан 30 даражага совуқроқ бўлар эди. Аммо афсуски, инсон фаолияти натижасида атмосферага юқорида келтириб ўтилган газлар чиқарилмоқда. Рақамларга эътибор берсангиз, бир кунда дунёда 9 миллиард литр нефть ёқилади. Бунинг натижасида ҳаводаги CO₂ нинг миқдори йилига 30% га ортиб бормоқда. Унинг оқибатлари эса қуйидагича: ҳарорат ошиши натижасида музликлар эрийди. Музликлар эриганда океан сувининг ҳарорати ва физик хоссалари, океан оқимлари, мазкур оқимларга боғлиқ бўлган мамлакатларда иқлим, глобал гидрологик цикл ва иқлимни яратувчи глобал жараёнлар ўзгаради. Оқибатда ёғингарчиликлар амплитудасида катта ўзгаришлар юз бериб у ўта кўп ёғин ёғиши ёки умуман ёғмаслиги билан белгиланади, қурғоқчилик ва тошқинлар сони кўпаяди, табиий офатлар – торнадо, тайфунлар, селлар, кўчкилар юз беради. Бир қарашда бу унча кўрқинчли бўлиб туюлмаслиги мумкин. Аммо Ерда ҳарорат яна 5 даражага кўтарилса, барча жараёнлар орқага қайтариб бўлмайдиган тус олади ва сайёрамизда ҳар қандай ҳаётга жиддий хавф туғилади. Инсон биологик тур сифатида яшаб қолиши масаласи кун тартибидан ўрин олади. Айти шу сабабли бу муаммо оламшумул аҳамият касб этади.

Иқлим ўзгариши муаммоси Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Содир бўлиши мумкин бўлган оқибатлар қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- сув ресурслари тақчиллигининг кучайиши;
- ўртача ҳароратнинг ошиши;
- ёғингарчиликларнинг нотекис тақсимланиши – ёғингарчиликларсиз қурғоқчилик узоқ давом этиши ва бир мартада кўп миқдорда ёғингарчиликлар бўлиши;
- кишлоқ хўжалигида етиштириш учун мақбул экинлар таркиби бутунлай ўзгариши;
- ҳарорат режими кучайиши натижасида аҳоли саломатлиги билан боғлиқ муаммолар кўпайиши;
- ўсимликлар ва ҳайвонларнинг аксарият турлари яшайдиган ареаллар қайта тақсимланиши, демак, экологик жараёнлар, бериладиган маҳсулотлар ва бажариладиган функциялар тубдан ўзгариши;
- саҳролашиш жараёнларининг кучайиши, демак, яшаш ва хўжалик юритиш мумкин бўлган ерлар камайиши;
- иқтисодиёт секторлари таъсирининг тўлиқ қайта тақсимланиши ва бошқалар¹⁸.

Албатта иқлим ўзгариши натижасида кўрилиши мумкин бўлган зарарни ҳали ҳеч ким ҳисоблагани йўқ. Хўш, бизнинг фаолиятимиз иқлим ўзгаришига таъсир кўрсатадими? Албатта, ҳа. Аввало бу автомобиллардан чиқаётган заҳарли газлар, нефть, газ, кўмир ва ўтинни ёқиш оқибатида ажраладиган CO₂, атмосферадаги аэрозоллар, цемент саноати. Шунингдек деҳқончилик, озон қатламининг юпқалашиши, чорвачиликнинг ривожини, ўрмонларнинг кесилиши ҳам иқлим ўзгаришига таъсир кўрсатади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, 1901-2012 йилларда ўртача глобал ҳарорат Цельсий бўйича 0,89 даражага кўтарилган. Бу 1400 йил мобайнидаги энг юқори кўрсаткичдир. Хавотирли томони шундаки, бу жараён давом этиши башорат қилинмоқда. Яъни, 2016-2035 йилларда сайёрамизда ҳаво ҳарорати яна 0,3-0,7 даражага кўтарилиши эҳтимолдан холи эмас¹⁹. Бунинг оқибатида яқин ўн йилликда қиш чилласида ҳарорат 20-30 даража иссиққа кўтарилиши, ёзда эса ҳавонинг совуқ кетишини кузатиш мумкин. Энг ачинарлиси, иссиқхона эффекти оқибатида дунё аҳолисини, хусусан сиз-у бизнинг ичимлик сувимиз бўлмиш тоғлардаги музликларнинг захиралари эриши натижасида камайиб боради. 1960 йилдан бошлаб бугунги кунга қадар Ердаги қор ва муз қоплами 15 фоизга қисқарди.

¹⁸ Н.Қосимова. Иқлим ўзгариши нега хавфли? http://ekolog.uz/article_view.php?id=174

¹⁹ Ўша ерда.

Шарқий-Европа минтақаси, Марказий Осиё ва Кавказ (жами 28 мамлакат) мамлакатларининг сезувчанлик ва тез зарар кўриши даражасини тавсифловчи миқдорий баҳолаш ўтказилган. Баҳолаш натижаларига кўра, Ўзбекистон иқлим ўзгаришларига жуда сезувчан (2 ўрин) ва ундан зарарланадиган (6 ўрин) мамлакат ҳисобланади. Ўзбекистон учун хавфли табиат ходисалари оқибатида эҳтимоли бўлган ўртача йиллик йўқотишлар ҳажми 92 млн АҚШ долларини ташкил этиб, бу Марказий Осиё ва Кавказ учун энг юқори кўрсаткич ҳисобланади²⁰.

Иқлим исиши, яъни ҳаво ҳароратининг глобал ортиши муаммосини бартараф қилиш жуда мураккаб вазифадир. Чунки, бу муаммо ҳам “табиат-инсон-жамиyat” муносабатларига, яъни учликнинг мувозанатига, уйғун ривожланишига боғлиқдир. Ушбу мувозанат йўллари топиш ва уни сақлаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- иқлим ўзгариши муаммоси мазмун-моҳиятини чуқур англаш, ер шари аҳолиси, давлатлар, халқаро ташкилотларнинг ҳамкорлигига эришиш;
- иссиқхона ҳосил қилувчи газлар эмиссиясини (атмосферага чиқаришни) камайтириш имкониятини берадиган янги технологияни ишлаб чиқиш ва унга ўтиш;
- муқобил энергия манбаларига ўтиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;
- экинзорлардан, айниқса шолিপоялардан метан газининг ажралиб чиқишини камайтирадиган технология ва усулларга эришиш;
- уй-жой ва биноларни иситишда тежамкор, экологик талабларга жавоб берадиган усулларни жорий этиш;
- ҳар бир инсонда “Сайёрамиз-умумий уйимиз” туйғуси ва масъулиятини ошириш, экологик маданиятни шакллантириш;
- маиший чиқиндиларни оқилона бартараф қилиш технологиясини такомиллаштириш;
- иқлим исиши индикатори ва оқибатларини худудлар доирасида ўрганиш ва уни бартараф қилишнинг географик асосларини излаш ва ушбу мавзуда лойиҳаларни ишлаб чиқиб амалиётга тадқиқ қилиш.

Назорат учун саволлар:

1. Нега иқлим ўзгаради? Бу борада А.В.Шнитников тадқиқотларининг натижалари қандай бўлган?
2. Иссиқхона газларига қайси газлар киради? Иссиқхона эффекти деганда нимани тушунасиш?
3. Иқлим исиши, яъни ҳаво ҳароратининг глобал ортиши муаммосини бартараф қилиш учун нималарга эътибор бериш лозим?

1.3. Иқлим ўзгариши ва ҳаёт хавфсизлиги

Глобал иқлим ўзгаришининг оқибатлари. Глобал ҳаво исишининг оқибатлари бутун жаҳонда экологик инқирозни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида экологлар бонг урмоқда. Дунё океанининг қутб музликларининг интенсив равишда эриши натижасида 0,5–1,0 метрга кўтарилиши қирғоқ бўйларида жойлашган аҳоли пунктлари, унумдор ерларнинг сув остида қолиш хавфини туғдиради. Шунингдек, экстремал иқлимий ҳолатлар, яъни ўта иссиқ ёзлар, ёғингарчиликнинг аввало кўпроқ бўлиши, кейин эса қурғоқчиликнинг юзага келиши, тўфон, цунами, сел, сув тошқинларининг кўпайиши кутилаётган муаммоларнинг бир қисми, холос. Яна бир муаммо Ердаги тирик организмларнинг иқлим ўзгаришига мослашуви амалга ошмаслиги ва экотизимнинг бузилишидир. Юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг айримлари бугун яққол намоён

²⁰ http://uzb.econews.uz/index.php/index.php?option=com_content&view=article

бўлмоқда.

Сўнгги 20 йил Ерда ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши кузатилган. Мазкур тенденция 1866 йил (ҳаво ҳарорати ўзгаришини кузатиш бошланган давр)дан бошланган. **Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси.** Глобал иқлим ўзгаришининг энг жиддий салбий оқибатлари айнан озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосида кўринади. **Сув захираларининг етишмовчилиги.** Иқлим ўзгариши ёғингарчилик тушиш миқдорининг ўзгаришига ҳамда чучук сув захирасининг камайишига олиб келади.

Аҳоли саломатлиги. Сув етишмовчилиги жойларда санитария-гигиена ҳолатларининг ёмонлашувига олиб келади.

Экотизимлар. Аксарият табиий тизимлар (музликлар, корал рифлари, тропик ўрмонлар, ўрмонлар) ўзгариши оқибатида, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг қисқариши ва биохилма хилликнинг камайишига олиб келади. Жуда кўп ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг йўқ бўлиб кетиш хавфи мавжуд.

Арктикада иқлим ўзгариши. Айнан Арктикада ҳавонинг исизи яққол сезилмоқда. Сайёранинг бошқа нуқтасига нисбатан бу ерда ҳаво исизи анча юқори. Музликларнинг тезлик билан эриши натижасида улар 30 йилдан олдинга нисбатан икки баробар юқалашган. Агарда жараён шу тарзда давом этса, Арктикада муз қатлами эриб, совуққа мослашган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг йўқолишига олиб келади. Зеро, 1979 йилдан бошлаб ҳар йили мавжуд музликларнинг 4 фоизи эримокда. Арктика Кенгашида фаолият юритаётган, дунёнинг турли мамлакатларидан келган 250 нафар олим ушбу қарорга келишган²¹.

БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг фикрича, иқлимдаги ўзгаришлар дунёнинг барча океан ва қитъаларидаги табиий тизимларда сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлаётир. 2016 йилдан 2035 йилга қадар сайёраимизда ҳарорат тахминан 0,7 даража, 2081 йилга бориб эса, 1986 — 2005 йиллардаги кўрсаткичга нисбатан қиёслаганда, қарийб 2 даража кўтарилиши кутилмоқда. Натижада доимий музликларнинг эриш жараёни тезлашиб, океанлар сатҳи юксалади. Хусусан, 2081 — 2100 йилларда уммон сувлари сатҳи 1986 — 2010 йиллардагига нисбатан 0,58 дан 0,98 метргача кўтарилади. Бу эса, ўз навбатида, тошқинлар кўпайишига, ер кўчкилари ва эрозияга, балиқлар ҳамда курукликдаги жонзотларнинг пала-партиш миграциясига сабаб бўлади.

Иқлим ўзгариши озиқ-овқат хавфсизлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, 2050 йилга бориб, маккажўхори, гуруч ва буғдой етиштириш ҳажми 25 фоизгача қисқариши башорат қилинмоқда²².

Иқлим ўзгариши ўзида одамлар соғлиғига сезиларли янги таҳдидни ифода этади ва бизнинг заиф популяцияларни қандай қилиб ҳимоя қилишимиз лозимлиги ҳақидаги тасаввуримизни ўзгартириб юборади. Иқлим ўзгаришлари билан келиб чиққан глобал исизи соғлиқнинг айрим энг муҳим негиз шароитлари: сув, ҳаво муҳити ва озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан салбий оқибатларга эга эканлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Рақамларга мурожаат этсак. Сайёраимиз аҳолисининг ҳаёти бевосита тупроқ унумдорлиги билан боғлиқ бўлганлиги туфайли, айни пайтда 40% ерлар тупроқ эрозияси оқибатида деградацияга учраган. Тупроқ унумдорлиги пасайиб, ҳосилдорлик 50%га камайган. БМТ нинг маълумотларига кўра, тез орада, инсоният бугунги кунда фойдаланадиган ерларнинг тўртдан уч қисмини йўқотиши мумкин²³. Глобал муаммолардан яна бири инсониятни чучук сув билан таъминлашдир. Сўнгги 100 йилда сув истеъмоли 7 фоизга ошиб, ҳар бир инсон учун ажратилиши мумкин бўлган чучук сув ҳажми 60%га қисқарган. Кейинги 25 йил ичида сувнинг захиралари яна 2 маротабага камайиши кутилмоқда. Амазонка, Миссисипи, Дунай, Волга, Днепр, Сирдарё ва Амударё каби дарёларнинг экотизими аянчли аҳволда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, уларни

²¹ <http://www.un.org/climatechange>

²² Н.Қосимова. Иқлим ўзгариши нега хавфли? http://ekolog.uz/article_view.php?id=174

²³ На земле начался новый этап вымирания. <http://www.telegraf.lv/news>

тозалашга йилига 60 млрд. доллар миқдорда маблағ сарфланиши лозим²⁴. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб экология билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг сони кўпайди. Масалан, сув ҳавзаларига таркибида симоб бўлган чиқиндиларни ташлаш оқибатида рухий носозлик билан туғилаётган болаларнинг сони кўпаймоқда. Сўнгги 40 йилда дунё аҳолиси 3 дан 7 миллиардга ўсди. Кунига аҳоли сони 200000 нафар одамга кўпайишини инобатга оладиган бўлсак, 2050 йилга келиб аҳоли сони 9 млрд.га етади. Экомуаммолар аҳоли саломатлигига, хусусан, аёллар ва болалар соғлигига таъсир қилиб, аҳоли орасида атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган турли касалликларни келтириб чиқармоқда. Минтақада генофонднинг салбий ўзгариш тенденцияси кузатилмоқда. Ҳиндистонда бир кунда ўртача 1000 нафар бола тозаланмаган сувни истеъмоли натижасида диареядан халок бўлади.

2011 йилдаги цунамидан сўнг Тинч океанига 11 млн. литр радиоактив сув тўкилган. Бир ҳафтадан кейин қирғоқдан 80 км. узоқликда радиоктив зарарланган балиқларни тута бошлашган. Бундай балиқлар сони бугун Дунё океанига тарқалган ва аҳолида саратон касалликларини келтириб чиқара бошлаган. Инсон фаолияти натижасида чиқиндилардан ажралаётган кадмий бутун Ер юзида тарқалиб, у инсон организмида ҳужайраларни бирин кетин- халок қилади ва мутацияга олиб келади, чунки йилига дунё океанига 7 млрд. кг. пластик ташланади. 1995 йилда ишлаб чиқарилган автоуловлар 2010 йилдагига нисбатан 38 маротаба кўп захарли газларни атмосферага чиқаради. Йирик шаҳарлардаги автомобиль ва саноат газы, тутунларидан йилига 400 минг одам халок бўлиб, 1200 минг нафар одам касалликларга чалинади. Тозаланмаган ичимлик сувидан ҳар 8 сонияда бир нафар бола халок бўлади²⁵. Дунёдаги ҳар саккизинчи ўлим ҳавонинг ифлосланиши билан боғлиқ. Чўлланиш натижасида тегишли ҳудудларда яшайдиган 90 фоиз аҳоли фаровонлиги пасаяди. Болалар ўртасида ўлим кўпайиб 1000 болага 54 нафарни ташкил этади. Бу сувли ҳудудларда яшайдиган болалар ўртасидаги ўлимга нисбатан 10 фоизга кўп. Бугунги кунда Ер шарининг 41 фоизи чўлланишга мойил. Уларда 2 млрд. нафар аҳоли яшайди. Уларнинг соғлиқ кўрсаткичи бошқаларга нисбатан 12-15 фоиз паст ва касалга тез чалинувчан. Йилига дунёда 200 минг тонна кимёвий моддалар ишлаб чиқарилади. Ишда ва уйда улар билан ёнма ён бўлиш ҳомиладор аёллар ҳомиласига салбий таъсир кўрсатиб, боланинг касал туғилишига олиб келади (аллергик, ошқозон ичак касалликлари, мия саратони ва ҳоказо). Саноат ҳудудларида аёллар ўртасида юрак хуружлари 3, 4 маротаба кўп содир бўлади²⁶. Албатта буларнинг барчаси инсондан бугунги кунда ҳар бир қадамни ўйлаб босиши зарурлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг қарорига асосан аҳоли соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётган глобал иқлим ўзгаришидан ҳимоя қилишнинг узоқ муддатли фаол дастурини амалга оширмоқда. Ташкилот БМТнинг ушбу глобал муаммога умумий жавоб чоралари доирасида соғлиқни сақлаш секторини ифода этади. 2008 йилда Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 61-сессиясида ЖССТга аъзо-давлатларга одамлар соғлиғини ўзгараётган иқлим таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасида қўллаб-қувватлаш учун ҳаракат режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топшириғи берилган эди. Иқлим ўзгаришлари – хусусан об-ҳавонинг ўзгарувчанлиги айниқса юрак-томир, нафас олиш йўли ва юқумли касалликлар билан касалланганларга ёмон таъсир кўрсатади. Ёгингарчиликлар ёғишининг борган сайин ўзгариб бораётган модели чучук сув захираларини шаклланишига таъсир кўрсатиши мумкин. Бутун дунёда сув етишмаётганини бугунги кунда ҳар ўн кишидан тўрттаси сезмоқда. Сувнинг етишмовчилиги гигиена ва соғлиқ учун хавф туғдиради. Бу ҳар йили 2,2 млн.га яқин одамнинг ёстиғини қуритувчи ич кетиш (диарея), шунингдек трахома (кўрликка олиб келиши мумкин бўлган кўз инфекцияси) ва бошқа касалликларни ривожланиш хавфини оширади²⁷. ЖССТ маълумотларига кўра, иқлим ўзгариши билан

²⁴ Water Crisis. <http://www.earthlyissues.com/watercrisis.htm>

²⁵ 30 ужасающих фактов об экологических загрязнениях. <https://hotshowlife.com/30-uzhasayushhih-faktov>

²⁶ Глобальные экологические проблемы и пути их решения. vitamarg.com

²⁷ <http://www.un.org/ru/events/water/facts1.htm>

боғлиқ бўлган касалликлар жабрининг 85%дан кўпроғи ривожланаётган мамлакатлар болаларига тўғри келади. Сув тошқинлари ва экстремал ҳароратлар натижасида жароҳатлар ва ўлим, ҳавонинг ифлосланиши натижасида борган сайин кенгрок тарқалаётган кўксов (астма) ва нафас йўллари касалликлари, шунингдек иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган ич кетиш, безгак ва озиқ-овқатни етишмаслиги болалар ҳаётига таҳдид солмоқда. Иқлим шароитлари сув ва чивин каби ташувчилар орқали ўтадиган касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Ўсимликлардаги гулчанглар ва бошқа аллергияларнинг мавжудлик даражаси ҳавонинг юқори ҳароратларида ошиб боради. Бу дунёда 300 миллионга яқин одам азият чекаётган кўксов (астма)ни келтириб чиқариши мумкин. Ҳар йили миллионлаб одамлар озиқ-овқат етишмаслиги сабабли – тирикликни сақлашга зарур бўлган озуқа моддалари танқислиги бўлгани каби, безгак, ич кетиш ва нафас йўллари касалликлари каби юқумли касалликлар олдида заифлилик натижасида вафот этмоқда. Сайёрамизда ҳароратларни ошиши ва кўпгина тропик ривожланаётган, озиқ-овқат билан таъминланганлик шундоқ ҳам қийин бўлган минтақаларда ёғингарчиликлар ёғиши режимининг тобора ўзгариши натижасида олинадиган ҳосилларнинг янада камайиши кутилмоқда. Ҳавонинг ифлосланиши соғлиқ учун атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган асосий хавф-хатарлардан бири ҳисобланади. Озон ва қаттиқ моддалар ҳам инсон соғлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши жаҳон аҳлини безовталантирмоқда.

Одам организмига таъсир этувчи атмосферадаги асосий ифлослантирувчи моддалар

Ифлослантирувчи модда	Инсон организмига таъсири
SO ₂	Бронхларга таъсир этади, ўпка ва аллергия касалликларни келтириб чиқаради
CO	Қонда кислород алмашинувини бузади. Асаб тизимини зарарлайди. Юрак фаолиятини ишдан чиқаради
Углеводородлар (CH)	Саратон касалликларини келиб чиқишига сабаб бўлади.
Азот оксидлари (NO ₂)	Кўзнинг шиллик пардасига салбий таъсир этади
Фтор (F)	Суяк тўқимасини зарарлайди
Қўрғошин (Pb)	Асаб тизими ва суяк тўқималарини емиради
Радиоактив элементлар	Саратон касаллиги ва туғма нуқсонларни келтириб чиқаради.

Ҳавонинг ифлосланиш даражасини пасайтириш йўли билан биз нафас йўллари инфекциялари, юрак ва ўпка саратони касалликлари ва улар оқибатида келиб чиққан касалликларнинг зарарини камайишига ёрдам беришимиз мумкин. Шаҳардаги ҳавонинг ифлосланиш даражаси қанчалик паст бўлса, аҳолининг нафас йўли (узоқ муддатли бўлгани каби, қисқа муддатли истиқболда ҳам) ва юрак-томир касалликларига чалиниши шунча кам бўлади. Урбанизация жараёнида катта шаҳарларда истиқомат қиладиган аҳоли хонадонлари ичидаги ҳавонинг ифлосланиши, асосан ривожланаётган мамлакатларда тахминан 2 миллион барвақт ўлим ҳолатларига олиб келмоқда. Ушбу ўлим ҳолатларининг деярли ярми беш ёшгача бўлган болалар орасида зотилжам касаллиги натижасида содир бўлади. Шаҳарлардаги атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ҳар йили дунёда 1,3 миллион

ўлим ҳолатларига олиб келди²⁸. Иқлим билан боғлиқ нафас олиш органи касалликлари сонини қисқартириш мақсадида, биринчи навбатда, атмосфера ҳавосининг зарарланиш ҳолатини камайтириш, иқлимга боғлиқ бўлган ходисалар тўғрисида олдиндан маълумотлар бериш ва буларга соғлиқни сақлаш тизимининг тайёр туриши лозим. Бунда, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш тавсияларига асосланган атмосфера ҳавосининг сифатига қўйилган стандартларга амал қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Назорат учун саволлар:

1. Глобал иқлим ўзгаришининг оқибатлари нималардан иборат?
2. Ҳавонинг исизи инсонсаломатлигига қандай таъсир кўрсатади?
3. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг қарорига асосан аҳоли соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётган глобал иқлим ўзгаришидан ҳимоя қилишнинг узоқ муддатли фаол дастурининг асосий вазифалари нималардан иборат?

1.4. Иқлим ўзгаришининг олдини олиш борасида қабул қилинган халқаро ва миллий қонунчилик

Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши салбий оқибатларининг олдини олишни халқаро миқёсда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Иқлим исизи ва ўзгариши муаммоси илк мартаба 1972 йилда дунё мамлакатлари раҳбарларининг табиат муҳофазасига бағишланган БМТ ва унинг атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган Стокгольм конференциясида, 1975 йили эса Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрида ўтказилган Европада хавфсизликни таъминлашнинг якуний ҳужжатида ўз ифодасини топган эди. 1979 йилда бўлиб ўтган биринчи жаҳон илмий конференциясида эса антропоген иқлим ўзгаришларидан жаҳон ҳамжамиятини огоҳлантирувчи декларация қабул қилинди²⁹.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан буён Ернинг озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича чоралар кўрилмоқда. 1985 йилда Вена (Австрия)да озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Конвенция³⁰ қабул қилинди. 1987 йилда Конвенция озон қатламини емирувчи моддалар ҳақидаги Монреал протоколи билан тўлдирилди. Унда озон қатламини емирувчи моддаларни ишлаб чиқаришни чеклаш назарда тутилган.

1992 йилда БМТ шафелиги остида Рио-де-Жанейро (Бразилия) шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича Доиравий конвенцияси қабул қилинган бўлиб, бугунги кунда 180 дан ортиқ мамлакат унга қўшилган. 1997 йилда эса Киотода (Япония) унга илова тарзида ривожланган давлатлар ва ўтиш босқичидаги иқтисодиётга эга мамлакатлар зиммасига иссиқхона газларини ҳавога чиқарилишини чеклаш ёки барқарорлаштириш мажбуриятини юкловчи Протокол (Киото протоколи) қабул қилинди. 2011 йилда Киото протоколининг амал қилиши яна 5 йилга узайтирилди.

1979 йил Женевада (Швейцария) имзоланган ҳавонинг катта масофаларда трансчегаравий ифлосланиши тўғрисида Европа Конвенцияси 1983 йилда кучга кирди. Конвенцияга илова тарзида уни тўлдирувчи қуйидаги протоколлар³¹ қабул қилинган:

²⁸ Иқлим ўзгариши –атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига таъсири. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ), БМТнинг иқлим ўзгариши ҳақидаги Доиравий Кон- венцияси ва халқаро ташкилотларнинг иқлим ўзгариши муаммолари бўйича, Ўзбекистон Республикасининг иқлим ўзгариши бўйича Иккинчи Миллий ахбороти ҳамда “Иқлим ўзгаришининг Ўзбекистонда соғлиққа, соғлиқни сақлаш тизимининг заифлик ва мослашишга таъсирини баҳолаш” Миллий ҳисоботи ва атроф табиий муҳит муҳофазаси бўйича статистик ҳисоботлар жамланган рисола. Т., 2012

²⁹ http://www.un.org/tu/documents/decl_conv/conv_environment.shtml

³⁰ Ўша ерда.

³¹ Ўша ерда.

- 1999 йилги оксидланиш, эфтофикация ва ер устидаги озонга қарши кураш тўғрисида протокол;
- 1991 йилги учувчан органик бирикмаларнинг ҳавога чиқарилиши ёки уларнинг кўчиб юриш оқимларини чеклаш тўғрисида протокол;
- 1988 йилги азот оксидини ҳавога чиқаришни ёки унинг кўчиб юриш оқимларини чеклаш тўғрисида протокол;
- 1985 йилги олтингугуртни ҳавога чиқаришни ёки унинг кўчиб юриш оқимларини камида 30 фоизга қисқартириш тўғрисида протокол;
- 1984 йилги Европада ҳавони ифлослантирувчиларнинг узоқ масофага тарқалишини кузатиш ва баҳолаш бўйича ҳамкорликдаги дастурни (ЕМЕП) узоқ муддатли молиялаштириш ҳақидаги протокол.

Ҳавонинг узоқ масофаларга трансчегаравий ифлосланиши тўғрисида Конвенция³² (Женева, Швейцария, 1979). 33 та давлат ва Европа Иқтисодий Иттифоқи қатнашчи.

Асосий қоидалар: маълумот, маслаҳат, илмий тадқиқотлар ва мониторинг натижалари, сиёсат ва стратегик қарорлар билан алмашиш; илмий тадқиқотлар олиб боришда ҳамкорлик қилиш.

Озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена конвенцияси³³ (Вена, Австрия, 1985). 120 та давлат ва Европа Иқтисодий Иттифоқи қатнашчи.

Асосий қоидалар: озон қатламидаги ўзгаришларга таъсир кўрсатувчи моддалар ва жараёнларни тадқиқ қилиш соҳасидаги ҳамкорлик; муқобил модда ва технологияларни яратиш; озон қатламида ноқулай вазиятларни келтириб чиқарувчи фаолиятни назорат қилишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ва қўллаш соҳасида ҳамкорлик қилиш; илмий, техник, ижтимоий-иқтисодий. Тижорат ва ҳуқуқий маълумотларни алмашиш; технология ва илмий билмларни ишлаб чиқиш ва етказиб бериш соҳасида ҳамкорлик қилиш.

Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколи³⁴ (Монреаль, Канада, 1987 Монреаль, Канада, 1987).

Асосий қоидалар: инсоннинг озон қатламини ўзгартирувчи ёки ўзгартириши мумкин бўлган фаолияти натижасида юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган зарарли таъсирлардан одамлар соғлиғини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тегишли чораларни кўриш; техник ва иқтисодий характердаги нуқтаи назарларни ҳисобга олган ҳолда ва илмий билимлар асосида озон қатламини емирувчи барча глобал чиқиндиларни етарлича тартибга солиш ва охир-оқибат уларни бартараф этиш мақсадида огоҳлантирувчи чораларни кўриш.

Тарихий маълумот: гарчи олимлар ҳали 1960-йиллар бошидаёқ инсон фаолияти натижасида озон қатламини емирилиши ҳақида тахминларни илгари суришган бўлсада, узоқ ватқларгача ушбу муаммо жамоатчилик эътиборидан четда қолиб келган. 70-йиллар бошида аэрозол идишлар ва совутиш машиналарида ишлатиладиган хлорфторметан (фреон) атмосферада тўпланиб қолаётгани аниқланади. Тропосферада ушбу юқори даражада барқарор моддаларни емирувчи амалий механизмлар мавжуд эмаслиги боис фреонларни статосферага ўтказиш фикри илгари сурилади. Бу ерда улар фотохимёвий реакцияга киришади ва бунинг натижасида атомар хлор юзага келади ҳамда у кейинчалик озон билан муносабатга киришади.

Шу вақтдан эътиборан халқаро дебатлар бошланади ва охир-оқибат улар озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича биринчи халқаро битимнинг имзоланишига сабаб бўлади. Бу – муаммонинг жуда жиддийлигини қайд этувчи 1985 йилги Вена Конвенциясидир.

³² Ўша ерда.

³³ lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=260344

³⁴ Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий манбалардан фойдаланиш тўғрисида Миллий маъруза. www.uznature.uz/sites/default/files/imce/Maruza.pdf

1987 йил Монреалда озон қатламини емирувчи субстанциялар бўйича Протокол имзоланади³⁵. Мазкур ҳужжатни имзолаган 27 мамлакат вакиллари ўз зиммаларига 1999 йилга қадар фреонни ишлатишни амалдагига нисбатан 50 фоизга камайтириш мажбуриятини олишди. Орадан уч йил ўтиб, Лондонда Монреал протоколи бир неча йўналишларда кучайтирилади, яъни: XX аср охиригача айрим фреонларни ишлатиш батамом тўхтатилиши керак эди; бундан ташқари, озон қатламини емирувчи бошқа моддалар устидан назорат кучайтирилди. Фаолият доираси ҳам кенгайтирилди: Лондон таклифлари 80 дан ортиқ мамлакат томонидан маъқулланди. Натижада озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун амалий шарт-шароитлар юзага келди.

1992 йил Копенгагенда бўлиб ўтган учрашувда 2030 йилга бориб озонни емирувчи барча моддалардан фойдаланишни батамом тўхташга келишиб олинди. Битимни бажариш муддатининг бу қадар узоқлиги Копенгагендаги учрашувда саноати ривожланмаган мамлакатлар ва нодавлат ташкилотлари вакилларига нисбатан саноат доиралари вакиллари уч марта кўп бўлганлиги ва уларнинг қаршилиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, Копенгагендаги тайёргарлик учрашувида “Дюпон” концернининг етти нафар вакили иштирок этган бўлиб, уларнинг сони олти давлатдан келган делегатлар сонидан биттага кўп бўлган эди

Иштирокчи-давлатларнинг мажбуриятлари. 1996 йил 1 январга бориб қуйидаги моддаларни ишлаб чиқариш ва ишлатиш тўхтатилиши керак: хлорфторметанлар, галонлар, тўрт хлорли углерод, 1,1,1-трихлорэтан, гидробромфторметан.

Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколига Лондон тузатишлари (Лондон, Англия, 1990)³⁶.

Асосий қоидалар: техник ва иқтисодий характердаги нуқтаи назарларни ҳисобга олган ҳолда ва илмий билимлар асосида озон қатламини емирувчи барча глобал чиқиндиларни етарлича тартибга солиш ва охир-оқибат уларни бартараф этиш мақсадида огоҳлантирувчи чораларни кўриш йўли билан озон қатламини муҳофаза қилишни таъминлаш; ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжларини қондириш учун, жумладан кўшимча молиявий манбалар ажратиш ва тегишли технологиялардан фойдаланиш имкониятини яратишни ўз ичига олган алоҳида қоидаларни назарда тутиш; озон қатламини емирувчи моддаларни атмосферага чиқаришни тартибга солишга ва қисқартиришга оид бўлган муқобил технологияларни яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш, уларни яратиш ва етказиб бериш бўйича халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш.

Иқлим ўзгариши бўйича БМТнинг доиравий Конвенцияси³⁷ (Нью-Йорк, АҚШ, 1992). Иштирокчилар – 59 та давлат.

Асосий қоидалар: иқлим шаклланиши тизимини муҳофаза қилиш; ҳавога чиқиндилар чиқариш ва уларни бартараф этиш чоралари бўйича миллий рўйхатларни шакллантириш; иқлим ўзгаришини назорат қилиш бўйича дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; иқлим ўзгариши бўйича илмий тадқиқотлар тармоқлари ва дастурларини яратиш ва ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик; Конвенцияни амалга оширишнинг молиявий механизмини қабул қилиш.

Халқаро ҳамжамиятнинг атроф-муҳит муаммоларига бўлган қизиқиши ортиб бораётгани халқаро ташкилотлар сафи кенгайиб, уларнинг фаоллиги ва ваколатлари ошиб бораётганида ўз аксини топмоқда. Ваколатларининг маконий доирасидан келиб чиқиб глобал ва худудий ҳукуматлараро экологик ташкилотларга бўлинади. *Атроф-муҳит муҳофазаси, атроф-муҳит ва унинг манбалари муҳофазаси соҳасида тадқиқотларни ташкил этишида БМТнинг ихтисослашган муассасалари (ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Бутунжаҳон метеорология ташкилоти, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти ва бошқалар) муҳим ўрин тутуди.*

³⁵ Ўша ерда.

³⁶ http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conv_environment.shtml

³⁷ http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conv_environment.shtml

ЮНЕСКО (*Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти*) 1945 йилда ташкил этилган. Ташкил топганининг илк йиллариданоқ табиатни муҳофаза қилишга қаратилган илмий ташаббуслар ва жамоат бирлашмалари ва ҳаракатларини қўллаб-қувватлаган. ЮНЕСКО фаолиятидаги табиатни муҳофаза қилишга қаратилган энг йирик ва машҳур йўналиш 1970 йил БМТнинг XVI Бош конференциясида қабул қилинган “Инсон ва биосфера” илмий дастури (МАН) ҳисобланади. Мазкур дастурни бажаришга бугунги кунда 100 га яқин давлат киришган³⁸.

ФАО³⁹ (*Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти*) 1945 йил октябрь ойида ташкил этилган бўлиб, дунё халқларининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида озиқ-овқат манбалари ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари билан шуғулланади. Ер, сув манбалари, ўрмон ва бошқа турдаги ўсимликлардан, қуруқликдаги ҳайвонот оламидан, океан ва денгизларнинг биологик манбаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратади. ФАО глобал, ҳудудий ва миллий даражадаги 100 дан ортиқ табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган дастурларни амалга оширишда иштирок этмоқда.

ЖССТ⁴⁰ (*Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти*) 1946 йил 22 июлда ташкил этилган. Асосий мақсади – инсонлар соғлиғи тўғрисида ғамхўрлик қилиш бўлиб, бу жараён атроф-муҳит муҳофазаси билан узвий боғлиқдир. ЖССТ инсонлар соғлиғини сақлаш билан боғлиқ экологик маълумотларни тўплаш ва тарқатиш билан шуғулланади, тадқиқот ишларида қатнашади, техник ёрдам кўрсатади, атроф-муҳитнинг экологик ҳолати устидан халқаро назоратни амалга оширади.

БЖМТ⁴¹ (*Бутунжаҳон метеорология ташкилоти*) 1951 йилда ташкил этилган. Унинг табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ вазифалари биринчи галда атроф-муҳитнинг глобал мониторингини олиб боришда намоён бўлади. БЖМТ атмосферанинг турли моддалар билан ва турли манбалар орқали ифлосланишини баҳолаш, ифлослантирувчи моддаларнинг трансчегаравий олиб ўтилишини, атмосферанинг қуйи қатламларида уларнинг глобал тарқалишини баҳолаш ҳамда уларнинг Ернинг озон қатламига таъсирини ўрганиш бўйича тадбирларни амалга оширади.

БМТ таркибига кирувчи ташкилотлардан ташқари, *халқаро ҳудудий ташкилотлар* ҳам фаолият олиб боради. Замонавий дунёда долзарб аҳамият касб этиб бораётган атроф-муҳит муаммолари ҳукуматлараро ҳудудий ташкилотларнинг ҳам эътиборидан четда эмас. Ўз ваколатларини кенгайтирган ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорликка қўшилган ушбу ташкилотлар қулай табиий шароитларни сақлаш ва табиат манбаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, жумладан ҳуқуқий чоралар кўриш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишда маълум ҳиссаларини кўшишди. Бундай ташкилотлар сирасига қуйидагиларни кўшиш мумкин: *Европа Итифоқи, Европа Кенгаши, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Осиё-Африка ҳуқуқий маслаҳат қўмитаси*. СССР тарқаб кетиши билан унинг ўрнида МДҲ тузилгач, *Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг экологик ташкилоти* ташкил этилди.

КИОТО протоколи⁴² – 1997 йил Киотода (Япония) имзоланган халқаро ҳужжат бўлиб, глобал исишнинг олдини олиш учун атмосферага иссиқхона газлари чиқарилишини қисқартириш мақсадида қабул қилинган.

³⁸ www.unesco.org/new/ru/unesco/about-us/who-we-are/introducing-unesco

³⁹ <http://www.fao.org/about/ru/>

⁴⁰ www.who.int/ru/

⁴¹ www.wmo.int/ru/

⁴² unfccc.int/resource/docs/convkp/kprus.pdf

Киото протоколи замонавий иқтисодиёт глобаллашувининг намуналаридан бири бўлиб, у иқтисодий фаолиятни тартибга солиш фақат миллий ҳукуматларнинг ваколати бўлиб қолмасдан, ҳукуматлараро битимлар объектига айланишини акс эттиради.

Атмосфера ифлосланишига қарши курашнинг зарурати. 1980-йилларда жаҳон ҳамжамиятининг эътибори глобал исишга қаратилди. Атмосферанинг ифлосланиши ва йиллик ўртача ҳароратнинг ошиб бориши кутб музликларининг эришига, оқибатда дунё океанида сув сатхи кўтарилиб, кўплаб одам кўп истиқомат қиладиган қирғоқбўйи ҳудудлари сув остида қолиши тўғрисида ташвиш билдирила бошланди.

Мазкур исишни инсон фаолияти – атмосферага иссиқхона газлари, карбонат ангидрид газлари (CO₂) ва метаннинг чиқарилиши ортиши билан боғлашади. Бу газлар инфрақизил (иссиқлик) нурларини ютади ва шу билан ер юзасининг совушига тўсқинлик қилади, бу эса атмосфера ҳавоси ҳароратининг кўтарилишига сабаб бўлади.

Атмосферанинг юқори қатламларида иссиқлик қопқони юзага келишида карбонат ангидрид гази катта рол ўйнайди. Иссиқлик станциялари, транспорт ва шаҳар хўжалиги Ер атмосферасига чиқарилаётган жами карбонат ангидрид газининг тахминан 1/3 қисмини ишлаб чиқаради. Сайёрамиз ўрмонлари карбонат ангидридни қисман ютади. Аммо ёқилғи истеъмоли ортиши сабаб атмосферага чиқарилаётган карбонат ангидрид ҳажми шу қадар каттаки, сайёрамизнинг “яшил ўпкалари” уларни тўлиқ қайта ишлай олмай қолганига анча бўлган. Атмосферага чиқариладиган чиқинди ва газларнинг катта қисми Шимолий Америка ва Европанинг ривожланган давлатлари ҳамда саноати ривожланиб бораётган Узоқ Шарқ мамлакатларига тўғри келади.

Атмосферанинг антропоген ўзгариши глобал исишга сабаб бўлаётгани 1980-йиллар охири 1990-йиллар бошларида БМТ шафелигида фаолият олиб борувчи Иқлим ўзгариши бўйича экспертларнинг ҳукуматлараро гуруҳининг маърузаларида расман қайд этиб ўтилган эди. Унинг таъсирида Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган (1992 йил) барқарор ривожланиш бўйича Глобал саммитда БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича Доиравий Конвенциясига “Атмосферада иссиқхона эффеқтини келтириб чиқарувчи газлар миқдорини Ернинг иқлим тизими балансига антропоген аралашув бартараф бўладиган даражада барқарор сақлаш” вазифасига эришиш зарурлиги масаласи киритилди⁴³. Мазкур Конвенция 186 та давлат томонидан имзоланди ва 1994 йилда амал қила бошлади.

Глобал ҳалокатни иссиқхона газларини атмосферага чиқаришни камайтиришнинг иккита усули билан бартараф этиш мумкин, деб ҳисобланади:

1) нисбатан “зарари” камроқ технологияларга ўтиш орқали дунё мамлакатлари ёқилғи баланси тузилишини ўзгартириш (кўмир ёқишдан газ ёқишга ўтиш, АЭС ва ГЭСлардан, шамол энергиясидан фойдаланиш ва бошқалар);

2) энергия тежовчи технологиялар ва тозалаш иншоотларидан кенг фойдаланиш.

Атмосферага зарарли чиқинди ва газларни чиқаришни камайтиришнинг мазкур ҳар икки усули ҳам серҳаражатлиги билан ажралиб туради. Асосий муаммо шундаки, бозор ўз ўзидан ушбу муаммони ҳал эта олмайди. Атмосфера ифлосланишининг камайишидан бутун жамият фойда кўради, лекин ишлаб чиқаришни қайта қуриш билан боғлиқ харажатлар айрим тадбиркорлар зиммасига тушади холос. Шу боис “тоза” бозор шароитида тадбиркорга ифлосланишларга қарши курашишнинг турган битгани иқтисодий зарар келтиради. Демак, муаммони ҳал этиш учун давлат ва халқаро даражадаги қарорлар ва тартиблар зарур экан. Ҳаво кенгликлари дунёдаги барча мамлакатлар учун битта ва ягона бўлгани боис атмосфера ифлосланишига қарши кураш борасида асосий роль Киото протоколи доирасида халқаро битимларга қаратилади.

Киото протоколининг табиий-илмий тавсифи аксарият ҳолларда танқид остига олинади. Биринчидан, узоқ муддатли глобал исиш жараёнининг ўзи аксарият экспертларда шубҳа уйғотади. Сўнгги бир неча ўн йиллар давомида ўртача йиллик ҳаво

⁴³ <https://ru.wikipedia.org/wiki>

хароратининг ошиб бориши ғайриихтиёрий флуктуация бўлиши, унинг ортидан иқлим ўз холига қайтиши, хатто ҳавонинг озроқ совуши рўй бериши ҳам мумкин.

Иккинчидан, агар ростдан ҳам барқарор глобал ҳаво хароратининг ошиши рўй бераётган бўлса ҳам, бунга айнан инсонларнинг фаолияти сабаб бўлаяпти, дейиш у қадар тўғри эмас. Ер тарихида ҳаво хароратининг кескин исиб кетиши билан боғлиқ бир нечта даврлар кузатилган (уларнинг энг сўнггиси тахминан 140 ва 10 минг йил олдин содир бўлган) ва улар инсоннинг аралашувисиз рўй берган. Атмосферада карбонат ангидрид гази микдорининг ортиб кетиши глобал исийш сабаби эмас, балки унинг оқибатидир, деган фикр ҳам мавжуд.

Учинчидан. Глобал исийш инсоният учун ҳалокатли яқунланиши ҳам шубҳали. Тўғри, Европанинг айрим мамлакатлари (масалан, Голландия) сув остида қолиши мумкин, аммо исийш бугунги кунда деярли фойдаланилмай келаётган катта ҳудудларни (Канада, Сибир, қутб денгизлари) фаол ўзлаштириш имкониятини беради ҳамда йўқотиш ва фойда ўртасидаги баланс ижобий кўринишга эга бўлиши мумкин.

Ушбу шубҳалар атроф-муҳит ифлосланишига қарши курашнинг глобал механизмларини яратиш фойдадан ҳоли эмаслигини инкор этмайди, албатта. Гарчи айнан исийкхона газларига қарши кураш хато мақсад бўлиб чиққан тақдирда ҳам, умуман олганда ифлосланишга қарши кураш бугунги кун зарурати эканини унутмаслик керак. Айнан исийкхона газларининг атмосферага чиқарилишини чеклаш атроф-муҳитни ифлослантирувчи барча ҳолатлар устидан назорат ўрнатиш йўлидаги биринчи қадам сифатида баҳоланиши керак.

Киото протоколи бўйича ифлосланишларни тартибга солишнинг асосий принциплари⁴⁴. Иқлим ўзгариши бўйича БМТнинг Доиравий Конвенцияси саноати ривожланган давлатлар зиммасига 2000 йилга қадар атмосферага исийкхона газларини чиқаришни камайтириш мажбуриятини юклаган эди. Аммо тез орада атмосферага газлар чиқарилишини чеклаш амалда кўпроқ вақт ва маблағ талаб этиши маълум бўлиб қолди. Шу боис Иқлим ўзгариши бўйича БМТнинг Доиравий Конвенциясида белгиланган атмосферага исийкхона газларини чиқаришни камайтириш мажбурияти норасман “ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий эмас” деб ҳисоблана бошланди. Иқлим ўзгариши бўйича БМТнинг Доиравий Конвенциясида белгиланган мақсадларга эришиш учун чоратadbирлар тизимини ишлаб чиқиш зарурати масаласи 1995 йил Берлинда ўтказилган конференцияда унга қўшимча протокол сифатида яна кун тартибига қўйилди. Кейинги икки йил давомида халқаро битим устида иш олиб борилди ва у 1997 йил Япониянинг Киото шаҳрида қабул қилинди ҳамда *Киото протоколи* деб ном олди. Аста-секин мазкур битимга янги-янги давлатлар қўшила бошлади.

Протоколга кўра, саноати ривожланган етакчи давлатлар 2008-2012 йилларда ҳавога карбонат ангидрид гази чиқаришни 1990 йилга нисбатан ўртача 5 фоизга камайтириш мажбуриятини олишди. Ҳар бир давлатга карбонат ангидрид гази эмиссияси бўйича квота белгиланган. Ҳавога квотада белгиланганидан кам карбонат ангидрид гази чиқарадиган давлатлар ортиб қолган қисмини бошқа давлатга сотиш ҳуқуқига эга эди. Ўз навбатида уни сотиб олган давлат ўзига белгиланган квотадан сотиб олган микдоригача ортиқча карбонат ангидрид гази ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга бўларди. Шундай қилиб, Киото протоколи миллий ҳукуматларга зарарли чиқиндилар микдорини белгилаш ҳуқуқини берар ва мазкур ҳуқуқлар билан савдо қилиш бозорини ривожлантиришни таклиф этар эди.

Киото протоколининг асосий қоидалари:

1. Мазкур битимда иштирок этаётган барча саноати ривожланган давлатлар учун 2008-2012 йилларда исийкхона газларини атмосферага чиқаришнинг мумкин бўлган ҳажмини белгилаб бериш;

⁴⁴ csrjournal.com/12087-kiotskij-protokol-glavnyj-borec-s-parnikovymi-gazami.

2. “Ўзгарувчанлик механизми”ни – айрим давлатлар учун квоталарни ўзгартириш механизмини ишлаб чиқиш (квоталар билан халқаро савдо, газлар чиқарилишини камайтиришга қаратилган технологияларни жорий этиш учун ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш);

3. Газлар чиқарилиши даражаси устидан назорат механизмларини ишлаб чиқиш (антропоген чиқиндиларни баҳоланишнинг миллий тизимларини яратиш ва уларни синаб кўришнинг, чиқиндилар ва оқава сувларни мониторинг қилишнинг зарурлиги).

Киото протоколида баён этилган умумий принцип ва қоидалар унда назарда тутилган механизм ва тадбирларни бажаришни амалга ошириш учун етарли эмаслиги маълум бўлиб қолди. Энг муҳим масалалар юзасидан бир тўхтамга келиш учун деярли тўрт йил зарур бўлди ва Иқлим ўзгариши бўйича БМТнинг Доиравий Конвенцияси иштирокчи-давлатларининг 2001 йил Марокашда бўлиб ўтган 7-конференциясида улар хал этилди.

Киото протоколи уни иштирокчи-давлатларнинг 55 фоизи ратификация қилганидан кейин кучга кириши керак эди. Энг асосийси, ана шу давлатлар 1990 йилда бутун дунёда атмосферага чиқарилган жами карбонат ангидрид гази миқдорининг 55 фоиздан кам бўлмаган миқдорини ишлаб чиқарувчилар бўлиши зарурлиги белгиланганди.

Дастлаб Киото протоколи танқидчилари ҳам, тарафдорлари ҳам чиқиндилар чиқарилишини камайтиришда унинг соф амалий аҳамияти у қадар юқори эмаслигини яхши билишарди: агар Киото протоколи бўлмаганда 1990-2010 йилларда дунёда атмосферага иссиқхона газларини чиқариш 41 фоизга, мабодо протоколга қўшилган давлатлар унинг талабларини тўла бажаришса, 40 фоизга ортиши аниқланган. Киото протоколининг қиммати шундаки, у зарарли чиқиндилар чиқарилишини глобал даражада тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш ва синаб кўришда ўзига хос “синов лойиҳаси” вазифасини бажариб бериши керак эди.

Иссиқхона газларининг Киото протоколида юклатилган мажбуриятлар билан белгиланган ҳажмлардан амалда ортиқча чиқарилиши миқдори Европа Иттифоқи мамлакатлари учун йилига 150 миллион тонна, бошқа ривожланган давлатлар учун эса 360-380 миллион тонна CO₂ ни ташкил этмоқда. Европа Иттифоқи ўз ичида (масалан, Греция, Ирландия ва Иберия ярми ороли давлатларидан) ёки Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидан квоталарни сотиб олиши кутилмоқда (жадвалга қаранг).

Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида зарарли газларни чиқариш ҳажмлари бўйича мажбуриятларнинг ички тақсимоги. Амалдаги газ чиқарилишига нисбатан квоталарнинг (+) ортиқча ёки (-) кам эканлиги

Австрия	-13%	Испания	+15%
Бельгия	-7,5%	Люксембург	-28%
Буюк Британия	-12,5%	Нидерландия	-6%
Германия	-21%	Португалия	+27%
Греция	+25%	Финляндия	0%
Дания	-21%	Франция	0%
Ирландия	+13%	Швеция	+4%
Италия	-6,5%		

Европа Иттифоқи мамлакатлари газлар чиқарилишини жами 8% га камайтиришади⁴⁵.

Иқлим ўзгариши бўйича БМТнинг Доиравий Конвенцияси (БМТ ИЎДК)

⁴⁵ csrjournal.com/12087-kiotskij-protokol-glavnyj-borec-s-parnikovymi-gazami.

Иқлим ўзгариши бўйича БМТнинг Доиравий Конвенциясини қабул қилиш бўйича музокаралар 1991 йил феврал ойида бошланган эди. 1992 йил 4 июнда Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг иқлим ўзгариши ва ривожланиш бўйича Конференциясида Конвенция имзоланган учун очиқ деб эълон қилинади ҳамда 1994 йил 21 мартдан кучга кирди.

БМТ ИЎДК иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш ва Ер атмосферасига антропоген босимни камайтириш бўйича халқаро ҳамкорликнинг муҳим воситаси сифатида ишлаб чиқилган. Аммо Конвенцияда глобал иқлим ўзгаришига қарши курашнинг умумий йўналишлари белгилаб берилган ҳолда. БМТ ИЎДК глобал қилим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши курашга йўналитирилган илк халқаро битим ҳисобланади.

БМТ ИЎДКнинг якуний мақсади “атмосферадаги иссиқхона газлари миқдорини иқлим тизимига антропоген тарзда таъсир кўрсатмайдиган даражада сақлаб туриш имконини берадиган миқдорларда йиғилишини барқарорлаштиришга эришиш” ҳамда шу орқали атмосферадаги глобал ўзгаришларнинг олдини олиш ҳисобланади. Хусусан, “бундай даражага экотизимнинг иқлим ўзгаришига табиий мослашиши учун етарли бўлган, озик-овқат ишлаб чиқарилишини хавф остига қўймайдиган ва барқарор асосда келгуси иқтисодий ривожланишни таъминлайдиган муддатларда эришиш зарур”.

Конвенцияда Томонлар, яъни бугунги кунда иштирокчи ҳисобланган 190 та давлат ва Европа Иттифоқи учун глобал иқлим ўзгаришига қарши кураш бўйича фаолият йўналишлари белгилаб берилган. Шу билан бирга, БМТ ИЎДК давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлигининг турлича даражада эканини ҳисобга олган ҳолда умумий, аммо дифференцияланган жавобгарлик принципи қўлланилишини назарда тутди. Иқлим ўзгаришига ва унинг оқибатларига қарши курашда асосий ролни саноати ривожланган ва ўзларининг иқтисодий ривожланиши жараёнида иссиқхона газларининг антропоген чиқарилиши умумий ҳажмига катта ҳисса қўшган ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар ўйнаши кераклиги тан олинади (тарихий жавобгарлик принципи).

БМТ ИЎДК Конвенцияга қўшилган Томонлар учун фақат умумий принцип ва мажбуриятларни, ҳамда иқлим ўзгариши муаммосини ҳал қилиш бўйича фаолият йўналишларини белгилаб беради, хусусан унда қуйидагилар таъкидланади:

- БМТ ИЎДК Конвенция иштирокчилари томонидан иссиқхона газлари чиқарилиши ва абсорбциясини ҳисобга олиб бориш зарурлигини назарда тутди. Ҳар йиллик иссиқхона газлари чиқарилиши ва абсорбцияси тўғрисидаги маълумотлар йиллик ҳисоботлар шаклида БМТ ИЎДК Котибиятига тақдим этилиши зарур;

- Томонлар иссиқхона газлари чиқарилиши ва абсорбциясини камайтириш йўли билан иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича миллий дастурларни шакллантириши, амалга ошириши, эълон қилиши ва доимий равишда янгилаб бориши, шунингдек иқлим ўзгаришига молашиш бўйича чоралар кўриши керак;

- Томонлар даврий равишда Конвенцияни амалга ошириш учун ўзлари томонидан амалга оширилган ёки амалга оширилиши режалаштирилган чораларнинг умумий тавсифини тақдим этишлари шарт.

Иқлим ўзгаришида асосий жавобгарлик саноати ривожланган давлатлар зиммасига тушиши тан олинади, шу боис улар иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши курашда асосий роль ўйнашлари зарур. Шу муносабат билан БМТ ИЎДК саноати ривожланган ва ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар зиммасига қўшимча мажбуриятлар юзлайди:

- Конвенцияга қўшилган Томонларнинг ҳар бири иссиқхона газлари чиқарилиши ва абсорбциясини чеклаш ҳисобига иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, ўзларининг иссиқхона газларини ютувчиларини муҳофаза қилиш ва сифатини ошириш бўйича миллий сиёсат олиб боришлари ва тегишли чоралар кўришлари зарур, ҳамда шу орқали бошқа мамлакатларга ўзларининг мазкур йўналишда еткази эканликларини кўрсатиб беришлари керак;

- Томонлар даврий равишда ўз сиёсатлари ва кўраётган чоралари, шунингдек шу муносабат билан манбалардан антропоген газлар чиқарилиши ва иссиқхона газларини ютувчилар томонидан абсорбцияланиши ҳақидаги батафсил маълумотни тақдим этишлари шарт;

- БМТ ИЎДК 2-Иловасига кирувчи Томонлар (асосан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш Ташкилотига аъзо давлатлар) ривожланаётган давлатларга, уларнинг аниқ эҳтиёжлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хосликларини эътиборга олган ҳолда, улар Конвенция бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари учун молиявий ва бошқа шаклдаги ёрдамни кўрсатишлари зарур. Мазкур кичик бандлар экологик жиҳатдан хавфсиз технологиялар ва “ноу-хау”лардан фойдаланиш имкониятини беришни назарда тутлади.

Конвенциянинг Олий органи томонларнинг Конференцияси (ТК) ҳисобланади. ТК иштирокчилари - БМТ ИЎДК Томонлари ҳисобланган барча мамлакатлар вакиллари.

ТК ҳар йили Томонлар Конвенцияда белгиланган қоидаларни амалга оширишини таҳлил қилиш учун йиғилади. Унда Конвенциянинг якуний мақсадига эришиш йўлидаги интилишлар, иқлим ўзгариши бўйича сўнгги илмий изланишлар, иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва унга мослашишга қаратилган амалий чора тадбирлар ва сиёсатлар муҳокама этилади. Мазкур таҳлил асосида ТК Томонлар ўз мажбуриятларини бажаришларини рағбатлантириш ва янги мажбуриятлар юзасидан музокаралар бориш учун, Конвенция қоидаларини такомиллаштиришга қаратилган тегишли қарорлар қабул қилади.

Томонлар Конференцияси Бюроси ТК Президентига ўз вазифаларини бажаришда кўмак бериш учун ташкил қилинган. У Президентга турли масалалар юзасидан маслаҳатлар беради ва музокаралар жараёни юзасидан қарорлар қабул қилади.

БМТ ИЎДКнинг иккита ёрдамчи органи БМТ ИЎДК Томонларининг 1995 йил Берлин шаҳрида бўлиб ўтган Биринчи Конференциясида тузилган. Мазкур иккита орган Киото протоколи мақсадларини бажариш учун ҳам хизмат қилади.

Илмий ва техник масалалар бўйича маслаҳат берувчи ёрдамчи орган (ИТММЁО) Конференция Томонларига иссиқхона газларини атмосферага чиқариш бўйича миллий хабарлар ва кадастрлар стандартларини мослаштириш ва яхшилаш, технологияларни ишлаб чиқиш ва етказиб бериш юзасидан илмий, технологик ва услубий масалаларда тавсиялар беради.

Амалга ошириш бўйича ёрдамчи орган (АОЁО) Томонлар тақдим этган миллий хабарлар асосида Конвенция қоидалари амалга оширилишини баҳолаш ва қайта кўриб чиқишга ёрдам беради. АОЁО шунингдек молиявий ва маъмурий масалалар билан ҳам шуғулланади.

ИТММЁО ва АОЁО турли масалалар, жумладан имкониятларни ошириш, технологияларни етказиб бериш, Киото протоколи механизмларини амалга ошириш юзасидан бир бири билан ҳамкорлик қилади.

БМТ ИЎДК ва Киото протоколи Котибияти Конвенция ва Протоколнинг барча органларига ўз вазифаларини бажаришда ёрдам кўрсатади. У ТК ва ёрдамчи органлар сессияларини тайёрлайди, Томонларга ўз мажбуриятларини бажаришда ёрдам беради, шунингдек бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

2015 йил 15 декабрда икки ҳафталик музокаралардан кейин БМТ ИЎДК Томонлари Конференциясининг Парижда бўлиб ўтган 21-сессиясида (COP21) дунёнинг 196 мамлакати иқлимнинг хатарли ўзгаришининг олдини олиш бўйича чоралар кўриш тўғрисида битимни тасдиқлашди. Асосий масалалар қуйидагилардан иборат⁴⁶:

1. Глобал ҳалокатнинг олдини олиш мақсадида ҳаво ҳарорати ошишини 1,5C даражасида ушлаб туриш. Бунга ривожланаётган давлатларга экологик тоза энергия манбаларини ривожлантиришда молиявий кўмак бериш ва қазилма бойликларни қазиб

⁴⁶ <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/cop21/>

олишни камайтириш, атмосферага чиқиндилар чиқарилишини камайтириш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳисобига эришилади.

2. Мажбуриятларини бажармаган ҳукуматларни жавобгарликка тортиш. Деярли барча ривожланаётган давлатлар келгуси 20 йилга мўлжалланган атмосферага чиқиндилар чиқарилишини камайтириш бўйича миллий бадалларини тақдим этишди. Мажбуриятларнинг бундай ошқора эълон қилиниши бутун дунёдаги жамиятга ҳукуматга таъсир кўрсатиш ва ундан ўз мажбуриятларини бажаришни талаб этиш имконини беради.

3. Иқлим ўзгаришидаги марказий муаммолар – ҳавонинг ифлосланиши ва ўрмонларнинг қисқариши. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан биргаликда ривожланаётган давлатлардаги миллионлаб кишиларнинг ўлимига ҳавонинг ифлосланиши сабаб эканлиги тан олинди. Шундай қилиб, миллий устувор вазифалар орасида ушбу муаммо ҳам етакчи ўринлардан бирида туриши зарур. Тропик ҳудудларни муҳофаза қилиш учун ўрмонсизланиш ва ўрмонлар қисқариши оқибатида ҳаво ифлосланишини камайтирганлик учун тўловлар назарда тутилиши ва янги кўчатлар экилиши рағбатлантирилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

4. Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тўғрисида битим имзоланди. Жаҳон банки, шунингдек Африка ва Осиёни ривожлантириш Банки яқин 20 йил ичида паст углеродли энергетик лойиҳаларни кредитлаш бўйича шартнома имзолашди. Қуёш ва шамол энергиясини ривожлантириш ҳамда шу соҳадаги илмий изланишларга янада кўпроқ маблағ ажратилиб, қазиб олинадиган ёқилғини ривожлантиришни молиялаштириш қисқартирилади.

5. 2020 йилдан бошлаб ривожланган давлатлар Хитой ва Сингапур каби бир қатор нисбатан бойроқ ривожланаётган давлатлар кўмагида ҳар йили заиф мамлакатларга иқлим ўзгаришларига мослашишлари учун 100 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишади. Эҳтиёждан келиб чиқиб бу маблағ ортиб боради. Маълум миқдордаги маблағни фаолияти тенг ярмига ривожланаётган давлатлар томонидан назорат қилинадиган Яшил иқлим фонди (Green Climate Fund) ажратади.

Глобал иқлим ўзгариши борасида миллий қонунчилик. Ўзбекистон Республикасида иқлим ўзгаришини юмшатиш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси 1993 йилда БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича Доиравий Конвенциясига қўшилди, 1998 йилнинг ноябрь ойида Киото протоколини имзолади ва у 1999 йил 20 августда ратификация қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони⁴⁷ бу борадаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди, дейиш мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг “2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида”ги қарори⁴⁸ асосида атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган иссиқлик газлари эмиссиясини камайтириш, нефть, газ, кимё, энергетика корхоналарини реконструкция қилиш, экологик соф энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилаётир. Шунингдек, ўтган йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуни⁴⁹ қабул қилинди. Иқлим ўзгариши масалаларига бизнинг мамлакатда алоҳида умумдавлат мақоми берилган.

Иқлим ўзгариши масалаларига бизнинг мамлакатда алоҳида умумдавлат мақоми берилган. Ўзбекистон Республикасида Иқлим ўзгариши бўйича Доиравий Конвенцияси бўйича Миллий орган этиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) белги ланган. Ўзбекистон ҳудудида парник газлари ҳисобига глобал ва минтақавий иқлим ўзгариши оқибатларини баҳолаш 2030 йилга келиб шимолий ҳудудларда йиллик ўртача ҳароратларни 1,5-2 даражага ва

⁴⁷ www.lex.uz/Pages/GetPdf.aspx?file=2141905.pdf

⁴⁸ www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=2174869

⁴⁹ www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=2304953

жанубий ҳудудларда бир даражага ошиш эҳтимолини кўрсатди, камроқ таъсир тоғли ҳудудларда кутилади. Иқлим ўзгариши сув юзасидан парланиш ҳисобига сув йўқотилишини 10-15%га ҳамда ўсимликлардаги транспирация ўсиши сабабли, 10-20%га ошишига олиб келади, бу эса сув манбаларидан сув олишнинг тегишлича ошиши билан қайтмас сув истеъмолининг 18%га ошишини келтириб чиқаради. Иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича устувор стратегия ва чора-тадбирлар сув хўжалиги, кишлоқ ва ўрмон хўжалиги, соғлиқни сақлаш соҳаларида ишлаб чиқилиши ва фойдаланилиши лозим⁵⁰. Республикада парник газлари ташламаларини қисқартиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлардан бири бу – қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишдир. Ўзига хос иқлим шароитларида Ўзбекистонга бўлганидек устувор, манфаатли йўналишлар бўлиб қайта тикланувчи энергия манбаларини (куёш энергияси, биогаз ва кичик гидроэнергетика) тадбиқ қилиш ҳисобланади, модомики бизнинг мамлакат қайта тикланувчи энергия манбаларининг катта салоҳиятига эгадир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда барча қайта тикланувчи энергия манбаларидан дарёлар энергия салоҳиятини ўзлаштириш муваффақиятлироқ кечмоқда. Сўнгги йилларда куёш энергиясидан фойдаланиш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилди. Шунингдек, мамлакатда биогаздан фойдаланиш ишлари фаол олиб борилмоқда. Республика ҳозирни ўзида сув иситувчи куёш панеллари; электр энергиясини ишлаб чиқариш учун куёш фотоэлектрик станциялари; микрогидроэлектростанциялар ва маиший газ олиш учун биогаз қурилмалари каби энергетиканинг қайта тикланувчи энергетика технологияларидан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятига эга. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан энергияни тежаш, қайта тикланувчи манбалар, чиқитсиз технологияларни, иккиламчи ресурс ва чиқиндилар асосида ва энергия ишлаб чиқаришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш бўйича қисқа ва узоқ муддатли давлат дастури қабул қилинган ва амалга оширилмоқда. Экологик тоза қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида 2005 йилда ихтисослаштирилган “Экоэнергия” Илмий-тадбиқий марказ (ИТМ) ташкил этилди ва фаолият юритиб келмоқда. Марказ корхона ва ташкилотларнинг буюртмасига кўра, тўғридан-тўғри шартномалар асосида фотоэлектр станцияларини етказиб бериш имкониятига эга. Марказ томонидан БМТТД ва табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларининг молиявий кўмагида намоиш қурилмаси, хусусан куёш фотоэлектр станциялари, микроГЭСлар, куёш коллекторлари ва биогаз қурилмалари йиғилган.

Назорат учун саволлар:

1. Иқлим ўзгариши бўйича БМТ нинг қайси Конференция ва Протоколларини биласиз?
2. Иқлим ўзгариши бўйича БМТнинг Доиравий Конвенциясининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикасида глобал иқлим ўзгариши борасида қандай меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган?

1.5. Ўзбекистон экологик журналистикасининг ҳолати ва халқаро тажриба

Табиатни муҳофаза қилиш, бу – табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни қайтадан тиклаш, кўпайтириш ва йўқолиб кетишдан сақлаб қолишни таъминлайдиган давлат, жамоатчилик ва халқаро чора-тадбирлар тизимидир. Аммо бугунги кунда жаҳондаги мавжуд экологик муаммолар мазкур масалани амалга оширишни тобора қийинлаштираётир. Сўнгги 20-30 йилларда Ўзбекистонда ҳам улар бирин-кетин номоён

⁵⁰ http://meteomed.uz/uploads/Brochure_Tashkent_UZ.pdf

бўлиб, инсоният Она табиатни устахона сифатида эмас, балки уни муқаддас ибодатхона сифатида қабул қилиш вақти етганлигини кўрсатмоқда. Зудлик билан зарур чоралар кўрилмаса авлодларимизга заҳарланган тупроқ, ифлосланган ҳаво ва сув, қуриган ўрмонлар, гиёҳ кўкармас чўлларни қолдиришга олиб келиши аниқ бўлиб қолди. Албатта ўзининг кундалик ташвишларидан ортмаётган фуқароларни мавжуд муаммолар хусусида хабардор қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни муҳим. Шу нуқтаи-назардан қараганда республикада миллий журналистика негизида жадал ривожланиб бораётган экологик журналистиканинг асосий мақсади аҳолини мазкур йўналишдаги зарур ахборот билан таъминлаш, мавжуд муаммолар хусусида жамоатчилик фикрини шакллантириш билан биргаликда уларнинг ечимини топиш учун ҳаракатга ундашдан, аҳолида экологик маданиятни шакллантиришдан иборатдир. Бугунги кунда миллий экология журналистикасида қуйидаги йўналишларни ажратиш мумкин:

Сиёсий-ҳуқуқий йўналиш ўз ичига мазкур соҳада қабул қилинаётган халқаро ҳужжатлар, экологик муаммоларнинг ижтимоий-сиёсий таҳлилини, шунингдек уларнинг халқаро майдонда ҳамкорлик асосида ечиш йўллари ўз ичига олади.

Биоиктисодий йўналиш асосан экология ва иқтисоднинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги асосида экологик муаммоларни таҳлил қилишга қаратилган. Унга асосан атроф-муҳит муҳофазасини ўз ичига олган, Она-табиатга зарар келтирмайдиган иқтисодий лойиҳалар, кишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни ёритаётган журналистик материаллар киради. Албатта бу мавзу танқидий-таҳлилий характерга эга бўлиб, табиат ва инсон соғлиги учун зарарли ишлаб чиқариш корхоналарини ёпиш, чиқиндисиз технологиялар ва экологик жиҳатдан тоза ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда кўринади. Асосий йўналишлардан яна бири, **экологик маданият ва экологик ахлоқни** шакллантиришдир. Журналистларнинг материаллари минг йиллар давомида инсоният онгида ва фаолиятида шаклланган оддий, яъни “сувни, тупроқни, ҳавони булғама, табиат билан ҳамоҳангликда ҳаёт кечир” деган қадриятларни тиклашга, инсонларда табиатни севишга, барқарор тараққиёт асосларига таянган ҳолда фаолият юритишга қаратилган.

Мамлакатимизда экологик мавзуга ихтисослашган ўнлаб газета ва журналлар фаолият юритмоқда, Ўзбекистонда экология ҳақида профессионал равишда ёзадиган икки турдаги ОАВ бор. Булар:

-баъзи бир ҳолатларда, мавзуга қараб экологик муаммони ёритувчилар, бунга деярли барча хусусий ва қисман расмий ОАВларни киритиш мумкин;

-муаммони профессионал ёритувчилар.

“Экология хабарномаси”, “Ekohayot”, “Жамият”, “Правда Востока”, “Бухоронома”, “Зарафшон”, “Қашқадарё” газеталари, МТРК нинг “Тошкент” телеканалдаги “Эко-Пойтахт” кўрсатуви, “Ўзбекистон” радиоканалида “Экомувозанат” эшиттириши соҳага оид бўлган ОАВ материалларидир, аммо улар жуда кам. “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Uzbekistan today”, “Правда Востока”, “Ўзбекистон овози”, “Маърифат”, “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Ўзбекистана” газеталари, “Хуқуқ ва бурч” журналида ҳам Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзолари ва Экоҳаракат экспертларининг илмий мақолалари бериб борилмоқда. 2010 йилнинг декабрь ойидан бошлаб эса Ўзбекистон экологик ҳаракати Навоий худудий бўлинмаси ташаббуси ва унинг ҳам муассислигида “Табиат ва ҳаёт” газетаси чоп этила бошланди. Журналистлар фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон экологик ҳаракати 2010 йилдан бошлаб Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон ННТ Экофоруми, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоатчилик фонди, ННТ Миллий уюшмаси ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда экожурналистика Республика танловини ўтказа бошлади. Айтиш жоизки Ўзбекистонда ҳозирча экожурналистика тизим сифатида шаклланмаган. Бунга журналистларнинг мазкур муаммо бўйича билими, махсус ОАВ нинг камлиги, мавзуни асосан илмий тилда мутахассислар ёритиши, журналистик материаллар кўпроқ ахборот жанрда

берилиши, журналистик материаллар тавсифий характерга эга эканлиги асосий сабаблардан биридир.

Мазкур нашрлар саҳифаларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, сув ва ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш ҳақида материаллар, олимлар ва соҳа мутахассислари мақолалари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ўтказилган жамоатчилик мониторинглари яқунлари чоп этилмоқда.

Шунингдек, қатор болалар экологик журналлари фаолият юритмоқда, уларнинг саҳифаларида таълим-тарбия, ноёб ҳайвонлар ҳақида материаллар, мактаб, коллеж ва лицей ўқувчиларининг тегишли мавзуга доир ҳикоялари эълон қилинмоқда. Таъкидлаш лозимки, экологик нашрларнинг пайдо бўлиши ва шаклланишининг мақсади – бир томондан аҳолини мавжуд экологик муаммолар ҳақида хабардор қилиш, бошқа томондан – аҳолининг тегишли саводхонлиги ва экологик маданиятини мамлакатда узлуксиз экологик таълим ғояси асосида оширишдан иборат”.⁵¹

“ОАВ нинг энг муҳим вазифаси бу нафақат аҳолини атроф-муҳит ҳолати, соғлиқни сақлаш соҳасидаги вазият ҳақида хабардор қилиш, балки жамиятда экологик билимларни тарқатиш, фуқароларда экологик маданият ва онгни шакллантириш, жамоатчиликнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни соғломлаштириш борасидаги ишлардаги иштирокини оширишдир”.⁵²

Шунинг учун ҳам бугун матбуотимизда экологик материаллар асос билан ёзилиши талаб этилмоқда. Экологик мавзуларни ёритишда асосий ихтисослашган нашрларимиздан бири бу “Экология хабарномаси – Экологический вестник” журналидир. Журнал ўз фаолиятини 1996 йилдан бошлаган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ахборот-таҳлилий ва илмий-амалий нашри ҳисобланади. Журналнинг энг катта ютуғи бу соҳага ихтисослаштирилгани ва энг долзарб соҳани танлагани бўлса, яна бир томони шундаки, материалларнинг илмий асосланганлигидир. Журнал бир йилда 12 маротаба, яъни ойда бир марта чоп этилади. Нашрда асосан соҳа мутахассисларининг илмий амалий изланишлари, мақолалари бериб борилади. Журналист муаллифларни учратиш қийин. Журнал А4 форматда, 56 саҳифада чоп этилади. Биринчи саҳифада ҳар сафар бир ой давомида мамлакатимизда қабул қилинган соҳага оид фармонлар, қарорлар ва Қонун ҳужжатлари берилади.

Ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётганини ва ахборот узатиш тезлиги бир неча юз баробар ошганлиги, зарур ахборотни фуқаролар айнан интернет сайтларидан олаётганлигини эътиборга олсак, соҳа ривожини интернет нашрларни кўпайтиришда кўриш мумкин. Айни пайтда экология йўналишида ахборот тарқатиш борасида фаолият олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатнинг eko.uz, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг uznature.uz, “Экомактаб” ННТнинг ekomaktab.uz корпоратив сайтлари, рус тилидаги sreda.uz, “Chinor ENK” МЧЖнинг веб-портали www.econews.uz, ўзбек тилларида ekobarqaror.uz, ekolog.uz ахборот сайтлари сўнгги йилларда тобора сони ортиб бораётган ва экологик масалаларга бефарқ бўлмаган интернет фойдаланувчиларига барқарор тараққиёт, глобал иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари, тоза технологиялар, экологик муаммоларни ҳамкорликда бартараф этишга чақирувчи материалларни тақдим этиб боради.

Ўқувчилар эътиборини қаратиш мақсадида сўнгги йилларда <http://www.meteomed.uz>, <http://www.meteo.uz> сайтларида бевосита глобал иқлим ўзгариши масалаларига бағишланган кўплаб мақолалар берилмоқда. Аммо бевосита иқлим ўзгариши муаммоси ва унинг салбий оқибатларини бартараф этишга ҳисса қўшиш, аҳолининг мазкур масала

⁵¹ Оилада экологик маданиятни шакллантириш омиллари Республика илмий-амалий анжуманнинг мақолалар тўплами, Т.: 2014, 182-б.

⁵² Оилада экологик маданиятни шакллантириш омиллари Республика илмий-амалий анжуманнинг мақолалар тўплами, Т.: 2014, 182-б.

юзасидан хабардорлигини оширишга бағишланган журналистик материаллар жуда ҳам кам. Мавзу юзасидаги аксарият мақолалар умумий характерга эга бўлиб, аниқ статистик маълумотларга эга эмас.

Сўнги йилларда журналистларнинг экологик муаммолар билан қизиқиши ортмоқда. Ўзбекистон журналистлари экологик ҳолатни ёритишда ҳудудий муаммолардан кўра жаҳон экологик ҳолатини ёритишни афзал биладилар, оқибатда аҳолида мазкур муаммоларга нисбатан қизиқиш уйғонмайди. Глобал иқлим ўзгариши муаммоси бугун қатор республика нашрлари –“Халқ сўзи”, “Жамият”, “XXI аср” газеталари, “Янги авлод”, “Экология хабарномаси” журналларида, sharh.uz, uza.uz, сайтларида бот-бот ёритилаётган бўлсада, Ўзбекистонда тизимли экожурналистика ҳали мавжуд эмас. Олий таълим муассасаларининг журналистика факультетларида ҳам мазкур йўналиш фан сифатида ўқитилмаслиги муаммони янада чуқурлаштиради. Мазкур муаммони бартараф этишда халқаро тажрибадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ғарбда экологик журналистиканинг ривожини хусусида гап кетар экан, “Klimaretter.info” экопорталининг бош муҳаррири Ник Раймернинг фикрига кўра Германияда глобал иқлим ўзгаришига бўлган қизиқиш ўтган асрнинг 80- йилларидан бошланган бўлиб, ҳозирги кунгача долзарблигини йўқотгани йўқ. Бундан ташқари ихтисослашган экологик йўналишдаги ОАВ ҳам ривожланиб, улар муаммога чуқурроқ кириб бориш имконини беради. Мазкур нашрларнинг адади анча юқори бўлиб, биргина “Гринпис” журналиси 800 минг экземплярда чоп этилади.

Буюк Британияда экологик журналистика сўнги 10 йил ичида кескин ривожланди. Бугунги кунда хаттоки “BBC” ва “Рейтер” ҳам экологик муаммоларни сиёсий ракурсда ёрита бошлади. Финляндияда мазкур мавзу асосан унинг салбий жиҳатларига урғу беришдан бошланади. Мустақил эко-журналист Исмо Туормаанинг фикрига кўра, мамлакатда ҳамон экология, хусусан иқлим ўзгариши мавзуси долзарб бўлмай, журналистлар ҳануз унга нисбатан аудитория қизиқишини уйғота олганлари йўқ.

Гамбург университетининг профессори Майк Шеффер, турли мамлакатларда глобал иқлим ўзгариши мавзусининг ёритилиши масалаларини таҳлил этар экан, муаммо барча мамлакатларда бирдек ёритилиб, унинг борлиги ҳақида бонг урилсагина, умумий тушунчага эга бўлиш ва муаммонинг олдини олиш йўлида ҳамкорликда ҳаракат қилиш мумкин. Майк Шеффер ва унинг шогирдлари 80 минга яқин экология мавзусидаги мақолаларни таҳлил этиб, уларнинг таҳминан 1% гина иқлим ўзгариши билан боғлиқлигини қайд этишди. “Европа ва Америкада экологик муаммоларни ёритишда ўхшашликлар жуда кўп, дейди Шеффер. – Сўнги 5-10 йилда дунёдаги экологик ҳолатга бўлган қизиқиш ортиб бораётган бўлсада, мамлакатлар ўртасида масала юзасидан ҳамкорлик қилиш мақсадида келишувлар ҳануз йўқ”⁵³.

АҚШнинг йирик газеталарининг материалларининг таҳлилининг кўрсатишича, иқлим ўзгариши мавзуси америкалик журналистларни қизиқтирмаётгани ажабланарли ҳол. Колорадо университетининг профессори Макс Бойкофф АҚШнинг The Wall Street Journal, The New York Times, USA Today, Los Angeles Times ва The Washington Post каби энг йирик газеталари мониторингини ўтказганда 2013 йилдан бошлаб иқлим ўзгариши мавзуси газета саҳифаларида деярли ёритилмаётганини қайд этди. Бу айниқса The New York Times газетаси мисолида яққол намоён бўлади. Ўтган йилга нисбатан иқлим ўзгариши мавзусига бағишланган материаллар сони 40 фоизга камайган. Drexel университетининг социология профессори Роберт Брюле АҚШнинг йирик каналларидаги янгиликларда иқлим ўзгариши деярли ёритилмаганлигини қайд этди⁵⁴.

“ОАВда иқлим ўзгарилишининг ёритилиши аввало сиёсат билан боғлиқдир” дейилади European Journalism Observatory хабарномасида. New York Times газетасининг шарҳловчиси Николас Кристоф, социологик сўров олиб бориб, 1 300 ўқувчидан газетада

⁵³ <http://www.lenizdat.ru/a0/ru/pm1/c-1100129-0.html>

⁵⁴ <https://ijnet.org/ru/blog/>

ёритилаётган долзарб мавзуларни санаб беришни сўради. Аксарият сўровномада иштирок этганлар долзарб мавзу сифатида иқлим ўзгариши муаммосини кўрсатишган.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси экологик журналистикасининг ривож бугунги кунда қониқарлими?
2. Юртимизда экологик журналистикани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари мавжудми?
3. Бутун дунёда иқлим ўзгариши муаммоси долзарблашган бир пайтда мазкур мавзу нега хориж нашрларда кам ёритилмоқда?

II-БОБ. ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ МУАММОСИ ВА УНИНГ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЁРИТИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Иқлим ўзгариши борасидаги хавфларни камайтиришда ОАВнинг роли

Глобал иқлим ўзгариши муаммосида ОАВнинг роли қандай? Аҳоли эътиборини мазкур масалага қандай қилиб қаратиш мумкин? Журналистлар муаммо ҳажмига муносиб баҳо бериб, уни холис ёрита оладиларми? Албатта, иқлим ўзгариши масалаларини ёритиш орқали унинг оқибатлари натижасида юзага келадиган хавфни камайтиришда ОАВнинг роли беқиёс. Чунки, иқлим ўзгариши аҳоли томонидан бевосита шахсга тегишли бўлмаган, узоқдаги бир муаммо сифатида қабул қилинади. Ҳар бир одамга бугунги кунда глобал экологик муаммога айланган ҳаво исинининг салбий оқибатларини тушунтириш, аҳолининг унга мослашуви борасида тавсиялар беришда журналистлар етакчидир. Бунда улар мазкур мавзуда материал тайёрлашда жуда ҳам кўп статистик маълумотлар, илмий тушунчалардан фойдаланишларига, уларни аудиторияга содда ва тушунарли тилда етказишларига тўғри келади. Лекин улар ўз аудиториясига нима тўғри ёки нима нотўғрилиги ҳақида кўрсатма беришлари ноўриндир. Журналистнинг асосий вазифаси иқлим ўзгариши хусусида ахборотни узатиш ва бу борада жамоатчилик фикрини шакллантиришдан иборат бўлиши керак.

Иқлим ўзгариши бўйича давлатлараро гуруҳ эксперти, Бостон университетининг доценти Адил Найамнинг фикрича, экологик инқирознинг олдини фақат яшил иқтисодгина олиши мумкин. Олимнинг фикрига кўра иқлим ўзгариши хусусида журналистик материал тайёрлаганда биринчи галда худудга оид маълумотларни келтириш зарур. Ҳар бир мамлакат масалага ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муамоларидан келиб чиққан ҳолда ёндошади. Демак, журналистлар айнан ана шу мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олишлари лозим. Чунки муаммони бартараф этиш бевосита мамлакатларнинг барқарор ривожланиш мақсадларига қай даражада риоя этишларига боғлиқдир⁵⁵.

Мавзу барчага қизиқарли бўлиши учун унинг “инсоний қиёфаси”ни кўрсатиш керак. Чунки одамларни бевосита ўзларининг шахслари ва ҳаётларига таъсир этувчи омилларгина қизиқтиради. Албатта иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар, масалан ичимлик сувининг танқислиги ҳақида ёзганда, ана шу ичимлик суви етишмаётган одамлар тўғрисида ҳам ёзиш, умумий маълумотлар ва мавзуни умумлаштиришдан қочиш зарур. Ёки мазкур мавзу билан боғлиқ иккинчи масалага эътиборимизни қаратайлик. Агарда журналист биохилма хилликнинг ўзгариши, Дунё океанида балиқ турларининг камайиб кетаётганлиги хусусида ёзар экан, Ўзбекистон аҳолисини бу ўйлантирмаслиги табиий. Чунки республика океандан узоқда жойлашгани боис аҳоли ушбу муаммонинг ўзига

⁵⁵ www.dw.com/ru/эксперты-задача-сми-показать

тегишли томонини ҳис этмайди. Аммо ОАВ вакили бевосита иқлим ўзгариши Ўзбекистондаги биохилмахилликнинг йўқолиши ва ёғингарчиликнинг камайишининг ҳосилдорликка салбий таъсири, бунинг оқибати аҳоли бандлигига таъсири, фаровонликнинг пасайишига олиб келиши мумкинлиги ҳақида бирор бир журналистик жанрда материал тайёрласа аудиторияга таъсири мутлақо бошқача бўлади. Масалан, БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси экспертлари 2009 йилда Марказий Осиёда ҳаво ҳарорати аср охирига келиб 4 даражага кўтарилишини башорат этган эдилар⁵⁶. Демак, журналистлар мазкур хавф ва унинг салбий оқибатларини аввало ўзлари чуқур тушуниб етишлари, сўнг эса буни аҳолига етказишлари зарур. Бундан ташқари журналистлар “иқлим ўзгаришининг олдини олиш учун ҳар биримиз нима қилишимиз керак?” деган саволни ҳам бериш баробарида мазкур саволга мутахассислар жавобларини берсалар, бу борада ҳукумат даражасида амалга оширилаётган ишларни кўрсатсалар фойдадан ҳоли бўлмайди. Масалан, Ўзбекистон ҳудудида иссиқхона газлари ҳисобига глобал ва минтақавий иқлим ўзгариши оқибатларини баҳолаш 2030 йилга келиб шимолий ҳудудларда йиллик ўртача ҳароратларни 1,5-2 даражага ва жанубий ҳудудларда бир даражага ошиш эҳтимолини кўрсатди, камроқ таъсир тоғли ҳудудларда кутилади. Иқлим ўзгариши сув юзасидан парланиш ҳисобига сув йўқотилишини 10-15%га ҳамда ўсимликлардаги транспирация ўсиши сабабли, 10-20%га ошишига олиб келади, бу эса сув манбаларидан сув олишнинг тегишлича ошиши билан қайтмас сув истеъмолининг 18%га ортишини келтириб чиқаради. Иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича устувор стратегия ва чора-тадбирлар сув хўжалиги, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, соғлиқни сақлаш соҳаларида ишлаб чиқиши ва фойдаланиши лозим. Республикада иссиқхона газлари ташламаларини қисқартиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлардан бири бу – қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишдир. Ўзига хос иқлим шароитларида Ўзбекистонга бўлганидек устувор, манфаатли йўналишлар бўлиб қайта тикланувчи энергия манбаларини (қуёш энергияси, биогаз ва кичик гидроэнергетика) тадбиқ қилиш ҳисобланади, бинобарин бизнинг мамлакат қайта тикланувчи энергия манбаларининг катта салоҳиятига эгадир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда барча қайта тикланувчи энергия манбаларидан дарёлар энергия салоҳиятини ўзлаштириш муваффақиятлироқ кечмоқда. Сўнгги йилларда қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилди. Шунингдек, мамлакатда биогаздан фойдаланиш ишлари фаол олиб борилмоқда. Республика ҳозирни ўзида сув иситувчи қуёш панеллари; электр энергиясини ишлаб чиқариш учун қуёш фотоэлектрик станциялари; микрогидроэлектростанциялар ва маиший газ олиш учун биогаз қурилмалари каби энергетиканинг қайта тикланувчи энергетика технологияларидан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятига эга. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан энергияни тежаш, қайта тикланувчи манбалар, чиқитсиз технологияларни, иккиламчи ресурс ва чиқиндилар асосида ва энергия ишлаб чиқаришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш бўйича қисқа ва узоқ муддатли давлат дастури қабул қилинган ва амалга оширилмоқда. Экологик тоза қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида 2005 йилда ихтисослаштирилган “Экоэнергия” Илмий-тадбиқий марказ (ИТМ) ташкил этилди ва фаолият юритиб келмоқда. Марказ корхона ва ташкилотларнинг буюртмасига кўра, тўғридан-тўғри шартномалар асосида фотоэлектр станцияларини етказиб бериш имкониятига эга. Марказ томонидан БМТТД ва табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларининг молиявий кўмагида намоёиш қурилмаси, хусусан қуёш фотоэлектр станциялари, микроГЭСлар, қуёш коллекторлари ва биогаз қурилмалари йиғилган.

Яқин йилларда кескин иқлим исишининг олдини олиш учун ҳаводаги карбонат ангидрид микдорини 0,035 % гача тушириш лозим. Бунинг учун ҳар биримиз бир қанча

⁵⁶ www.dw.com/ru/эксперты-задача-сми-показать

қоидаларга амал қилсак бас. Чунки атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтириш ва иқлим ўзгаришини тўхтатиш учун қазилма ёқилғидан фойдаланишни камайтириш керак. Бунга энергияни янада тежамкорроқ сарфлаш орқали эришиш мумкин. Аввало электр қувватини, ичимлик сувини тежанг. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, биз энергия истеъмолини икки баравар қисқартиришимиз мумкин ва бу қисқартириш ҳаётимизнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмайди. Дарҳақиқат, кўпгина лампочкалар беҳуда ёнади. Ахир ёруғлик ҳеч кимга керак бўлмаганида лампочкани ўчириб қўйиш мумкин-ку. Биз қандай лампочкаларни ишлатамиз? Улар тежамлими? Ҳозирги вақтда энергияни бир неча баравар кам сарфлайдиган лампочкалар бор ва улар сотувда мавжуд. Биз ўз турар жойимизни иситамиз. Бундай иситиш қай даражада самарали? Агар уйимизда шифтда ҳам, эшикларда ҳам битта ойнали ромлар ўрнатилган, ромларда тирқишлар бор бўлса, уйимизни қанча иситмайлик, у барибир лозим даражада исимади. Хўш, бунда қанча ёнилғи исроф бўлади? Хонадонингизга электр токи билан ишлайдиган маиший техника сотиб олаётганда унинг электр тежамкорлигига эътибор беринг. Ўз хонадонингизни иситаётганингизда кўпроқ қуёш нуридан фойдаланиб, уйдаги иссиқликни асранг. Озон қатламига бевосита таъсир кўрсатувчи босим билан ишлайдиган маиший предметлар, дезодорантлар, ҳаво тозалагичлар ва бошқаларни ишлатишдан воз кечинг. Бу албатта барчамизнинг кўлимиздан келадиган хатти-ҳаракатлардир.

2.2. Экологик мавзуда мультимедиа технологиялардан фойдаланган ҳолда журналистик материал тайёрлаш асослари

Иқлим ўзгариши мавзусида журналистиканинг ахборот жанрлари билан биргаликда таҳлилий жанрларининг деярли ҳар бирида материал тайёрлаб, узатиш мумкин. Бу ерда журналистдан касбий маҳорат билан биргаликда масалани чуқур ўрганиш, унинг моҳиятини англаш талаб этилади. Бугунги кунда онлайн журналистикаси шиддат билан ривожланиб бораётган бир пайтда аудиторияга бевосита ахборотни янгича, яъни замонавий мультимедиа технологиялардан фойдаланган ҳолда узатиш долзарблашмоқда.

Маълумотлар журналистикаси. Бугунги кунда журналистиканинг тури ва йўналиши кўп. Бевосита иқлим ўзгариши ҳақида материал тайёрлашда журналист кўплаб рақамлар, статистик маълумотларга мурожаат этиши зарур. Албатта унга маълумотлар, яъни дата журналистика йўналишидаги мавжуд билимлари ёрдам беради. Бу атама инглиз тилидаги data journalism сўзидан олинган. Мазкур йўналишнинг асосида маълумотларни қайта ишлаш, уларни визуаллаштириш ва журналистик материални яратишда фойдаланиш тушунилади. Хўш, дата журналистиканинг оддий журналистикадан фарқи нимада ва иқлим ўзгариши борасида материал тайёрлашда ундан қай тарзда фойдаланиш мумкин? Анъанавий журналистика асосида ҳам маълумотлар журналистикаси сингари факт ва далиллар ётади. Бугун ахборот шиддат билан айланаётган ва айнан ахборот ҳаётимиз мазмунига айланиб улгурган бир пайтда оддий маълумотларни асл ҳолатида ёзма ахборот тарзда узатиш ўз самарасини бермай қолди. Вақт тифиз, маълумот, ахборот эса жуда ҳам кўп. Уни ўқиб, тушуниб етишга на имкон, на вақт етарли. Маълумотлар журналистикаси эса жуда катта ҳажмдаги ахборотни визуал тақдим этади. Шунинг учун ҳам у информатика, дизайн, статистика каби соҳалар билан чамбарчас боғлиқ. Аслида журналистиканинг ушбу йўналиши кеча пайдо бўлгани йўқ. Унинг тарихи 19 асрга бориб тақалади. Маълумотлар журналистикаси сифатида эътироф этилган биринчи материал 1821 йили Британиянинг “The Guardian” газетаси томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари эди⁵⁷. Унда Англиянинг турли хил ҳудудларида фаолият юритаётган олий таълим муассасаларида таълим бериш нархлари, тўлов орқали ва бепул ўқиётган талабалар сони таҳлил этилганди. Мақола муаллифлари жадвал шаклида ҳар бир олий таълим муассасасида ўқиш, яшаш нархларини солиштирма тарзда кўрсата олганликлари

⁵⁷ Хакатон по журналистике данных. <http://www.datadrivenjournalism.ru/2016/06/ddj-hack>

учун мақола ижобий тақризларга эга бўлиб, уларда “илк маротаба журналистик амалиётда ўқувчилар аудиторияси учун ошкора барча маълумотлар келтирилган”лиги қайд этилди. 1858 йили биринчи аслзодалардан чиққан тиббиёт ҳамшираси Флоренс Найтингейл Британия армиясининг йиллик йўқотишлари ва ҳолатини таҳлиliga бағишланган тадқиқот ўтказди⁵⁸. 54 бетдан иборат материалда муаллиф турли хил жадвал ва диаграммалардан фойдаланди. Найтингейл тадқиқоти шунингдек ўзига хос журналист текшируви бўлиб, унинг натижаларига кўра тинчлик пайтида армиядаги зобитлар ўртасида ўлим, тинч аҳоли ўртасидаги ўлимдан кўра икки баробар кўплиги аниқланди.

Маълумотлар журналистикасининг замонавий кўринишдаги ҳолати эса 1952 йилда вужудга келди. Унда илк маротаба журналист фаолиятида компьютердан фойдаланилган эди. CBS телеканали президент сайловларининг умумий натижалари ва ҳар бир номзод тўплаган овозларни таҳлил этиш учун UNIVAC I компаниясидан компьютерни ижарага олган эди⁵⁹. Ўтган асрнинг 60-йиллари охирида журналистикада компьютердан кенг фойдалана бошланди. 1990 йилларда Стив Дойг ўзининг “Нимадир нотўғри бўлди” сарлавҳали материалда эса иқлим ўзгариши ва “Эндрю” бўрони оқибатида АҚШга етказилган талофатни таҳлил этади⁶⁰. Журналистлар маълумотларни тушунарли, ёрқин ва инфографика сифатида тақдим этганликлари учун турли хил мукофотларга сазовор бўлишган. 1989 йили АҚШнинг “The Atlanta Journal-Constitution” газетаси компьютерда қайта ишланган маълумотлардан фойдаланган қатор репортажлари учун Пулитцер мукофотига сазовор бўлган. Шу йили Миссури университети қошидаги Журналистика мактабида илк Компьютер журналистикаси миллий институти очилади ва 1990 йили маълумотлар журналистикасига бағишланган илк конференциясини ўтказди. Мазкур анжуман ҳар йили ташкил этилиб, унда бутун дунёда айнан маълумотлар журналистикаси йўналишида фаолият юритаётган ОАВ вакиллари қатнашадилар. Маълумотлар ёки дата журналистика ўз номини 2010 йилда Амстердамда ўтказилган конференция чоғида олди ва бугунги кунда у тезкорлик билан ривожланмоқда. Маълумотлар журналистикаси билан шуғулланадиган биринчи ОАВ сифатида “The Guardian” газетасини тилга олиш мумкин. 2009 йили Datablog бўлимини ташкил этиб, унда чоп этилаётган материалларнинг барчаси маълумотларни қайта ишлаш орқали берилади.

2012 йили Global Editors Network жамияти маълумотлар журналистикаси соҳасида— Data Journalism Awards мукофотини таъсис этди⁶¹. Шундан буён ҳар йили мазкур соҳада маълумотларни энг яхши визуаллаштириш, энг яхши журналистик текшируви, энг яхши шахсий портфолио, ОАВнинг энг яхши сайти ва бошқа номинацияларда мукофотлар ўз эгаларига топширилади.

Юртимизда маълумотлар журналистикаси эндигина тетапоя бўлмоқда. 2015 йили <http://data.gov.uz> сайти иш бошлади. Унда илгари ОАВ вакиллари учун ёпиқ бўлган турли хил йўналишдаги рақамлар, статистик маълумотлар тўпланган. Улар ўз нашрлари, ОАВ сайтларида бевосита бирор мавзу юзасидан маълумотларни таҳлил этган ҳолда визуаллаштирилган, яъни камроқ матн ишлатиб, инфографика, видеорепортаж ва интерактив хариталар ёрдамида материалларни ўз ўқувчиларига тақдим этишларининг вақти етди. Дата журналистикаси ўз ичига бир неча йўналишларни олиб, уларнинг барчаси бевосита иқлим ўзгариши мавзусида журналистик материал тайёрлашда қўл келади. Шундан бири лонгридлардир.

Лонгридлар – дата журналистиканинг ажралмас қисми сифатида бугунги кунда тан олинган йўналишлардан бири. Мазкур ахборот узатиш технологияси иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни ёритишнинг энг қулай ва таъсирчан шаклларида биридир.

⁵⁸ Биография Флоренс Найтингейл. http://www.sisterflo.ru/flo/biography_flo.php

⁵⁹ http://moscow.pink/univac_4563334.html

⁶⁰ Журналистика данных в перспективе. http://ria.ru/files/book/_site/

⁶¹ <https://salaries.texastribune.org/>

Лонгрид (инг. “long read” – узок ўқиш) – бу ҳажмли ахборотни интернетда узатишнинг қулай усули. Маълумки, катта матнларни ўқишга бугунги кунда ҳеч кимнинг вақти йўқ. Лонгрид эса ўз ичига матн билан биргаликда айнан шу мавзудаги видеоролик, инфографика, такдимот, фон берувчи мусиқа, суратлар, иқтибосларни олган мажмуавий материалдир. Уларнинг барчаси ўзаро боғлиқ бўлиб, бир бирини тўлдириб туради. Лонгридда мантикий боғлиқлик, қисмларининг (видео, аудио, инфографика ва ҳоказо) уйғунлиги – иллюстратив қатор, шрифт, рангларнинг ҳажми ва сонининг бир хиллиги муҳим. Лонгрид бир бутун ҳикоя сифатида қабул қилиниши лозим. Яъни, сизнинг материалингизни очган фойдаланувчи ёритилаётган мавзунинг ичига кириши лозим. Лонгриднинг яна бир хусусияти ахборотни хилма хил тарзда намойиш этиш билан биргаликда, кўтарилаётган масалани ҳар томонлама таҳлил этишдир. Бу ҳақиқий янги кўринишдаги таҳлилий материалдир. Лонгрид муаллифининг мақсади – глобал иқлим ўзгариши ҳақида умумий тушунча бериш билан биргаликда, фойдаланувчи ҳудудида бевосита ҳаво исиши, ифлосланиши, унинг оқибатлари, аҳолининг мослашуви хусусида қизиқарли ҳикоя қилиш, бир хил тарзда чайналган, аммо долзарб мавзунини мутлақо ўзгача нуқтаи назардан узатишдир. Бугунги кунда лонгридларнинг бир неча турини ажратиш кўрсатиш мумкин:

Репортаж. Репортаж ўзининг белгилари билан ахборот жанрларининг барчасига (ахборот бериш, ҳикоя қилиш, тўғри нутқ, бўёқли чекиниш, персонажларни таснифлаш, тарихий чекиниш ва бошқалар) мос келади. Репортаж жанрига қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Репортаж** — журналистиканинг муҳим жанрларидан бири ҳисобланиб, содир бўлган муайян воқеа, ҳодиса, вазият, жараённинг бевосита журналист иштироки ва кузатуви орқали тасвирлаб бериш, оммани шу воқеликдан кенгроқ хабардор қилишдир. **Репортажнинг предмети** — содир бўлган воқеа-ҳодисадир. **Репортажнинг асосий хусусияти** воқеа, ҳодиса, жараён, вазиятни репортёрнинг шахсан иштирокида аниқлик, ҳужжатлилиқ, воқеликни қандай бўлса, шундайлигича ёритилиши билан белгиланади. **Репортажнинг методлари** информацион жанрларга тааллуқли (маълумотларни йиғиш, кузатиш, фактларни қиёслаш, таҳлил, саволлар бериш, қисқа диалог, иштирокчилар гувоҳлигида содир бўлган воқеа ривожини баён қилиш каби) барча усуллар қиради. Бу усулларнинг ичида кузатиш услуби етакчилиқ қилади. **Репортажнинг турлари.** Репортаж воқеликнинг ривожини ва унинг натижаларини кетма-кетликда ҳикоя қилиниши, содир бўлган ҳодисанинг долзарблиги, жамият учун қанчалик аҳамиятга моликлиги, мавзунинг ранг-баранглигига қараб воқеабанд, мавзули ва муаммоли турларга бўлинади⁶². Репортажли лонгрид тайёрлашда жанр хусусиятларидан фарқли ўлароқ, муаллиф “мен”ига урғу бермаслиги лозим. Чунки муаллиф воқеа қахрамони эмас, балки ҳикоя қилувчи холос. Унинг асосий вазифаси кўрганларини шундай тасвирлаб бериши керакки, ўқувчи уларни ўз кўзи билан кўргандек ҳис қилиши лозим.

2.Реконструктор. Бундай материал маълум бир воқеаликни қайта қуриш, глобал иқлим ўзгариш билан боғлиқ мавзуларни таҳлил этиш, унинг сабаблари ва оқибатларини аниқлашдан иборат. Лонгриднинг бу турида фон мусикаси, видеоқўшимчалар муҳим роль ўйнаб, материал ўқувчисининг кайфиятини шакллантиради.

3.Портретлар (people stories). Мазкур турга интервьюлар, очерклар, биографик лавҳалар қиради. Мазкур турдаги лонгриднинг асосий вазифаси глобал иқлим ўзгаришидан жабрланган қаҳрамонни кўратиш, муаммо оқибатларига мослашаётган шахснинг ҳаётини тамойиллари, масалага қарашларини таҳлил этиб беришдан иборат. Бундай материалнинг асосий жиҳатларидан бири юқори сифатли, бир бирига мантиқан боғлиқ бўлган иллюстратив қаторнинг мавжудлигидир.

Хуш, лонгрид қандай яратилади? Агарда сиз эндигина журналистика соҳасига қадам қўяётган бўлсангиз, лонгрид сиз учун эмас. Чунки унинг матни оддий журналистик

⁶² Н.Қосимова ва бошқ. Босма ОАВ таҳририятлари учун ўқув қўлланма. Т., 2008., 35 б.

матндан биров фарқ қилади. Матн ўз таркиби бўйича мураккабдир. Агарда матнинг бошида мақола сингари лид бўлса, унинг давоми бевосита аудио ёки видео лавҳа ёхуд интервью билан давом этади. Кейинги қисмда матн видеолавҳанинг узлуксиз давоми бўлиши лозим. Факт ва далиллар таҳлили, статистик маълумотларнинг кўплиги, қаҳрамонларнинг видеоинтервьюси ва ҳоказо. Демак, сиз лонгрид тайёрлашга аҳд қилдингиз. Материални тайёрлашдан олдин мавзунини яхшилаб ўрганинг. Танлаган бир неча қаҳрамонларнинг мавзу юзасидан фикрини ўрганинг. Иложи борича бир бирига қарама қарши фикрларни йиғишга ҳаракат қилинг. Турли ахборот манбаларидан фойдаланинг. Лонгрид фақатгина қизиқарли фактлар, ёрқин иқтибослар, мавзу юзасидан илгари маълум бўлмаган деталлар билан бойисагина қизиқ бўлади.

Матнни ёзишдан олдин мақсадни аниқлаб олинг. Глобал иқлим ўзгариши умумий мавзу бўлса, унинг атроф-муҳитга, аҳоли соғлиғига салбий таъсири, ҳудудда юз бераётган ўзгаришлар ва ҳоказолар асосий мавзулар бўлиши мумкин. Айнан сизни қайси мавзу қизиқтираётганини аниқланг. Материал ғоясидан сўнг унинг кўриниши юзасидан режа тузиб олинг, яъни унинг умумий кўриниши қандай бўлади, материалнинг инфографика, иқтибос, видео керакми? Режани тузиб олгач, материалнинг таркибий қисмларини тайёрлашга киришинг. Замонавий журналист мультимедиа технологиялардан хабардор бўлиши муҳим. Лонгрид учун материал тайёрлашда мобил қурилма ҳамда монтаж дастури юкланган ноутбукданлардан фойдаланиш кифоя. Бунда сиз энг оддий **Windows Movie Maker 2012** ёки **Kate's Video Toolkit**⁶³ видеодастурларидан фойдаланишингиз мумкин. **Windows Movie Maker 2012** дастуридан фойдаланиш жуда ҳам осон. Видеотасвирларнинг дастур ойнасига тортиб киритиш кифоя, улар дарҳол сиз киритган тартибда бир чизиққа тизилади. Тасвирдан тасвирга ўтиш, махсус эффектлардан фойдаланиш клик орқали амалга оширилади. Шунингдек дастур орқали видеолавҳанинг титрлар ёзиш, мусиқа қўйиш мумкин. Олинган натижани ягона видеофайл сифатида сақлашингиз ёки танлаган сайтнингизга дарҳол юклашингиз мумкин.

Kate's Video Toolkit⁶⁴ видеодастури қўшимча равишда видеони таҳрир қилиш имкониятини ҳам беради. Сиз ўз видеолавҳанингдан ортиқча нарсаларни олиб ташлашингиз ёки етишмаётганини қўшишингиз мумкин. Шунингдек видеони турли форматларга конвертация қилиш имконияти ҳам мавжуд. Ягона камчилиги, дастур ойнасини бутун экранга катталаштира олмайсиз. Қолганида эса мазкур дастур ўзининг соддалиги билан кўплаб мухлисларига эга.

Лонгриднинг яна бир асосий қисми инфографикадир.

Инфографика - лотинча *informatio* — баён қилиш, хабар бериш; юнон тилидаги *γρᾱφικὸς* — ёзма, ва *γρᾱφῶ* — ёзаяпман сўзларидан олинган бўлиб, маълумотлар, билим ва ахборотни графика кўринишда узатиш демакдир. Инфографика нафақат катта ҳажмдаги ахборотни узатиш, балки предметлар ва фактларнинг вақт ва макон бирлигидаги мувофиқлиги ва фарқини кўрсатиш имконига ҳам эга.

Биринчи бўлиб журналистикада матн ва графика орқали ахборот узатишдан 1982 йили “USA Today” газетасининг муҳаррирлари фойдалана бошлашди. Қисқа муддат ичида газетанинг адади ўсиб, аудиторияси кенгайди. Америкалик ўқувчилар тез орада инфографиканинг афзаллигини тушуниб етишди. Инфографика газета саҳифасида камроқ жой эгаллаб, ахборотни матнга нисбатан тезроқ узатар эди. Фотосуратдан фарқли равишда инфографика тезис шаклдаги шарҳларни ҳам ўз ичига жамланиши билан бошқа ахборотлардан фарқ қиларди. Тезкор, долзарб фактларга, рақамларга қизиқиш, одамларда кичик ҳажмдаги катта ахборотни қабул қилишга интилишнинг кучайиши натижасида инфографика ахборот узатишда биринчи ўринларга чиқмоқда. Ҳозирги замонда инфографика диаграмма ва графикаларда соатлаб чизилиб эмас, балки зарур фактларни кенг миқёсда кўрсатиш учун қулай ва осон бўлган усул - диаграмма

⁶³ [https://www.overclockers.ru/softnews/52650/Mini-](https://www.overclockers.ru/softnews/52650/Mini-obzory_semi_luchshih_besplatnyh_programm_dlya_redaktirovaniya_video.html)

[obzory_semi_luchshih_besplatnyh_programm_dlya_redaktirovaniya_video.html](https://www.overclockers.ru/softnews/52650/Mini-obzory_semi_luchshih_besplatnyh_programm_dlya_redaktirovaniya_video.html)

⁶⁴ Ўша ерда.

кўрсаткичларини интерактив равишда бошқариш имкони бўлган интерфейсларда яратилади. Улардан бири Flash технология бўлиб, у чиройли, интерактив кўринишга эга бўлган, имкониятлари кенг интернет иловаларни яратиш учун кросс-браузер платформа сифатида асос бўлиб хизмат қилади. Аммо мазкур технология ҳам қисқа вақт ичида эскириб, унинг ўрнига шиддат билан уяли алоқа қурилмаларида ҳам инфографикани турли усулда яратиш имкони бўлган canvas ва SVG технологиялар кириб келмоқда.

Инфографиканинг бир нечта тури авжуд бўлиб, булар: жадваллар, диаграмма, пиктограмма, инфокарт, Simile TimeLine дир.


Жадвал. Рақамлар, статистик маълумотларни мантиқий боғлиқликни сақлаб қолган ҳолда маълум бир қонуниятга асосан тартиб билан катакларга жойлаштириш. У энг қадимги ва қулай ахборот узатиш тури бўлиб, унда асосан экологик, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг қўламда фойдаланилади.

Графика. Маълумотларнинг бир бирига боғлиқлигини кўрсатиб X ва Y шаклларда кўрсатилади. **Чизиқли графика** энг кўп қўлланилади ва кўпроқ сайтларга кундалик қирувчилар сонини кўрсатиш учун ишлатилади.

Диаграмма – маълумотлар мувофиқлигини кўрсатади. Аксарият ҳолатларда улар диаграмма ўқи атрофида жойлашади. Диаграмма ўз навбатида бир қанча турларга бўлинади. Булар гистограмма, айлана, чизиқли, соҳали, нуқтали, узукли, пуфакчали ва япроқсимон ҳамда иссиқлик диаграммасидир. Шулардан бир нечтасини кўриб чиқамиз.

Устунли диаграмма ёхуд гистограмма – маълумотлар солиштирма асосида турли хил ранглардаги устунларда ёхуд бир нечта бўлақларга бўлинган турли хил ранглар билан ажратилган устунда берилади.

Айлана диаграмма. Бир нечта қисмларга бўлинган айланага фоиз ҳисобида жойлаштирилган маълумотлар акс этади.



Киото протоколи бўйича иссиқхона газларинини ҳавога чиқариш бўйича квота тақсимотини акс эттирувчи инфографика

Майдонли диаграмма - бир ўқ бўйлаб жойлаштирилган айланалар мажмуаси. Бунда айланалар бири билан бирикмай, турли хил катталиқда бўлади.

Япроқсимон диаграмма. Бир нечта маълумотлар катталигининг солиштирма кўриниши бўлиб, уларнинг ҳар бири ўқдаги нуқтага мос келади.

Иссиқлик диаграммаси – Маълумотларнинг фоизи танлаб олинган спектрда турли хил ранглар асосида кўрсатилади. Мазкур диаграмма айниқса ҳудудларда ҳавонинг исиш даражасини, ёхуд глобал иқлим ўзгариши оқибатида биохилма хилликнинг йўқолиш тенденцияларини кўрсатиб бериш учун қулай.

Пиктограмма. Белгига айлантирилган энг зарур ахборот ёки фикрга айтилади. Белгининг дизайни ўта содда ва осон, аудиториянинг ҳар бир аъзоси учун тушунарли тарзда бўлиши зарур. Пиктограммага мисол сифатида ҳайвонот ва ўсимлик дунёси белгиларини олиш мумкин.

Инфохарита бугунги кунда инфографика турларидан бири бўлиб, хариталар ёрдамида ахборотни визуллаштириш демакдир. Айнан инфохарита орқали глобал иқлим ўзгариши муаммоси оқибатида ер юзида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида кўргазмали ахборот бериш мумкин.

Лонгридга инфографика тайёрлашда тайёр сервислар - <http://easel.ly>, <http://caco.com> дан фойдаланиш ишингизни осонлаштиради.

<http://easel.ly> да рўйхатдан ўтганингиз билан, ўз ғояларингизни визуллаштиришга киришинг. Сервисда тайёр шаблонлар мавжуд. Уларга ўзингиз йиққан маълумотларни жойлаштирсангиз кифоя⁶⁵.


<http://caco.com> – мазкур сервис турли хил диаграмалар: блок-схемалар, майнд-карталар, графикалар ва хаттоки откриткаларни яратиш учун қулай. Унда инфографика учун шаблонлар йўқ, аммо барча қурилмалар ўрганилса, кўнгилдагидек инфографикани яратиш мумкин. Сервис бепул. Ундан фойдаланиш учун компьютерингизда албатта Microsoft Visio дастури ўрнатилган бўлиши лозим⁶⁶.

Иқлим ўзгаришини ўқувчига етказишнинг яна бир қулай усули **Simile TimeLine**⁶⁷ технологиясидан фойдаланган ҳолда материал тайёрлашдир. У инглиз тилидан таржимада вақт чизигида солиштириш маъносини бериб, JavaScript дастурида маълум вақт бирлигида воқеа-ҳодисаларни акс эттириш учун қўлланилади. Аксарият ҳолатларда инфографиканинг ушбу тури иқлим ўзгариши оқибатларини кузатаётган муассасалар фаолиятини ёритишда ишлатилади. Бундан ташқари бу мавзу бўйича ёритилган материалларингизни бир дастурда хронологик тарзда сақланиши ҳамдир. Мазкур технологиядан фойдаланишда сизга <https://timeline.knightlab.com> сайти қўл келади. Мазкур сайт танланган мавзу бўйича жуда ҳам содда ва осон равишда журналистик материал тайёрлашга имкон беради.


⁶⁵ <http://aiwaspb.ru/internet/kak-sdelat-infografiku.html>

⁶⁶ Ўша ерда.


⁶⁷ <https://wordpress.org/plugins/wp-simile-timeline/faq/>



Дастурдан самарали фойдаланишингиз натижасида, сизнинг материалингиз куйидаги кўринишга эга бўлади:



Story map – ҳикоя қилинадиган бирор бир воқеа харитаси. Журналист Story map технологиясидан фойдаланган ҳолда глобал иқлим ўзгаришининг жўғрофий харитасини чизиб, ҳар бир нуктада содир бўлаётган воқеа-ҳодисанинг жойи, ривожланиш тенденцияларини кўрсатиб бера олади. Интерктив хариталар матн, расм, видео, аудио қўшимчалар билан тўлдирилиши мумкин. Аксарият ҳолатларда ахборотни мазкур кўринишда узатиш ўз олдига аналитик вазифаларни қўяди ва мавзунини харита орқали тўлик очиб беришга имкон яратади.



Хўш, воқеалар харитаси қандай яратилади? Сиз глобал иқлим ўзгариши мавзусида материал тайёрлар экансиз, аввало фаолиятингизнинг асосий қадамларини бирма бир аниқлаб олинг. Сўнгра <https://storymap.knightlab.com> сайтига кириб, у ердаги тайёр шаблондан фойдаланинг.



Юқоридаги расмдан кўришиб турибдики, мазкур харитага расм, видео, аудио, матн киритган ҳолда уларни жуғрофий чизиқда осонгина жойлаштириб олишингиз мумкин. Бунинг учун кўрсатилган гаджетлардан фойдаланиш kifoya.

3. Инфографика, TimeLine, story map, технологияларидан иқлим ўзгариши мавзусини ёритишда қандай фойдаланилади?

2.3. Глобал иқлим ўзгариши фотожурналист нигоҳида

Фотожурналистика иқлим ўзгаришини ўқувчига матнсиз етказиб беришнинг самарали усулидир. Фотожурналистика журналистиканинг таркибий қисмларидан бири бўлгани учун ҳам унинг ўзига хосликлари ва қонун-қоидаларига сўзсиз амал қилади. Бир қарашда фотожурналистика ва журналистиканинг умумий жиҳатлари талайгина, фарқи эса “фото” деган қўшимчадангина иборатдай кўринади. Лекин фототасвирни ҳам ҳужжат, ҳам санъат деб аташ тўғрироқ бўлади, чунки у воқеа-ҳодисаларнинг бетакрорлигини ва атроф оламнинг гўзаллигини ўзида акс эттиришга қодирдир.

“Бу соҳада омон қолиш ва муваффақиятга эришиш учун фотожурналистдан шижоат, қобилият ва кузатувчанлик талаб қилинади, - дейди таниқли америкалик тадқиқотчи Стейси Пирсал,- Мен шуларга яна сизнинг даромадингизни, раҳбарият билан яхши муносабатларингиз, шахсий режаларингиз ва мунтазам ўқиш-ўрганиш, изланишингизни ҳам қўшиб қўйган бўлардим. Фотожурналистиканинг қамрови кенг: экологиядан тортиб то уруш мавзусигача турли жабҳаларни қамраб олишга қодир. Шунинг учун ҳам ихтисослашув ғояси барча журналистларнинг касбий нуқтаи назарларини бир маслак атрофида бирлаштиради ва тайёрланаётган маҳсулотни тасвир ва мультимедиа кўмагида янаям такомиллаштиради”.⁶⁸

Экологик журналистикасида ҳам фототасвир ўрнини бошқа ҳеч қандай восита боса олмайди. Чунки унда экспрессия, динамизм, ҳиссиётлар, яъни ҳаракат, жўшқинлик ва ҳис-ҳаяжон мужассамлигини кузатиш мумкин. Айнан экология мавзусидаги суратлар бизни кўпроқ ҳаяжонга солади, хайрихоҳлик ҳиссини уйғотади. Бир қарашда бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган экологик муаммолар, хусусан глобал иқлим ўзгариши мавзусида фотолавҳа, пейзаж тайёрлашдан осони йўқдек туюлади. Фотоаппаратнинг тасвир изловчи қурилмасини ишга солиб, энг қизиқ лаҳзада тугмачасини босиб улгуришнинг ўзи кифоядек, гўё. Чиндан ҳам фотосуратнинг муваффақияти тўғри танланган лаҳзага кўп жиҳатдан боғлиқ. Матн билан уйғунликда унинг таъсири янаям кучаяди, бу ҳолатни юзага келиши кўп жиҳатдан фоторепортёрнинг экологик ҳалокат ҳудудида бўладими ёки табиат қўйнида – атроф гўзаллигидан ёки экологик ҳалокат оқибатларидан олган ҳис-туйғуларини айнан танлаган объектига кўчириши, гувоҳи бўлган воқеадан аудиторияси билан баҳам кўриши шу ҳиссиётларни сурат ва матн кўмагида ўқувчига етказишга ошиқиши билан боғлиқдир.

Глобал иқлим ўзгариши мавзусида тайёрланадиган фоторепортажини олдиндан саҳналаштириб бўлмайди. Чунки мазкур жараён секинлик билан кечиб, бир неча ўн йилдан 100 йилгача бўлган вақтни қамраб олади. Мазкур жараёнга NASA мутахассислари томонидан йиллар давомида олинган суратлар яхши мисол бўла олади⁶⁹.

Иқлим ўзгариши билан Она сайёрамизнинг кўриниши ҳам ўзгариб боради. Ушбу ўзгаришларнинг асосий сабабчиси ўзимиз, яъни одамлар эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу ўзгаришларни NASA сайтида чоп этилган суратлардан кўриш мумкин. Ушбу фотосуратлар коинотдан олинган бўлиб, уларнинг ўртасидаги фарқ 5 йилдан 100 йилгача. Мутахассисларнинг фикрига кўра Гренландия ва Арктикадаги музлар глобал иқлим иссиши муносабати билан 1990 йилдан буён уч мартага камайган. Ўтган даврда Арктика 700 000 кв. км. музликларини йўқотган. Музликларнинг эриши нафақат Дунё океани сатҳининг кўтарилишига, балки ўсимлик ва ҳайвонот оламининг йўқолишига олиб келувчи экотизимнинг бузилишига ҳам сабаб бўлади.

⁶⁸Stacy Pearsall. In the trenches with combat photographer.Б.15.

⁶⁹ climate.nasa.gov



Тобогган музлиги. Июнь 1909 й. — сентябрь 2000 й.

Арктикада ҳаво исиши бутун дунё об-ҳавосига таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида ҳосилдорликнинг камайиши ва озиқ-овқат етишмовчилигига олиб келиши муқаррар. Иссиқ ўлкалардаги ғалла экинлари қишда кескин ҳаво ўзгаришидан азият чекади. Ҳавонинг исиши турли хил зараркунандаларнинг кўпайишига олиб келади. Арча пўстлоғини еб кун кўрувчи зараркунанлар сўнгги 5 йил ичида ҳаво исиши муносабати билан жуда ҳам тезликда кўпайган ва сайёрадаги 3,4 млн. гектар ўрмонни еб битиришган.



Педерсон музлиги, Аляска. 1917 йилнинг ёзи ва 2005 йилнинг ёз ойи.



Кэрролл музлиги, Аляска. 1906 йил август ойи — 2003 йил сентябрь.



Маккарти музлиги, Аляска. 1909 йил июль оyi — 2004 йил август оyi



Ледник Муир, Аляска. 1941 йил август оyi — 2004 йил август оyi

Глобал иқлим исиши кучайган сари музликларнинг усти юқоридан туриб қаралганида қора бўлиб кўрина бошлади. Бу асосан инсоният фаолияти оқибатида атмосферага чиқарилаётган газ ва тутунларнинг қолдиқларидир. Иқлимшунослар 2014 йилни энг иссиқ йил сифатида қайд этган бўлиб, айнан шу йили инсониятни тоза чучук сув билан таъминлаб турган музликларнинг эриш тезлиги 1,5 баробарга ошган.

Иқлим ўзгариши нафақат музликлар, балки денгиз ва дарёларнинг қуришига ҳам олиб келмоқда. Бунга Орол денгизи ёрқин мисол бўла олади. Мазкур фожеанинг юзага келишида Оролга келиб қуйиладиган Амударё ва Сирдарё сингари денгиз “қон томир”ларининг инсоният томонидан кесилиши, қишлоқ хўжалигига сарфланадиган сувнинг миқдори ортгани сабабли, денгизга келиб қуйиладиган сувнинг камайиши бўлди. Ушбу сурат Орол денгизи фожеасини изоҳсиз кўрсатмоқда.



Орол денгизи, Марказий Осиё. 2000 йилнинг август оyi —2014 йилнинг август оyi.

Худди шу ҳолатни Эроннинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган Урмия кўли мисолида ҳам кўриш мумкин. Кўлнинг ҳажми 1970 йилга нисбатан 90 фоизга қисқарган. Қуйидаги фотосурат 2000 йилнинг сентябрь, 2010 йилнинг август ва 2014 йилнинг июль ойларида туширилган.




Урмия кўли, Эрон. 2000 йилнинг сентябрь оyi; 2010 йилнинг августи; 2014 йилнинг июль оyi

Кўл ва дарёлар қуришининг яна бир сабаби гидроэлектр станцияларнинг қурилишидир. Электр қувватини ишлаб чиқариш учун амалга оширилган мазкур фаолият нафақат дарёларнинг қуриши, балки мазкур ҳудудда истиқомат қилаётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг қирилиб кетишига ҳам сабаб бўлмоқда.



Пауэлл кўли, Аризона ва Юта штатлари. 1999 йил март оyi —2014 йил май оyi.

Ўрмонларнинг аёвсиз кесилиши инсон фаолияти оқибатида атмосферага чиқариб ташланадиган карбонат ангидрид газларининг дарахтлар томонидан ютилишининг камайишига олиб келади. Буни NASA мутахассислари ва фотожурналистлар томонидан олинган суратларда яққол кўриш мумкин.



Рондония ўрмонлари, Бразилия. 1975 йил июнь —2009 йил август.

Бундай солиштирма фотосуратлар ўзининг композицияси билан ажралиб турмасида, инсоннинг эртанги кунни ўйламай, ўзи ўтирган шохга болта ураётганини кўрсатади. Айтиш жоизки глобал иқлим ўзгаришини акс этган фотографиянинг журналистик материал сифатида қандай намоён бўлиши, ифода йўсини ва воситаларигина эмас, балки материалнинг мавзуси ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Фотожурналистиканинг жанрларини тушуниш учун визуал хилма-хиллик ҳақида тушунчага эга бўлиш, тасвирларнинг турлари, яъни планларни фарқлай олиш зарур. Чунки план фотографик материал жанр хусусиятларининг энг муҳимларидан саналади.

Визуал хилма-хиллик — бу бирор фотография асари яратиш жараёнида объектни уч хил планда (умумий, ўрта ва йирик план) суратга туширишга интилишдир.

Умумий план. Агар газетхонлар бирор воқеа жойига боришса, оломон ичида туриб олиб, ҳар томонга кўз югуртириб, яхлит манзарани кузатган бўлар эдилар. Умумий планда олинган яхши кадр томошабинга ўзини саҳнада, кўча ёки майдон, турар-жой мавзеси, бино ёки хонада ҳис қилиб кўриш имконини беради.

Ёдда тутинг! Ушбу план билан суратга олиш учун баландлик ёки кенгликдаги ракурс

керак. Нарвон ёки зиналар, иложи бўлса стул ёки сизни кўтарадиган бирор жисм устига чиқиб олсангиз, мақсадга эришасиз. Профессионал фаолияти давомида фотожурналистлар шундай “панорама” суратларни олиш учун бино томлари ёки вертолётга чиқишади.

Ўрта план. Бу план фотоасарнинг драммастик таъсирини оширади ва уни “гапиртиради”. Воқеа иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини ифода этиш учун уларни нисбатан яқинроқ, лекин уларнинг бир-бирига ёки атрофларига бўлган муносабатларини кўрсатиш учун етарли бўлган масофадан суратга олинг.

Ёдда тутинг! Баъзи мутахассислар умумий ва ўрта ёки ўрта ва йирик планларни фарқлашни фотоаппарат маҳорати ва ўқувчи диди билан боғлиқлигини айтишади. Пазандалар учун ёзилган рецептда бироз туз қўшилиши айтилади, лекин унинг неча грамм бўлиши айтилмайди. Чунки йиллар давомида пазандада интуитив хулоса қилиш кўникмаси шаклланади. Фотожурналистларнинг планларни фарқлаши ҳам ушбу мисолдан фарқ қилмайди.

Йирик план. Мазкур план фото субъекти билан томошабинни юзма-юз қўяди. Йирик план атрофдаги элементларни фокусдан чиқариб, бир жисмга эътиборни қаратиши лозим.

Ёдда тутинг! Одатда ҳис-ҳаяжонларни кўрсатиш учун инсон юзи йирик планда суратга олинади. Бу пландан кекса мусаввирнинг кўллари, сув сачраганда ҳўл бўлган болакайнинг ўйинчоғини расмга туширишда фойдаланадилар

Иқлим ўзгаришини ёритишда фотожурналистиканинг барча жанрлардан фойдаланиш мумкин.

Фотопортрет. Сўзлашувда америкаликлар фотопортретни “mugshot” — “ҳужжат учун расм”, “қидирилаётган инсон сурати” деб атайди. Унинг ўзига хосликлари куйидагилардир:

- Елка ва бош суратга олинади;
- Объект фотоаппаратга тўғри қараб туради ёки бироз ёнга юз тутган бўлади;
- Фонга эътибор қаратилмаслиги, у фокусдан ташқарида бўлиши лозим;
- Объектлар бир нечта бўлса, уларда ўзаро муносабатлик бўлиши лозим;
- Кўзлар жуда муҳим. Иложи борича суратга тушаётган одамдан куёшдан паналагич кўзойнақларини ёки кўзларини тўсувчи бош кийимини ечиб туришларини сўраш керак.

Ёдда тутинг! Ушбу жанрда сурат объекти ва фон рангларининг ўзаро мос тушишига ҳам эътибор бериш керак бўлади. Сочи оч рангда бўлган одамни оқ фонда суратга олиш ёки қорачадан келган одамни ўта тўқ фон билан расмга тушириш ярамайди.

Муҳитдаги портрет. Мавзу юзасидан энг қўл келадиган жанрларидан бири. Бу жанр иқлим ўзгаришидан азият чеккан ёки бевосита муаммога алоқадор инсон - фотография субъектини ўз табиий муҳитида суратга туширишни кўзда тутлади. Муҳитдаги портрет инсоннинг юзи, унинг касби, фожеа ҳажмини кўрсатиш учун ишлатилади. Шунинг учун ҳам бу жанрда фон субъект билан бир хилда аҳамиятли.

Экожурналистикада ўз ўрнига эга бўлиб бораётган фотожурналистика жанрларидан яна бири —бу **сторителлингдир**. Адабиётларда “сторителлинг” — “ҳикоя қилиш” жанри реал воқеадаги реал одамларнинг сурати, деб таърифланади. Одамлар, хатти-ҳаракатлар ва воқеалар борича, содир бўлаётган пайтида расмга олиниши билан характерланадиган сторителлинг кўп томонлама фоторепортаж жанрини эслатади. Олдиндан тайёргарлик ва атайин кўшилган реквизитларга бу жанрда ўрин йўқ.



Ёдда тутинг! Ушбу жанрда тасвир субъекти кадрнинг тўртдан уч қисмини эгаллаган бўлиши ёки умумий тасвирнинг кичик фрагменти бўлиши мумкин. Асосий эътибор воқеа мазмунига қаратилади.

Wild art

Кундалик турмушдаги машғулотлардан олинган қизиқарли фотосуратлар. “Wild art” тушунчаси инглиз тилидадан олинган бўлиб, “жиловланмаган санъат”, “эркин ижод” маъноларини билдиради. Ўрмонлар кесилиши, шаҳар инфратузилмасининг кенгайиши оқибатида хавонинг ифлосланиши, ерлар деградацияси, яъни унумдор тупроқ шўрлигининг ортиши ва унинг ҳосилдорликка таъсир, инсон ҳаёти фаровонлигининг пасайиши оқибатида азият чекаётган танланган қаҳрамон ҳолатини суратга туширдингизми, унда сиз уларнинг асосий фаолияти ортидаги шахсиятини акс эттираяпсизми, демак, уайлд арт жанрида фото яратдингиз. Ушбу жанр газета ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг таҳлилий, бадий-публицистик материаллари учун жуда қўл келади.



Фотомухбир экожиноятни суратга муҳрлади, дейлик – майсазор ёки ўрмон ёқасида ахлат уюми кимнингдир табиатга лоқайд муносабати, ўзи яшаб турган жойга меҳрсизлиги ва ялқовлигига гувоҳ бўлиб уйилиб ётибди. Ушбу тасвирни нашр қилган газета таҳририяти

ўқувчиларига мурожаат қилиб: “кўриб кўйинглар, фаросатсиз фуқаролар она табиатимизни не кўйга соляптилар”,- дея мурожаат қилаётгандай. Бунга ўхшаш экологик мавзудаги материалларни кўпчилик муҳокамасига тақдим этиш одамларни тарбиялайди, табиатга тўғри муносабатда бўлишга ўргатади ва шу йўл билан дунёқарашларини шакллантиришга ҳисса қўшади. Агар сурат яхши чиққан бўлса, ўқувчи қаттиқ таъсирланади ва ўзи, яқинларининг табиат, атроф- муҳитга муносабати ҳақида ўйлашни қолади. Лекин айнан ана шунақа резонанс ҳосил қилиш учун фотосурат шундай ишланган бўлиши керакки, инсон кўнглида бу каби бемаъниликка нисбатан исён, норозилик ҳиссини уйғота олиши керак. Айнан ана шундай ҳолатларда журналистиканинг ташкилотчилик функцияси ёрқин намоён бўлади.⁷⁰

Экологик мавзунини ёритишни олдида мақсад қилиб кўйган муаллиф фотожурналистиканинг барча жанр кўринишларидан самарали фойдаланиши мумкин. У хабар бўладими ёки фоторепортаж, портрет бўладими ёки пейзаж – муҳими юксак маҳорат билан бажарилган бўлса бас.

Табиат, экология ҳақидаги фотоматериаллар кўпинча репортаж жанрида тайёрланганига гувоҳ бўламиз. Бу саёҳатни, ҳаяжонли таассуротларни ёктирадиганларнинг сеvimли жанри бўлиб, касбига садоқатли фотомухбир сафарга отланишдан олдин олдида аниқ мақсад кўйиб, ёритиши керак бўлган мавзунини, сафар йўналишини аниқ белгилаб олади, йўлдош, сафар анжомларини ҳам эсдан чиқармайди.

Фотопейзаж ҳам табиат кўринишларини суратда муҳрлашнинг энг яхши усулларидандир. Қолаверса фотопейзаж деганда кўпчилик айнан табиат тасвирини кўз олдида келтиради. Бу тушунча хусусида луғатларда кўйидагича изоҳга дуч келамиз: “бирон жойнинг кўриниши”, “табиатни акс эттирувчи сурат, тасвир”. Ҳаваскор ва профессионал суратчилар бу жанрда ижод қилишни яхши кўришади. Чунки она табиатнинг мафтункор ҳуснидан завқланмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Чинакам жонли табиат бағишлайдиган ҳузур-ҳаловатга яқин туйғуни туйиш, гўзал манзаралар, бетакрор чиройдан фотосурат томоша қилиб ҳам завқланиш мумкин, фақат битта шарт билан – ўша фотоасарни чинакам профессионал ижодкор яратган бўлиши керак. Албатта глобал иқлим ўзгариши борасидаги пейзаж эса анчагина кўнглини хира қилади.



Ҳар қандай фотоасар ўз мухлисини топиши, унинг хотирасига муҳрланиши учун яна бир талабга жавоб бериши керак бўлади – яъни унда акс эттирилган предметлар, фон,

⁷⁰National Geographic. Ultimate field guide to photography.Б.8.

асосий ва кўмакчи тасвирлар яхлит уйғунлик – гармония ташкил этиши керак. Гармония сўзи юнон тилида harmonia - алоқа, тартиб, саф, монанд маъноларини англатади. Бу сўзни ҳар ким ҳар хил тушунади – кимлар учундир бу ёз кечаларининг сокинлиги, табиат билан уйғунлигини англатса, бошқа бировларга атрофидагилар билан ўзаро муносабатларни билдиради.

Гармония табиат, буюмлар, одамлар, турли воқеа-ҳодисалар оламидаги уйғунликни англатади. Бошқача айтганда, у табиат ёки инсон кўли билан яратилган мукамалликдан ҳосил бўладиган кўнгил хотиржамлигидир. Чинакам истеъдод соҳиби бўлган ижодкор ўз фотоасарларида бизга бу хотиржамликни тақдим этишга, руҳимизни бойитишга, дунёқарашимизда тубдан бурилиш ясашга қодирдир. Буни эса санъат дейдилар.

Назорат учун саволлар:

1. Глобал иқлим ўзгаришини ёритишда фотомухбир маҳоратини юзага чиқарадиган жанрларни санаб ўтинг.
2. Экологик журналистикада сурат ва тасвирларнинг аҳамияти нималарда кўринади?
3. Моҳир фотожурналист бўлишнинг асосий шартлари нимадан иборат?

2.4. Ахборот манбалари ва улар билан ишлаш қоидалари

Ахборот — бутун жамият учун ҳаётини заруратдир. Кишилар ўзаро кундалик мулоқотларида ахборот алмашиш орқали маълум муддат ўзлари кўрмаган, шохиди бўлмаган воқеликдан хабар топадилар. Худди шунингдек ўзлари кўрган, гувоҳи бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида ахборот берадилар. Бу – ахборотнинг энг содда шаклидир.

ОАВ жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиради. Аммо маълумотлар қаердан олинади? Журналистнинг ахборот олувчи асосий манбаси нима? Таъкидлаш керакки, манбалар ва заҳиралар жамиятнинг ўзидир.

Жамиятни, шахсни ўраб турган оламда, ҳодисалар кўп ва хилма-хил. ОАВнинг вазифаси уларни оммага етказиш. Журналист ахбороти ижтимоий жиҳатдан муҳимлиги, долзарблиги, аудиторияга мўлжалланганлиги, оммавий аҳамиятга эгаллиги, ҳужжатлилиги ва тасвирийлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Уни излаш, олиш ва тарқатиш журналистнинг касбий бурчи. Аммо ахборот олиш ҳуқуқи фақат журналистнинг ўзигагина тааллуқли эмас. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси шунингдек, болалар ҳам бундан мустасно эмас. Бу ҳолат халқаро ҳуқуқий меъёрларда ҳам ўз ифодасини топган.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт”, “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар тўғрисида Европа Конвенцияси” ва бошқа халқаро меъёрий ҳужжатларда ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи кафолатланган. Ушбу ҳуқуқ табиийки, миллий қонунчилигимизда ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир” дейилган.

Бундан ташқари, 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида “Ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимнинг ахборот излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади” дейилади⁷¹.

Ахборот эркинлигига дахлдор яна бир (2002 йил 12 декабрь) ҳужжат “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида: “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз

⁷¹ www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_

излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқига эга”лиги қайд этилган.

Глобал иқлим ўзгариши мавзусини ёритишда ахборот манбалари билан ишлаш журналистиканинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Журналист ушбу мавзунини ёритишда унинг ичига кириб бориши, деталларини ўрганиши, бевосита иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий ҳамда антропоген ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниши лозим.

Иқлим ўзгариши мавзусида ёзаётган журналист ўз қаҳармони сифатида болаларни танладиган бўлса, айниқса шахсга тегишли бўлган (персонал) маълумотлар билан ишлашни билган тақдирда ҳам негадир болаларга алоқадор ахборотларни олишда уларни шахс сифатида кўрмаслик ҳолатлари учрайди. Тўғри, шахсга тааллуқли ахборотлар билан ишлаш бўйича қонунчилик журналистдан ўта эҳтиёткорликни талаб этади. Чунки у фаолият олиб борадиган оммавий ахборот воситасининг маълум нашри жамиятдаги ижтимоий вазифани бажарар экан, ҳар қадамда шахсий маълумотлар билан ишлашга тўғри келади. Шу боис, журналист инсоннинг, шунингдек болаларнинг дахлсиз ҳуқуқларини ҳурмат қилиши ҳамда улардан тўғри фойдаланиши керак.

Журналист ахборот олиши учун, аввало, ўрганаётган манбаси ҳақида яхши билимга эга, сўзамол, хушмуомала бўлиши лозимки, ахборот берган шахс у ҳақда ёмон таассуротда қолмасин. Иқлим ўзгариши мавзусини ёритишда журналистлар қандай манбалардан фойдаланадилар? Бунинг учун:

- Кўплаб манбаларда **журналистлар маълумотлар базасига эга** бўлиши борасида турли фикрлар бериб борилади. Бу тўғри. Зеро, иқлим ўзгариши билан боғлиқ мавзу кенг кўламли бўлиб, ҳар бир журналист бу йўналишда ўз маълумотлар базасини яратиши зарур. Унга иқлимшунослар, мутасадди ташкилотлар вакиллари (Ўзгидромет, Ўзбекистон давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон экологик ҳаракати ва ҳоказо) телефон рақамлари, электрон почталари, манзиллари кўрсатилган рўйхат киради. Мазкур рўйхат зарур пайти ҳар қандай жанрдаги материал таёрлаш учун керакли маълумотларни келишилган шаклда (хат, сўров, телефон орқали ёки учрашиб) олиш имконини беради.

- **Давлат ташкилотлари ва муассасалари ходимлари** зарур ахборотларни ўз вақтида фуқарога тақдим этиши керак. Бу – ахборот олиш эркинлигининг асосий тамойили ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида, ҳамда “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида” ги қонуннинг 4, 7- моддалари ҳамда “Ахборот олиш принциплари тўғрисида”ги қонуннинг 6, 8-моддаларида⁷² айнан шундай ахборотлар назарда тутилади. Ахборот бериш давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқи эмас, балки мажбуриятдир. Агар бундай ахборотлар берилмаса ёки уларни тақдим қилиш асоссиз рад этилса, мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида” ги Кодекс⁷³нинг 44-моддасига биноан маъмурий жавобгарликка тортилади.

Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади. Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади. Таклиф давлат органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан

⁷² www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_

⁷³ www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_

мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кунлик муддатда ёзма шаклда хабар қилинади⁷⁴.

Экология мавзуси бўйича муҳим ахборот манбаларидан бири бу мамлакатимизда экологик йўналишда фаолият кўрсатаётган **нодавлат ноижорат ташкилотлари (ННТ)** бўлиб, улар иқлим ўзгариши мавзусига тааллуқли барча масалалар бўйича керакли маълумотлар ва муайян муаммоларни бартараф этиш борасида бой тажрибага эга. Уларнинг мазкур йўналишдаги давлат сиёсати билан ҳамоҳанг иш олиб бориши журналистнинг кўпгина саволларига жавоб топиши ва ўрганаётган мавзусини атрофлича ёритиш имконини беради.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари журналистлар бошқа ахборот манбаларига, яъни **интернет, агентликлар ёки турли ахборот захираларига (архивлар, фондлар, кутубхона, газета таҳлавлари, кино, аудио, видеотекалар)** мурожаат этишлари мавзунини кенгрок ўрганишга ёрдам беради.

Доимий равишда муайян мавзунини ёритиш, миллий ва хорижий тажриба билан танишиб боришга, айниқса бу масалада хорижий ахборотларни кузатишни талаб этади. Бунда журналист учун энг қулай восита – интернет ҳисобланади. У орқали журналист бошқа мамлакатларда, ташкилотларда қандай янгиликлар бўлаётганидан бохабар бўлади. Аммо интернетдан фойдаланганда журналист ундаги маълумотларни доимий равишда текшириб бориши зарур. Жаҳон журналистикаси назариясида муҳим талаб ҳисобланган ҳар қандай ахборотнинг тўғрилигини камида икки манбадан текшириб кўриш, бевосита интернетга ҳам тааллуқлидир.

Айниқса, интернет манбаларидан фойдаланганда, зарур маълумотларни олишда имкон қадар лицензияга эга, расмий давлат сайтларига мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. Маълумотлардан фойдаланганда, муаллифлик ҳуқуқи талабларига риоя этган ҳолда, албатта манбани кўрсатиш зарур.

Юқорида ахборот манбаси жамиятнинг ўзи эканлигини таъкидлаган ҳолда иқлим ўзгариши мавзусининг ёритишда асосий манба – **бевосита экологик муаммо мавжуд ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли** эканлигини унутмаслик керак. Қаҳрамон билан суҳбатлашиш материалнинг жонли ва ишонарли чиқишини таъминлайди.

Журналист ушбу манбалардан фойдаланишда субъектив салбий фикрларни ҳаққонийсидан ажратмоғи лозим. Турли манбаларнинг ўзаро уйғунлигини, мазмунан ҳамоҳанглигини қандай таъминлаш мумкин? Бунинг учун, аввало⁷⁵:

- ✓ Воқеа қатнашчиларининг фикрларини жамлаш ва саралаш;
- ✓ Манбалар ҳолислиги ва ҳаққонийлигини текшириш ва унинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш;
- ✓ Фикрлар хилма-хиллигига эришиш;
- ✓ Расмий манбалардан тўлақонли фойдаланиш;
- ✓ Манбалар масала моҳиятини очиб беришига эришиш керак.

Назорат учун саволлар:

- 1. Журналист материал тайёрлашда қайси ахборот манбаларига мурожаат этади?**
- 2. Журналистларнинг маълумотлар базаси деганда нимани тушунасан?**
- 3. Интернет манбаларидан фойдаланганда қайси сайтлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?**

⁷⁴ “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2014 йил. www.lex.uz

⁷⁵ Қосимова Н., Тошпўлатова Н. Оммавий ахборот воситаларида болалар мавзусининг ёритишнинг назарий ва амалий асослари. -Т.: ЮНИСЕФ, 2014.- Б.69

2.5. Экологик назорат масалалари. Журналист суриштируви қандай олиб борилади?

Машҳур француз ёзувчиси Сент Экзюпюрининг “Кичкина шахзода” асаридаги “Эрталаб туриб, ўзингни тартибга келтирдингми, дарҳол Она Сайёрани ҳам тартибга келтиришга шошилгин” деган фикр ХХI аср учун ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаларида жамият ҳаётининг кўплаб соҳаларига алоҳида тўхталиб ўтганлар. Булар орасида суд-ҳуқуқ тизими, ОАВ соҳаси, сайлов тизими ва атроф-муҳитга бўлган эътибор кабиларни келтириб ўтиш мумкин. Жумладан: “Шулар қаторида соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби катта социал аҳамиятга молик масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосини яратиб берадиган қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш фурсати етди, деб ўйлайман”.⁷⁶

Мазкур концепцияда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг фармонларидан келиб чиққан ҳолда экологик назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш борасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатларини белгилаб беради. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси аъзолари фаол иштирок этишди. Ўз навбатида тегишли вазирликлар, давлат кўмиталари, идораларнинг мутахассислари, олимлар, экспертлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳамда депутатлар ишчи гуруҳга жалб этилди, лойиҳанинг концепцияси ва тузилиши бўйича уларнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олинди.

2013 йилнинг 4 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасидаги депутатлар гуруҳи томонидан “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси муҳокамага киритилди. Мазкур Қонун 2013 йил 12 декабрда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 2013 йилнинг 12 декабрида Сенат томонидан маъқулланди. Ушбу Қонун 4 боб 27 моддани ўз ичига қамраб олган. Бу борада дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳам ана шундай қонунлар қабул қилинган. Уни дунё мамлакатлари билан таққослайдиган бўлсак, “Дунёнинг етакчи мамлакатлари, шу билан бирга МДХ давлатларининг мазкур соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қабул қилинган қонунлар экологиянинг кўплаб жабҳаларини қамраб олиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда барча бошқарув тизимлари ва кенг жамоатчилик иштирокини таъминлайди.

Иқтисодий юксак ривожланган давлатлар АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония ва бошқа мамлакатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилиги шаклланишида кенг жамоатликнинг ҳиссаси катта бўлган. Баъзи давлатларда экологик ҳуқуқ ривожланган бўлиб, у ҳуқуқнинг анъанавий тармоғи сифатида эмас, балки миллий ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида тан олинмоқда. Масалан, Россияда экологик сиёсатнинг мақсади, вазифа ва асосий

⁷⁶ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, Т.: Ўзбекистон, 2010 й, 47- б

йўналишлари ушбу давлатнинг экологик доктринасида ўз аксини топган. Шунингдек, Россия Федерациясининг айрим субъектларида, жумладан, Бошқирдистон Республикасида “Экологик кодекс”, Москва шаҳрида эса “Экологик назорат тўғрисида”ги ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Польша, Венгрия, Словакия, Чехия каби Европа давлатларида атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунчилик анча ривожланган. Баъзи мамлакатлар, масалан, Малайзия, Янги Зеландия, Филиппинда эса атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қонунлар мажмуи — экологик кодекслар қабул қилинган. Бу қонунлар экологиянинг барча жабҳаларини ўзида мужассам этиб, атроф-муҳит муҳофазасини ҳар томонлама мувофиқлаштиришни ва унда жамоатчиликнинг кенг иштирокини кўзда тутиши билан аҳамиятлидир”.⁷⁷

Мамлакатимизда экологик қонунчилик негизида экологик таълим соҳасини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, давлатимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ жисмонан ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатида бир неча вазифалар аниқ мақсад қилиб белгилаб қўйилган. Ушбу мақсадлар ҳар йили босқичма босқич амалга оширилиб келинмоқда. Шулардан бири, экология ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида муайян билим ва маданиятга эга бўлган, табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири ва унинг оқибатларини тушунадиган, табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлигини англаб етган, экологик ҳуқуқдан хабардор, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни, экология соҳасидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарликни ҳис қиладиган ёшларни тарбиялаш лозимлиги белгилаб қўйилган.

Шу ўринда савол туғилади, экологик маданият тушунчаси ўзи нима? “Экологик маданият – касбий фаолиятда қарор қабул қилиш учун экологик жавобгарликни ҳис қилиш, табиат муҳофазаси соҳасидаги билимларга эгаллиги, жаҳон ва ҳудудий даражада экологик муаммоларни очишда қатнашишда тайёргарлиги ва бошқалар”.⁷⁸

Атроф-муҳит мусаффолигига эришиш ва экологик инқирозларнинг олдини олишда аҳолининг экологик маданиятини ошириш, айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг экологик таълими, маданияти юксак бўлиши ҳал қилувчи омиллардан бири саналади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасида барқарор ривожланиш учун таълим бўйича БМТ Декадасини (2005-2014 йиллар) амалга ошириш юзасидан аниқ фаолият олиб борилди. Шу билан бир қаторда юқорида келтириб ўтганимиз “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуннинг аҳамияти каттадир. Ушбу қонун шу пайтгача ёшларнинг экологик маданиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳуқуқий асоси десак янглишмаган бўламиз. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида “...фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги”⁷⁹ белгилаб қўйилган.

Ёш авлоднинг экологик маданияти, экологик таълим ва тарбиясини янада юксалтириш борасида республикамизнинг энг ёш жамоат бирлашмаларидан бири бўлган Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳам бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Ушбу йўналишда биринчи навбатда эътибор Ўзбекистон Экологик ҳаракати ўзининг Қонунчилик Палатасидаги депутатлар гуруҳи иштирокида тайёрланган Ўзбекистон Республикасининг экологик қонунчилигига қўшимчалар ва ўзгартиришларни, шунингдек, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ғояларини тарғиб қилишга қаратди. “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун асосида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, “Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия

⁷⁷ www.wikipedia.org. Алихонов Б. Жамоатчилик экологик назорати электрон мақоласи

⁷⁸ Оилада экологик маданиятни шакллантириш омиллари Республика илмий-амалий анжуманнинг мақолалар тўплами, Т.: 2014, 230-б.

⁷⁹ www.lex.uz Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида Қонуни 2006 йил янги таҳрири 4 моддаси.

тизимини ривожлантиришга ҳам ҳисобот даврида дастурий вазифаларнинг устувор масаласи сифатида эътибор қаратилди. Мамлакатимизнинг турли вилоятларида аҳолининг, шу билан бирга ёшларнинг экологик маданиятини оширишга қаратилган 110 дан ортик давра суҳбатлари, семинар ва бошқа тадбирлар ташкил этилди. 12500 га яқин фаоллар иштирок этган ушбу тадбирларнинг мазмун-моҳияти мамлакатдаги экологик вазиятни соғломлаштириш шароитида экологик таълим-тарбия истиқболларини, ёшлар ўртасида экологик билим ва маданиятни шакллантиришнинг соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда ва экологик муаммоларни ҳал этишдаги ўрнини, аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтиришда оила ва маҳалланинг роли каби долзарб масалаларни қамраб олди”.⁸⁰

“Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида “экологик назорат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора тадбирларидир” деб белгилаб қўйилган⁸¹ бўлса, ушбу Қонуннинг **8-моддасида эса**, “Экологик назорат субъектлари қуйидагилардан иборат:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

-махсус ваколатли давлат органлари;

-маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

-давлат ва хўжалик бошқаруви органлари;

-хўжалик юритувчи субъектлар;

-фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;

-нодавлат ноижорат ташкилотлари;

-фуқаролар”⁸² деб кўрсатилган. Бу моддалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ёшларни экологик назорат субъектларидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролар таркибига киритиш мумкин. Асосан фуқаролар таркибида бўлганлиги боис, ёшларнинг экологик назоратни амалга оширишдаги ваколатлари сифатида ушбу қонуннинг 17-моддасини кўрсатиш мумкин. Яъни: “Фуқароларнинг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

Фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-атроф-муҳитни муҳофаза қилишни, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш масалалари бўйича қарорлар тайёрлаш ва қабул қилишда, шунингдек давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

-атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилишини кузатиб боришни амалга ошириш;

-экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

-атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг ўзи томонидан аниқланган факти тўғрисида махсус ваколатли давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, хўжалик юритувчи субъектларни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хабардор қилиш;

-атроф-муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатлари бузилиши юзасидан аниқланган фактни бартараф этиш

⁸⁰ Оилада экологик маданиятни шакллантириш омиллари Республика илмий-амалий анжуманнинг мақолалар тўплами, Т.: 2014, 19-б.

⁸¹ www.lex.uz Ўзбекистон Республикасининг Экологик назорат тўғрисида Қонун 2013 йил 27 декабрь

⁸² www.lex.uz Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг Экологик назорат тўғрисида Қонун 2013 йил 27 декабрь, 8 моддаси

бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида тегишли давлат органларига мурожаат қилиш ва ахборот олиш;

-атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганишни, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказишда иштирок этиш;

-тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, ободонлаштирилиши ҳамда кўкаламзорлаштирилиши масалаларига доир ахбороти ҳамда ҳисоботларини эшитишда иштирок этиш.

Фуқаролар қуйидагиларни бажариши шарт:

-экологик назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

-экологик назоратни амалга оширишда экологик назоратнинг бошқа субъектларига кўмаклашиш”.⁸³

Қонунни тўлиқ ўрганиб чиққан ҳар қандай ёш ўзида тегишли экологик маданиятни шакллантира олади. Юқорида биз ёшларни фуқаролар таркибига киритган ҳолда, Қонундан келиб чиқиб уларнинг экологик маданиятини шакллантиришдаги ваколатлари ва мажбуриятларини келтирдик. Яна бир жиҳат борки, бунда ҳам уларнинг фаоллиги муҳим ҳисобланади. Бу жамоатчилик экологик назорати. Қонунда экологик назоратнинг турлари сифатида жамоатчилик экологик назорати келтирилган. Яъни; “Экологик назоратнинг турлари қуйидагилардан иборат:

-давлат экологик назорати;

-идравий экологик назорат;

-ишлаб чиқариш экологик назорати;

-жамоатчилик экологик назорати”.

Жамоатчилик дейилганда, ёшлар таркиби ҳам бунинг ичига кириб кетишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу моддадан келиб чиқиб, ёшлар ҳам экологияни асраш ва табиат неъматларидан оқилона фойдаланишга мажбурдирлар. Бу борада, ёшларни тежамкорликка ўргатиш бош мақсаддир. Мазкур қонуннинг 4-моддасида экологик назоратнинг асосий вазифалари санаб ўтилган, жумладан “табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат, ноижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлаш”⁸⁴ белгилаб қўйилган.

Қонунда экологик назоратни асосан нодавлат, ноижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари яъни, маҳаллалар ва бир қатор давлат ҳокимияти органлари бажариши белгилаб қўйилган. Маҳаллалар ушбу қонундан ёшлар экологик маданиятини юксалтиришда фойдаланиши мумкин. Шу билан бирга маҳаллалар таркиби бўлган оила бунда муҳим аҳамиятга эгадир.

“Дарҳақиқат табиатни муҳофаза қилиш ишларининг самарадорлиги барчанинг бирдек иштирокини талаб этади. Бунда айниқса, ёшу кекса, ҳар бир фуқаро ўз маъсулиятини билмоғи, бу борада экологик маданияти шаклланган бўлмоғи талаб этилади. Бу муаммоларни ҳал этишда ҳар бир фуқаро ўз зиммасидаги маъсулиятни сезиши, атроф-муҳит мусоффолигига бирдек маъсул эканлиги муҳим аҳамият касб этади. Фуқароларнинг айниқса мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлоднинг экологик маданиятини тарбиялашда оила муҳим рол ўйнайди.

Халқимизда асрлар оша оилаларда сақланиб келаётган урф-одатлар, умуммиллий қадриятлар ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбияланишида, атроф-муҳитни асраш, ундаги барча жонзот, ўсимликни асраб-авайлашга, табиат неъматларини увол қилмасдан,

⁸³ www.lex.uz Ўзбекистон Республикасининг Экологик назорат тўғрисида Қонун 2013 йил 27 декабрь 17 моддаси

⁸⁴ www.lex.uz Ўзбекистон Республикасининг Экологик назорат тўғрисида Қонун 2013 йил 27 декабрь 17 моддаси

тежаб, унумли фойдаланишга, бу борада янги ғояларни яратишда ўзига хос мактаб вазифасини бажаради. Ҳар бир инсон оила бағрида дунёга келади, ўсиб улғаяди, камол топади. Атроф-муҳит, табиатга бўлган тасаввурлари ҳам айнан оилада шаклланади. Миллий қадриятлар, умумбашарий қадриятлар уйғунлашиб, экологик муаммоларни ҳал этиш масалаларини ҳам ўзида акс эттиради. Экологик муаммолар маълум бир ҳудудгагина тегишли эмас, бу муаммолар чегара билмайди. Экологик тарбия айниқса, ёшларнинг озодалик, тежамкорлик, саранжом-сарипталик, меҳнатсеварлик каби фазилатларга эга бўлишлари, атроф-муҳитга беэътибор бўлмаслиги, ишлатилаётган нарсалардан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳисобига иқтисодий тежамкорлик ҳақидаги тушунча, кўникмаларни шаклланишига ёрдам беради”.⁸⁵

“Шу билан бирга баркамол авлоднинг экологик-ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда узлуксиз экологик таълим ва барқарор ривожланиш учун таълим янги Концепциясини ишлаб чиқиш, таълим тизимининг барча бўғинлари учун амалий экология, барқарор ривожланиш таълими (БРТ) муаммоларини қамраб олган дастур ва унга мос дарслик ҳамда қўлланмалар яратиш, мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларида экология фанини алоҳида фан сифатида ўқитилишини таъминлаш, чуқурлаштирилган экологик таълим ва тарбия беришга ихтисослашган махсус мактаблар, мактаб-интернатларни ташкил этиш, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун ўвув-методик қўлланмалар, дарсликлар яратиш, кўргазмали ва дидактик материалларни ишлаб чиқиш, экологик таълим ва тарбия тизимининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари ҳақида ахборот-таҳлилий қўлланмалар тайёрлаш, ўқув юртлари, оила, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида ёшларнинг узлуксиз экологик таълим ва тарбияси борасидаги самарали тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади”.⁸⁶

Умумий қилиб айтганда, жамиятимизда ёшларнинг экологик ҳуқуқий таълим тарбияси, экологик онги ва маданиятини юксалтириш борасидаги илмий тадқиқот ишларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, ҳозирги кун талабларига тўла жавоб берадиган ҳолатда олиб бориш, республикамизда экологик таълим муносабатларини янада ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, аниқ норматив негизини белгилаб бериш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашнинг экологик ҳуқуқий асосларини яратиш жараёнларида ушбу Қонун асосий таянч вазифасини ўтайди.

Журналист суриштируви асосан журналистик тадқиқотнинг синоними сифатида қўлланилади. Журналистик суриштирув жанрига оид ўқув адабиётларининг деярли барчасида муаллифлар ҳақли равишда жанрнинг энг тўғри тавсифини “Ньюс дэй” газетасининг бош муҳаррири ўринбосари Роберт Грин берган дея эътироф этишади. Унга кўра, журналистик суриштирув бу алоҳида шахслар ёки ташкилотлар сир сақлашни истаётган мавзуни шахсий ташаббус билан тадқиқ этишга асосланган журналистик материалдир. Р.Грин журналистик суриштирувга хос белгиларни учга ажратади:

1. Журналист кўтараётган мавзуни аввал ҳеч ким ўрганмаган бўлиши керак;
2. Тадқиқ қилинаётган мавзу ўқувчи ва телетомошабинлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши керак;
3. Суриштирувда қаламга олинган фактларни айримлар оммадан яширишга уринган бўлишлари лозим⁸⁷.

⁸⁵ Оилада экологик маданиятни шакллантириш омиллари Республика илмий-амалий анжуманнинг мақолалар тўплами, Т.: 2014, 187-б.

⁸⁶ Оилада экологик маданиятни шакллантириш омиллари Республика илмий-амалий анжуманнинг мақолалар тўплами, Т.: 2014, 19- б.

⁸⁷ www.unesco.org/new/fileadmin/MULTIMEDIA/FIELD/.../journ80-09122014.pdf

Шу ўринда журналистик суриштирув жанри билан муаммоли мақола жанрининг бир-биридан фарқини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Чунки ёш мутахассислар ушбу икки жанрни кўпинча бир-биридан ажрата олмайдилар. Зеро, тадқиқот олиб бориш, манбаларни белгилаш ва ўрганиш, муаммоли мураккаб воқеликни очиш, турли фаразларни илгари суриш, уларни факт ва фикрларга асосан солиштириш ҳар иккала жанрга хос. Бироқ журналистик суриштирув жанри муаллиф олдида мақоланависга нисбатан кўпроқ талаблар кўяди. Яъни у ўз материалида қонун бузилишини кўрсатиб бериши, суистеъмоллик ҳолатини фош этиши, ушбу қонунга хилоф ҳолатларнинг сабабчиларини аниқлашни вазифа сифатида олдида қўйиши керак.

Бу икки жанрни бир-биридан фарқловчи иккинчи белги – таҳлилий материаллар учун сюжетни ўйлаб топиш мумкин, бироқ суриштирув учун мавзу фақат ва фақат бўлиб ўтган воқелиқдан олинади. Бунга асос сифатида журналистнинг шахсий кузатуви, шикоят ёки айрим махсус ишоралар хизмат қилиши мумкин.

Журналист суриштируви журналистиканинг алоҳида тури сифатида ўзига хос хусусиятларига эга. Жанр сифатида ўз ўрнини топгунга қадар журналистнинг ҳақиқатни ошкор этишга бўлган уринишлари “журналист тадқиқоти” тушунчаси орқали ифодаланган. Шу сабаб, суриштирув ишини олиб бормоқчи бўлган журналист кўп ҳолларда экологик муаммолар таҳлиliga бағишланган материалларни тўплаш билан кифояланиб қолган. Таъкидлаш зарурки, баъзи Ғарб ОАВ бўйича мутахассисларининг фикрига кўра, инвестигейторлик, яъни суриштирув ишини олиб бориш ва таҳлилий журналистика бир хил фаолият тури ҳисобланади. У тўплаган материал мантиқан ёки таҳлилий, ёки танқидий мақола, ёки муаммоли очерк ёхуд фелъетонга яқин бўлган. Бошқача қилиб айтганда, моҳиятан суриштирув эканлиги аниқ бўлса-да, мазкур турдаги материал журналист суриштируви натижаси сифатида қабул қилинмас эди.

Журналист суриштирувининг мақсади биринчи навбатда ана шу салбий ҳодисани келтириб чиқарган ўзакни, унинг сабабларини, яширинган сирни топиш ва охир-оқибатда аниқ натижага эришиш билан белгиланади. Суриштирув олиб бораётган журналистнинг олдида битта, “Нимага?” деган савол туриши лозим. Шунингдек, бу жанр учун “Қандай?” деган савол ҳам ортиқчалик қилмайди. Иккинчи саволга жавоб бериш суриштирувда вақт (суриштирув жараёни), жой (чоп этилиши) билан боғлиқ анчагина катта муддатни талаб қилиши мумкин.

Сўнгги ўн йилликлар мобайнида журналист-суриштирувчилар эътиборини энг кўп тортадиган муаммолар кўлами вужудга келди. Бу иқтисодий жиноятлар, коррупция, фирибгарлик, мулкни ноқонуний ўзлаштириб олиш, жинойий воқеалар, қотилликлар билан биргаликда экологик қонунбузарликлар ҳамдир. Мазкур воқеа-ҳодисалар сабаби ва оқибатларини аниқлаш билан бирга суриштирувчи-журналистлар аудитория онгида тўғри ва холис ижтимоий муносабатни ҳосил қилишга, мавжуд вазият юзасидан оқилона хулосага келишга ёрдам берадилар. Суриштирув жараёнида замонавий журналистлар ахборот излашнинг турли хил – ҳам анъанавий, ҳам ноанъанавий усуллари (ташқи кузатув, яширин камера, касбини алмаштириш ва б.)дан унумли фойдаланадилар.

Замонавий оммавий ахборот тизимида журналист суриштируви мустақил жанр сифатида намоён бўлади. Бу нарса эса журналистик фаолиятнинг алоҳида тури ҳисобланган мазкур жанрнинг ўзига хос хусусиятга эга бўлаётгани ва улғаяётганидан далолат беради. Оммавий ахборот воситалари фаолияти ва ваколат доирасини кенгайтиришга қаратилган қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам маълум маънода суриштирув жанрининг ривожига тurtки бўлади.

Яна бир томондан, журналист суриштирувисиз матбуот саҳифалари “қуруқ ва мантиқсиз” бўлиб кўринса, телевидение ва радиога ранг-баранглик етишмайдигандай таассурот қолдиради. Аммо муаммо шундаки, оммавий ахборот воситаларида бу каби ранг-баранг ва мазмундор суриштирувлар тобора кўпайиб бораётган бўлса-да, гўё унинг билан бирга газета-журнал саҳифалари, телеэкранларда кўчирмачилик, ёлланма материаллар ва касбий билимсизлик яққол кўзга ташланади. Энг ёмони, телефон

кўнғироқлар матни, жиноий видеоёзувнинг намоиш қилиниши, аниқ бир шахснинг обрўсини тўқадиган материал, хуллас, барча текширилган-текширилмаган, асоссиз, ўйлаш ва изланишни талаб қилмайдиган, фақат журналист қаламининг енгилгина ҳаракати билан тайёр бўладиган ҳар қандай материал ёппасига “суриштирув иши” деб номлана бошланди. Хўш, ҳақиқий журналист суриштирувини “қалбакиси”дан қандай фарқлаш мумкин? Ҳақиқий журналист суриштирувини ўтказиш учун нималарни билиш керак? Аслида ўзи журналист суриштирувидан мақсад нима? Ҳақиқатми? Холисликми? Ёки шахсий қизиқишни қондиришми? Суриштирув жараёнидаги рухсат ва чекловлар, қонун ва ноқонунийлик, касбий маҳорат ва билимсизлик ўртасидаги чегара қаерда? Бу саволларга жавоб топиш учун мазкур жанр хусусиятларига кенгроқ тўхталиш жоиздир.

Журналист суриштирувига қўл урган журналист узоқ вақтгача бошқа иш билан шуғуллана олмайди. Чунки бу жараёнда журналистни биринчи ўринда ўзига тортадиган нарса бу қизиқувчанлик ва натижанинг кутилмаган бўлиши эҳтимолидир.

Кенг қамровли ва ҳар томонлама суриштирув ўтказиш учун эса мавзуни турли хил манбалар асосида ўрганиш зарур. Суриштирув материалида албатта, фактлар, манбалар, қарашлар, қарши фикрлар, ҳатто исбот ва далиллар ҳам берилиши зарур. Эътиборли томони шундаки, буларнинг барчаси ўзаро мувозанатда бўлиши, бирортаси бошқасидан ошиб кетмаслиги керак. Муаллифнинг ҳис-туйғулари орқали эмас, балки материалнинг тузилиши, тизимлилигига қараб мантикий ёндашув намоён бўлиши талаб этилади.

Журналист суриштирувни бошлашдан олдин текширувнинг предметини яхшилаб ўзлаштириб олиши лозим. Бунинг учун ўрганаётган вазиятга доир йиғилган барча маълумотларни кўриб чиқиш, асосий воқеаларни хронологик саралаб олиш зарур. Бунинг натижасида журналист тасавурида яхлит манзара ҳосил бўлади, воқеалар силсиласи яққол кўринади.

Журналист суриштируви предмети янада чуқурроқ таснифланса, уни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Очилмаган ишлар, тушунарсиз воқеалар, овозаси кетган жиноятлар содир этилганда, айбланувчи ёки жиноятчи топилмаган ва “нима учун?, қандай қилиб?” каби саволларга тайинли жавоб олишнинг имкони бўлмаган ҳолатларда. Бунда ушбу ҳолатлар билан шуғулланаётган махсус хизматлар вазиятни ойдинлаштириш учун зарур материалларни тақдим қилишдан ўзлари ҳам манфаатдор бўлишари мумкин. Журналист бу ҳолда бир гуруҳ одамлар билан ишлайди.

2. Очилган қонунбузарлик ҳолатлари, қайсики журналистда шубҳа уйғотса. “Нима учун?, қандай қилиб?, ким?” деган саволларга жавоблар мавжуд, ушбу воқеа ҳақида жамоатчилик фикри шаклланган бўлса-да, журналист улардан шубҳаланса ҳам ўз суриштирувини бошлаши мумкин.

3. Ҳали жавобгарликка тортилмаган ва яширилган ишлар. Бунда журналист нафақат жиноятни очиш ва айбдорларни “сув юзига чиқаришга” ҳаракат қилиши, балки воқелик моҳиятини ҳам тушунтира олиши зарур. Суриштирувнинг ушбу турини олиб бориш энг мураккаб ва қийин саналади. Чунки журналист фаолияти учун олиши мумкин ҳар қандай мўлжаллардан ҳоли бўлади.

Бунинг учун эса журналист суриштируви ёзадиган журналист ўз олдида қандай тўсиқлар борлигини аниқ тасаввур қилиши керак:

1. Информациyani қўлга киритиш. Қонунбузарликлар ҳақида очиқ ёки яширин тарзда бўлса-да бировни гапиртириш осон эмас. Ёзма ҳужжатларни қўлга киритишнинг эса деярли имкони йўқ.

2. Энг янги усулларни ўрганиш. Масалан, компьютер технологияларидан фойдаланишни билмайдиган, яширилаётган ахборотни олиш учун ахборот олиш эркинлиги тўғрисидаги қонундан фойдалана олмайдиган, турли ҳужжат ва маълумотларни йиғиб, солиштиролмайдиган журналист иш фаолияти давомида кўп қийинчиликларга дуч келади.

3. Предмет моҳиятини тушунмаслик. Бунинг муҳимлиги шундаки, журналист учун тадқиқот мазмунини тўла англаб етмаслик унинг журналистик суриштирувга тортишга арзийдими-йўқми деган саволга жавоб бера олмаслигига сабаб бўлади.

4. Босим. Журналистик суриштирув олиб борувчи журналист ҳамиша босим остида бўлади. Журналистдан одатда бундай вазиятларда суриштирувни тўхтатиш ёки ёпди-ёпди қилишни талаб қилиб таҳририят, муҳарририятларга мурожаат этишади.

5. Вақт. Вақт ҳар қандай журналистик материалнинг душмани саналади. Журналистик суриштирув олиб бораётган журналист учун айниқса. Чунки бу жанр бошқа жанрларга нисбатан ниҳоятда кўп вақт талаб қилади.

6. Юридик муаммолар. Журналистик суриштирув олиб борувчи журналистлар ҳамиша ҳақорат, тухмат, шахсий ҳаётга тажовузда айбланиб келишади. Шунинг учун керакки, судда журналистнинг ютқизиши, газета орқали берилган маълумотлар учун раддия бериши ёки уларни инкор этиши журналистларнинг матбуот эркинлигига аста-секин ғовлар кўя бошлайди, халқнинг уларга ишончи сусая боради.

Суриштирув олиб бормоқчи бўлган журналистнинг олдида шу каби тўсиқлар борлигини билиши шунга кўра тадорик кўришига ва журналистик суриштирув олиб боришга бўлган иштиёқининг бирдан сўнмаслигига сабаб бўлади.

Анъанавий журналистика	Журналист суриштируви
ТАДҚИҚОТ	
Ахборот маълум темпа(кундалик, ҳафталик , ойлик) йиғилади ва тарқатилади	Ахборот тўлиқ ва ўзаро алоқадорлиги жиҳатидан ўрганилмагунича чоп этилмайди.
Тадқиқот тезкор ўтказилади. Материал тайёр бўлгач, тадқиқот бошқа давом эттирилмайди.	Тадқиқот воқелик тарихи тўлиғича юзага чиқмагунича давом этаверади, материал чоп этилгани ёки этилмаганидан қатъи назар
Материал энг зарур ахборотдангина иборат қисқа бўлиши мумкин.	Олиниши мумкин бўлган максимум ахборотдан иборат катта ҳажм бўлиши мумкин.
Ахборот манбалари берган маълумотларни турли ҳужжатлар билан алмаштириш мумкин.	Материал ахборот манбаларининг фикрини тасдиқловчи ёки инкор этувчи ҳужжатларни талаб қилади.
Ахборот манбалари билан ўзаро муносабат	
Ахборотлар манбаларининг тўғрилиги презумпциясидан келиб чиқиб, кўпинча текширилмайди.	Ахборотлар манбаларининг тўғрилиги презумпциясидан келиб чиқиб, кўпинча текширилмайди
Расмий ахборот манбалари журналистга ўз мақсадлари ва фаолияти йўлида ахборотларни эркин етказади.	Расмий ахборотлар журналистдан яширилади, чунки уларнинг ошкор бўлиши маълум ҳукумат органлари ёки институтларининг манфаатларига зид келиши мумкин.
Журналист мавзунинг расмий версиясини қабул қилишга мажбур, ҳолбуки уни турли ахборот манбалари ва шарҳларга солиштириб кўриши мумкин.	Журналист мавзунинг расмий версиясини мустақил ахборот манбалари ахборотларига таяниб очиқ инкор этиши ёки шубҳаланиши мумкин.
Журналист ахборот манбалари кўп бўлишига қарамадан оз миқдордаги ахборотдан ҳам қониқиши мумкин.	Журналист ахборот манбалари эгаллаган информациядан ҳам ортиқ ахборотга эга бўлади.

Ахборот манбалари деярли ҳеч қачон сир тутилмайди.	Аксарият ҳолларда ахборот манбалари ҳақидаги маълумотлар уларнинг хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун яширилади.
Натижалар	
Репортажда борлиқнинг акси сифатида мавжудлик борича қабул қилинади. Журналистнинг мақсади бунда оммага маълумот етказишдан нари кетмайди.	Журналист борлиқни борлигича қабул қилишни инкор этади. Материалда конкрет вазиятнинг моҳиятига етиш, уни ўзгартириш ва қоралаш мақсад қилинади.
Репортаж журналистнинг шахсий қатнашувини талаб қилмайди.	Журналистнинг шахсий қатнашувисиз материал асло ўз якунига етмайди.
Журналист ҳамиша холис, бетараф бўлиши ва бирор томоннинг муҳокамасида қатнашишдан ўзини тийиши керак.	Журналист суриштирув доирасида фактларга нисбатан ҳалол ва синчков бўлиши керак, шунинг асосида жабрланганлар, қаҳрамонлар ва қонунбузарларни аниқлашга ҳаракат қилади. Бундан ташқари журналист мавзу бўйича айрим мулоҳаза ва хулосалар бериши мумкин.
Репортаж қанчалик самарали бўлмасин, бунинг катта аҳамияти йўқ. Тарихнинг якуни бўлмаганидек, ахборотлар ҳам бирин-кетин алмашаверади.	Материалнинг самарадорлиги унинг қанчалик натижа кўрсатиши, таъсирчанлигини белгилайди, журналист воқелиқни яқунлаб хулосалаб беради.
Журналист йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолари кўрқинчли эмас.	Йўл қўйиладиган хатолар туфайли журналист турли расмий ва норасмий санкциялар олиши, унинг ва у ишлайдиган ОАВнинг обрўси тушиши мумкин.

Глобал иқлим ўзгариши мавзусида журналист суриштируви қандай ўтказилади? Журналист суриштируви ўтказиш бошқа жанрлардан тубдан фарқ қилади. Чунки бунда журналист ўз олдида турган масъулиятни ҳис қилган ҳолда турли усуллардан фойдаланиб, ҳақиқатни қарор топтиришга ҳаракат қилади. Бунда журналист суриштирув олиб бориш учун зарур маълумот ва фактларни йиғиш, ахборот манбалари билан ишлаш, тўпланган эмперик маълумотларни таҳлил қилиш каби босқичларни ўташда бир қатор усуллардан фойдаланади. Ушбу усулларни майдалаб ўрганиш мумкин, аммо биз уларнинг асосийларига тўхталган ҳолда ушбу умумий тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин. Суд репортёрлари Гильдияси аъзоси Юлия Шум ушбу усуллардан энг асосийларини журналистлар қўллаши учун таклиф этади:

Дастлабки суриштирув. Кўпроқ қизиқарли китоб, газета ва журналларни ўқинг, хужжатли фильмларни томоша қилинг. Библиография, бошқа библиотека манбалари, маҳаллий, халқаро компьютер манбаларидан фойдаланинг.

Кузатув. Танлаб олинган ҳудудни бевосита ёки билвосита кузатиш мумкин. Бунинг натижасида олинган маълумотлар ҳам суриштирув учун қўшимча маълумотлар манбаси бўлиши мумкин.

Интервью. Айрим суриштирувлар хужжатларни ўрганишда воқеага дахлдор одамларни жалб қилиш билан давом этса, баъзан бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Нима бўлишидан қатъи назар интервью тўғри режалаштирилиши лозим. Журналист қандай саволлар бериши, қандай психологик усулдан фойдаланиши кераклигини билиши керак.

Иложи борича интервьюер билан учрашиш лозим, чунки телефон орқали суҳбатлашганда, жавоб берувчининг юзи, имо-ишораларини кўриб бўлмайди. Ҳамиша овозни ёзиш аппаратларидан фойдаланинг. Чунки суриштирув давомида айтилган фикрларини интервьюерлар кейинчалик инкор этиши мумкин. Яна бир омил: айрим кишилар уларнинг фикрлари қоғозга туширилаётганидан бироз ноқулайлик сезишади, диктофонга нисбатан бошида эътироз билдирса ҳам, кейин бу унинг эсидан чиқади. Шунингдек, суҳбат жараёнига яна бир журналистни таклиф қилган ҳолда яна бир қурилмага овозни ҳар эҳтимолга қарши тушириб қўйиш даркор⁸⁸.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасида экологик назорат масалалари қай тарзда амалга оширилади?
2. Экологик муаммони ёритишда журналист суриштирувини амалга оширишнинг асосий тамойилларини санаб ўтинг.
3. Анъанавий журналистика ва журналист суриштирувининг фарқли жиҳатларини кўрсатинг.

2.6. Фавқулоддаги вазиятларда журналист фаолияти

Фавқулодда вазиятлар журналистикаси ёхуд экстремал журналистика – журналистика йўналишларидан бири бўлиб, ОАВда чоп этиш учун материал фавқулодда вазиятлар – экологик ёки техноген ҳалокатлар вужудга келган, ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудларда йиғилади. Бунда журналист хатти-ҳаракатлари мавжуд ҳолатнинг ўзи билан мураккаблашиб, у ўзининг касбий фаолиятини ҳаёти ва соғлиғини хавф остида қолдирган ҳолда амалга оширади.

Экстремал журналистика тушунчаси ўтган асрнинг 90-йилларида, дунёда сиёсий вазият кескинлашган, қудратли собиқ Совет Иттифоқи парчаланиб, унинг таркибидаги 15 та республика ўзининг мустақил йўлини танлаган, шу сабабли айрим ҳудудларда қуролли тўқнашувлар, миллатлараро зиддиятлар вужудга келган даврда ва шунинг оқибатида пайдо бўлди. Натижада 2004 йили Экстремал журналистика маркази⁸⁹ тузилди.

Фавқулодда ҳолатларда журналистлар хавфсизлигини таъминлаш масаласи бир неча бор кўтарилиб, 1970 йили БМТнинг Бош Ассамблеясида Франция ташқи ишлар вазири М.Шуманн ташаббусига биноан, мазкур масалага алоҳида жиддий тус берилди. Шунинг таъсирида Бош Ассамблея Инсон ҳуқуқлари комиссиясига хавфли ҳудудларга хизмат сафарига борган журналистлар хавфсизлигини таъминлашга доир махсус Конвенция тайёрлаш вазифасини топширди. 1971 йили Комиссия ўзи тайёрлаган Конвенция лойиҳасини Ассамблея ва аъзо-давлатларга тарқатди. Мулоҳазалар, таклифлар олинди, улар ишлаб чиқилди ва ниҳоят, бирмунча узоқ давом этган тегишли жараёнлардан сўнг, 1977 йилнинг 8 июнь куни бўлиб ўтган Дипломатик конференцияда 1-Протоколнинг 79-моддаси – “Журналистларни муҳофаза қилиш чоралари” номи остида қабул қилинди. Мазкур модданинг мухтасар маъноси куйидагича:

– “Қуролли конфликт давом этаётган, экологик ҳалокат вужудга келган ҳудудда хизмат сафарида бўлган фуқаро сифатидаги журналист фуқаро шахсларга халқаро гуманитар ҳуқуқ томонидан бериладиган ҳуқуқлардан тўла-тўқис фойдаланади.

– Қуролли кучларда аккредитациядан ўтган ҳарбий мухбирларга III Конвенция 4-банд, 4-моддада кўзда тутилган махсус ҳолат мақоми қўлланилади.

⁸⁸ Шум Ю.А. Журналистское расследование: от теории к практике. М.: “Галерея”, 2002. – с.154.

⁸⁹ www.cjes.ru

Протоколга илова қилинган шахсни тасдиқловчи ҳужжат намунасига мос ҳужжати бўлган шахс ҳақиқатан ҳам фотожурналист ҳисобланади”.⁹⁰

БМТ Конвенциясининг 5-модда, 2-хатбошида журналист фуқароси ҳисобланган ҳукумат томонидан бериладиган мазкур ҳужжатнинг орқа томонида “Ушбу ҳужжат эгаси хизмат сафари чоғида профессионал этиканинг барча меъёрларига қатъиян риоя этиши ва ўзи борган бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслиги, ҳар қандай сиёсий ва ҳарбий фаолиятларга ёхуд жангвор ҳаракатларга дахлдор бўлиб қолишдан ўзини эҳтиётлаши зарур деган эслатмалар бўлмоғи керак” деган сўзлар ёзилган.⁹¹

Яна бир муҳим омилни асло унутиб бўлмайди. Бу – оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, унинг шаклланишига кўрсатадиган таъсири. Шундай экан, ОАВ орқали тарқатилаётган ахборот юз берган конфликтнинг яхши ёхуд ёмон томонга ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатиши эҳтимоллини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам зиддиятли вазиятларда қўлланиши учун турли мавқедаги халқаро сиёсий институтлар томонидан халқаро нормалар ишлаб чиқилган, фотожурналист этикаси меъёрлари яратилган, ОАВнинг ўзини ўзи цензура қилиши йўлга қўйилган.

Бу ўринда ўзини ўзи цензура қилишни тўғри талкин этмоқ зарур, зеро, журналистнинг ҳолислиги ва мустақиллиги биринчи навбатда унинг шахсий ва касбий одоби ва маданиятига боғлиқдир.

Биз тинч даврда фаолият юритаётган журналистнинг касб одобига доир муаммолар ҳақида кўп гапиримиз, бироқ экологик ва техноген хавфли ҳудудларда журналистнинг бурчи, эркинлиги ва масъулияти масаласи бир неча ўн ва юз баравар ортиб кетади. Конфликтли ҳолатлардаги воқеа-ҳодисаларни ёзишда ўзига хос нозикликлар мавжуд албатта. Биринчи навбатда, журналист юз берган ҳодисалар ҳақида бошқалардан кўра тезкор ва таъсирли ахборот ёзишга ҳаракат қилади. Шундай руҳда ёзилган ва тарқатилган ахборотнинг таъсир кучи кўпроқ бўлади. Одатда шундай ҳолатларни шарҳлашга киришган сиёсатдонлар тезкорликка ва таъсирчанликка берилган ҳолда совуққонликни унутиб қўйганларидек, журналистларда ҳам биринчи бўлиб хабар бериш истак ва иштиёқи масъулият ва ҳақиқий аҳволни ёритиш бурчининг унутилишига олиб келиши мумкин. Фавқулодда ҳолатларда вазият, мураккабликлар ва айниқса, турли матбуот вакиллариининг кўплиги журналистлар орасида ҳам ўзига хос рақобат муҳитини келтириб чиқаради. Чунки экологик ва техноген ҳалокатлар оқибатини бартараф этиш журналистлар учун аудитория эътиборини жалб этадиган материал тайёрлаш имконини беради. Ҳолатдаги фожеа, қутқарувчилар фаолияти, қаҳрамонлиги албатта ўқувчи ва томошабин эътиборини тртади. Шу сабабли ОАВ тезроқ ўз вакиллариини мазкур ҳудудларга жўнатишга ҳаракат қилишади. Фукусимадаги ядровий ҳалокат, Индонезияда цунами келтирган талофатлар, Эронда сув тошқини оқибатида кўрилган зарар ва қурбонлар, Хитойдаги зилзила тафсилотлари жаҳоннинг кўплаб оммавий ахборот воситаларида чоп этилди. Журналистнинг бевосита ҳалокат ҳудудидан туриб тайёрлаган журналистик материали объективлиги билан ажралиб туради. Бундай ҳалокатларнинг фожеавийлигини фақатгина уни ўз кўзи билан кўрган журналистгина ўз ўқувчисига етказиб бера олади.

Зиддиятли вазиятларда журналистикасининг яна бир ўзига хослиги бор. Гап шундаки, ҳалокат юз берган ҳудудларда турли сабабларга кўра ахборот олинмайдиган, яъни “ахборотсиз” фурсатлар юз беради. Хўш, бундай ҳолатларда нима қилмоқ керак? Журналистларда “ахборотнинг йўқлиги ҳам ахборот”, деган нақлнамо гап бор. Демак, журналист “ахборотсиз” фурсатда жим ўтиргани маъқулми ёхуд унчалик текширилмаган ахборотни йўқдан кўра қабилида тарқатавериши керакми?

⁹⁰ Гассер Г.П., Моду А. Защита журналистов в опасных командировках. Международное гуманитарное право и деятельностьфотожурналистов. – Международный Комитет Красного Креста. 1994. - С.7.

⁹¹ Ўша манба. - Б.8

Иккинчи усулни қўллайдиганлар ҳам учраб туради, ваҳоланки, унчалик текширилмаган ахборотни тарқатиш ҳам кенг оммани чалғитишга хизмат қилиши ҳеч гап эмас. Ҳалокат содир бўлган ҳудудларда ҳеч қандай мухбир ёки фотожурналист тўла-тўқис ўзи истаган даражада ҳаракатлана олмайди, исталган дақиқада зарур ахборотни қўлга киритолмайди. Бундан, у кечаётган асл жараён ҳақида тасаввурга эга эмас деган хулоса келиб чиқади. Шунинг учун фавқулодда вазиятларда фаолият юритаётган журналист журналистиканинг асосий тамойилларига риоя этган ҳолда олинган ахборотни холис узатиши, экологик ҳалокатли ҳудудлардан тайёрланган материалда фикрлар ранг-баранглигига эътибор бериши керак.

Глобал иқлим ўзгариши натижасида тез-тез вужудга келаётган ҳалокатлар, яъни сув тошқинлари, сел келишлар, ёнғинлар, зилзилалар содир бўлган ҳудудлардаги журналист олдида турган вазифа оддий кундалик ҳаётда ОАВ вакиллари олдида турган мақсад ва вазифалардан деярли фарқ қилмайди. Бу – ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва узатишдир. Аммо ана шу ахборот, факт ва далиллар тўпланадиган вазиятнинг ўзи журналистдан эҳтиёткорлик билан биргаликда, касбий маҳорат, вазиятни таҳлил эта олиш, ҳалокат оқибатида жабр чекканлар билан суҳбатлашишда ахлоқий меъёрларга риоя этишни талаб қилади. Экологик ва техноген вазиятларда журналист фаолияти қандай бўлиши лозим? У нималарга биринчи галда ўз эътиборини қаратиши керак?

Биринчидан, экологик ва техноген ҳалокатлар содир бўлганда давлат органлари унинг ва кўрилган зарар ҳажмини, қурбонлар сонини камайтириб кўрсатишга ҳаракат қилишади. Бундай вазиятда объектив ахборот олиш жуда ҳам қийин. Масалан, 2014 йил август ойида Японияда содир бўлган сув тошқини оқибатида 42 киши вафот этган. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, 43 киши бедарак йўқолган. Хиросима ҳудудида 3000 га яқин кутқарувчилар аҳолини эвакуация қилган. Ҳалокат оқибатида 100 000 дан ортиқ одамлар ўз уйлари ташлаб кетишга мажбур бўлишган⁹². Юқорида келтирилган далиллар Япония ҳукуматининг расмий баёнотидан олинган. Аммо норасмий манбаларнинг келтирилишича, сув тошқинидан ҳалок бўлган ва жабрланганларнинг сони бир неча баробар кўпроқ. Ҳалокат ҳажмининг кенглиги журналист фаолиятини қийинлаштиради.

Иккинчидан, олинган ахборотнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш фавқулодда вазиятларда жуда муҳимдир. Чунки бундай ҳолатларда аксарият дезинформация тарқатилади. Журналист олинган ахборотни камида иккита манбадан текшириб кўриши лозим. Фақат шундагина унинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Албатта манбаларни текшириб кўриш йўллари кўп. Биринчи галда олинган ахборотни мавжуд ҳужжатлар билан солиштириш. Экологик ҳалокат содир бўлган ҳудуддаги аҳоли ва мутасадди давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари билан суҳбатлашиш, ҳокимият ва архивга мурожаат этиб, маълумотларни солиштириш.

Учинчидан, журналист ўзи тайёрлаган материалнинг салбий оқибатларини ҳам ўйлаб кўриб, “зарар етказма” тамойилига асосан иш кўриши мақсадга мувофиқдир. Аксарият ҳолатларда экологик ҳалокат содир бўлган ҳудудлардаги жабрланувчилар ҳолати, ҳалокат ҳажми ва унинг оқибатларини кўрсатишда эҳтиёткорлик зарур. Узилган қўл-оёқлар, чўкиб кетган одамларнинг жасадлари, зилзила оқибатида бино тагида қолиб кетган ва танасининг бирор бир қисми чиқиб қолган жабрланувчиларни йирик планда кўрсатиш ҳар қандай ўқувчининг ҳиссиётлари, биринчи галда жабрланувчиларнинг қариндошлари ва яқинларининг ҳис-туйғуларига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Тўртинчидан, журналист ўзининг сиёсий, диний қарашларидан қатъий назар, ҳар қандай ҳолатда вазиятни тўғри баҳолаши ва бетарафлик тамойилига риоя этиши керак. Экологик ва техноген ҳавфлар мавжуд ёки ҳалокатлар содир этилган вазиятларда журналист айнан ўзининг сиёсий ёки диний қарашларини ўз материалида акс эттирмаслиги, аниқ

⁹² korrespondent.net

далилларга эга бўлмай туриб, миш-мишларга асосланган ҳолда ёлгон ахборотни тарқатмаслиги жуда ҳам муҳимдир.

Бешинчидан, журналист тезкор равишда материал тайёрлаши ва узатиши учун қисқа муддатда тўғри қарор қабул қилиш заруратини келтириб чиқаради. Экологик ҳалокат содир бўлган ҳудудлардан узатилган тезкор материал турли миш-мишлар ва ахборот хуружларининг олдини олишга ёрдам беради, албатта. Бунда журналист журналистика жанрлари: хабар, репортаж, интервью, очерк, мақола ва бошқалардан фойдаланиши, қўл остидаги техникани максимал ишлатиши материалнинг таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қилади.

Олтинчидан, глобал иқлим ўзгариши ва унинг оқибати ҳақида материал тайёрлаётган журналист мавзу бўйича етарли билимга эга бўлиши, тушунчалардан фойдалана олиши лозим. Иқлим ўзгариши бевосита об-ҳаво билан боғлиқ экан, журналист танланган ҳудудда аҳолининг турмуш тарзи, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар (бевосита об-ҳаво ўзгариши муносабати билан), маҳаллий халқнинг урф-одатлари билан танишиши мақсадга мувофиқдир. Маҳаллий одатларга ҳурмат билан қараш журналистнинг тўлиқ ва холис ахборот йиғиши имкониятини беради.

Экологик ҳалокат содир бўлган ҳудудларда ахборот олиш ва уни тарқатиш алоҳида муаммо бўлса, журналистларнинг жисмоний хавфсизлигини таъминлаш яна бир жиддий муаммолардан саналади. Шулардан бири –журналистларнинг бевосита ҳалокат чоғида шикастланишидир.

Ҳар қандай зиддиятли ҳолатлар журналист фаолият юритиши учун фавқулодда вазият ҳисобланади. Ахборотни вақтида ва мукамал узатиш журналистдан воқеа жойида бўлишни, воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўришини тақзо этади. Ушбу мажбурият ва бурч журналистни энг хатарли жойларга боришга ундайди. Бугунги кунда фавқулодда ҳолатлар журналистикасида кўплаб тавсиялар, эслатмалар ишлаб чиқилган, улар халқаро журналистика майдонларида амалда. Мисол учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тайёрланган ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан чоп этилган қўлланма (2002 йил) батафсиллиги билан эътиборга лойиқ.

Қўлланманинг 3-қисми “Текширувчи журналистларни индивидуал ва умумий химоя қилиш учун қўлланма” деб аталади. Унда жўнашдан олдин бажариладиган ишлар (А), умумий хавфсизлик чоралари бўйича (Б), ва кузатув майдонидаги турли шароитларда ўзини қандай тутиш бўйича маслаҳатлар берилган.

А. –

Тиббий кўрик;

Дантист кўриги;

Қилинган вакциналарни аниқлаш

(Сил, сарик, безгак сингари касалликларга қарши);

Қон гуруҳини аниқлаштириб қўйиш;

Биринчи ёрдам муолажаларини ўрганиш;

Ўзи билан олиб юриши шарт бўлган нарсалар;

Шахсий хавфсизлик бўйича қўлланмалар;

Ўзини тута билиш қодалари;

Минали йўлдан юриш;

Қўлга олинсангиз;

Яралансангиз ва ҳоказо.

ХАТАРЛИ ХИЗМАТ САФАРИДАГИ ЖУРНАЛИСТНИНГ ГУВОҲНОМАСИ

Юза томон

<p>Эслатма: Ушбу гувоҳнома ҳалокат содир бўлган ҳудудларда хатарли хизмат сафарларида фаолият олиб бораётган журналистларга берилади. Хужжат эгалари 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева конвенциялари ва уларга Қўшимча I Протоколга мувофиқ ўзларига нисбатан фуқаро сифатида муомала қилиниши ҳуқуқига эгадир. Мазкур гувоҳнома эгаси хужжатни доим ёнида олиб юриши шарт. Қўлга олинган тақдирда, у ўз шахсини аниқлашда кўмаклашиш учун бу хужжатни дарҳол қўлга олган маъмурларга тақдим этади.</p>	<p>(Ушбу гувоҳномани берган мамлакат номи)</p> <p>ХАТАРЛИ ХИЗМАТ САФАРИДАГИ ЖУРНАЛИСТНИНГ ГУВОҲНОМАСИ</p>
	Сирт томон
<p>Берилди (ваколатли маъмурият томонидан)</p> <p>Гувоҳнома эгасининг сурати</p> <p>Жой Сана (Расмий муҳр) (Гувоҳнома эгасининг имзоси) Фамилияси Исми ва ота исми Туғилган санаси ва жойи Мухбир Касби</p>	<p>Бўйи _____ Кўз _____</p> <p>Вазни _____ Соч _____</p> <p>Қон гуруҳи _____ Rh-фактор _____</p> <p>Диний мансублиги _____ Бармоқ излари _____</p> <p>(Сўл кўрсаткич бармоқ) _____</p> <p>(Ўнг кўрсаткич бармоқ) _____</p> <p>Алоҳида белгилари _____</p>

Б. –

Ходимларнинг фаолиятида келиб чиқадиган масалаларни ҳал қилиш хизмати;

Ҳалокат содир бўлган ҳудудларда гуруҳ раҳбарини танлаш;

Гуруҳ раҳбарининг мажбуриятлари;

Хавфли муҳитда фаолият кўрсатувчилар учун топшириқ йўлланмаси...

С.–

Текширувдан кейинги чоралар, йўл-йўриқлар.

Қўлланмада келтирилган тавсияларни яна давом эттириш мумкин. Уларнинг бари фавқулодда вазиятларда, яъни халқаро гуманитар ҳуқуқ қоидалари қўлланиши мумкин ва зарур бўлган ҳудудларда ва ҳолатларда журналистларнинг хавфсизлигини, уларнинг қийинчиликсиз фаолият юритишини таъминлашга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, экологик ва техноген ҳалокатлар содир бўлган ҳудудларда, уруш майдонларида, конфликтли, қуроли тўқнашувлар давом этаётган жойларда фаолият

юритаётган журналистнинг касбий фаолияти ўзига хос талабларга риоя этилишини тақозо қилади. Жумладан, унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юкланади:

- журналист халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини зўрайиб бораётган зиддиятли ҳолатларга тортмоғи керак;
- журналист халқаро тинчликни сақловчи саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватламоғи керак;
- журналист зиддиятли ҳолатни келтириб чиқарган баҳсли масалаларни уларни бартараф этиш нуктаи назаридан талқин этмоғи зарур;
- журналист кенг жамоатчиликка ахборот тарқатаётганини унутмаслиги, муносабатларни янада кескинлаштириши эҳтимоли бўлган ахборотни тарқатишдан сақланмоғи муҳим;
- журналист тарафларни ўз нуктаи назарларини ифода этишларига бетараф инсон сифатида имкон яратмоғи керак⁹³.

Роберт Карл Манноффнинг “Конфликтларнинг олдини олиш ва уларни камайитиришда ОАВнинг роли” китобида баён этилган мазкур эслатмаларни мураккаб вазиятларда фаолият юритишига тўғри келган ҳар қандай журналист ўзи учун дастуриламал қилиб олиши зарур, деб ўйлаймиз.

Назорат учун саволлар:

1. Фавқулодда вазиятлар тушунчасига изоҳ беринг.
2. Зиддиятли ва фавқулодда вазиятларда журналистикада ранглар аҳамиятини тушунтиринг.
3. Экологик ҳалокат юз берган ҳудудларида журналистнинг фаолият юритиши ва унинг хавфсизлиги қандай ташкил этилади?

2.7. Экологик журналистиканинг ахлоқий меъёрлари

Экологик мавзуда қалам тебратаётган журналист ўз касбий фаолиятида қайси ахлоқий меъёрларга амал қилиши лозим? Журналистика тарихига назар ташлар эканмиз, журналист фаолиятининг эркинлигининг асосий мезони сифатида матбуот эркинлиги биринчи ўринда турганлигини кўрамиз. Соҳа ривожини тарихидан эса айнан сўз эркинлиги қалам аҳлининг фаолиятидаги ахлоқий меъёрларини белгилаб берганлигини кўришимиз мумкин. Матбуот эркинлиги тўғрисидаги дастлабки қонун 1766 йили Швецияда қабул қилинган бўлиб, XVI асрда инглиз файласуфи Ж. Мильтон ўзининг «Аэропагетика» асарида матбуот дунёсида ҳануз ўз қимматини йўқотмаганлигини қайд этган эди⁹⁴. Журналистикага оид биринчи касб кодекслари XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида АҚШ ва қатор Европа мамлакатларида, илк даврий нашрлар пайдо бўлганидан сўнг, орадан салкам 300 йил ўтгач пайдо бўлди. Биринчи журналист касб одоби кодекслари матбуотнинг тижорийлашуви ва унинг журналистлар фаолиятига таъсири даврида, яъни ижтимоий танқидчилик шароитида пайдо бўлди. Кодексларнинг шаклланишига қасаба уюшмалари билан биргаликда журналистларни бирлаштирган бошқа ташкилотлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишган. Масалан, 1900 йили Швецияда журналистларнинг касб одоби кодекси қабул қилинган⁹⁵. 1918 йили Францияда Журналистлар қасаба уюшмаси “Француз журналистларининг касбий мажбуриятлари кодексини” ишлаб чиқиб, унга кўра ёлғон ахборот тарқатиш, туҳмат, асоссиз айблов, фактларни бузиб кўрсатиш, ҳужжатларни сохталаштириш жиддий касбий жиноят эканлиги белгиланган. Кодекс

⁹³ Роберт Карл Маннофф. “Предотвращение конфликтов и роль СМИ в уменьшении их последствий”. www.bu.edu/experts/profiles/robert-manoff

⁹⁴ История мировой журналистики / А. Г. Беспалова [и др.]. Москва – Ростов на Дону : Издательский центр «МарТ», 2003, С. 56

⁹⁵ Ўша ерда. С. 78

журналистларни ўз манфаатларини кўзлаб тижорат ёки реклама характериға эға бўлган материалларни тарқатмасликка, соҳада ёруғ юз ва шаъниға путур етказмаган ҳолда фаолият олиб боришға чақиради⁹⁶. 1921 йилға келиб америкалик Ж.Броун “Ахлоқ кодекси ва амалий журналистика меъёрлари”ни тузади. Аксарият кодекслардаги меъёрларда журналистик ҳамжамиятдаги маълум бир ахлоқий қоидаларнинг ўрнатилиши учун ҳаракат қилинишини, жамият томонидан танқид қилинган журналист фаолиятининг қирраларидан қочишға уринишни кўришимиз мумкин. Кўпчилик кодексларда журналистик ва реклама фаолиятнинг бир биридан ажратилишиға бўлган даъватни учратамиз. Чунки айнан XIX асрда реклама материалларини “маҳаллий янгиликлар” кўринишида чоп этиш авж олган, бу эса жамоатчиликнинг норозилиғиға сабаб бўла бошлаган эди. Чунки аксарият журналистлар реклама агентлари сифатида ҳам фаолият юритиб, ўз газеталарида реклама берувчиларнинг буюртмаларига асосан материалнинг реклама эканлигини яширган ҳолда мақолалар беришарди. 1923 йили Американинг бош муҳаррирлар жамияти (ASNE) “Журналистика канонлари”ни қабул қилади. Бу журналистлар фаолиятини меъёрлаштирувчи биринчи касб одоби кодекси сифатида тарих зарварақаларига қайд этилган. Асосий талаб сифатида газетанинг маърифатпарварлик йўлида фаолият юритиши белгиланган. Унда илк мартаба жамият манфаатлари йўлида матбуот ва журналистлар масъулияти хусусида сўз юритилади ҳамда журналист фаолиятининг ҳаққонийлик, аниқлик, холислик, инсонларнинг шахсий ҳаётиға нисбатан дахлсизлик ва ҳурмат каби тамойиллари ишлаб чиқилади. Кодексининг қатор ҳолатлари газета амалиётида “сарик журналистика”ға хос бўлган қоидаларға қарши қаратилган эди. Масалан сарлавҳаларнинг мақола мазмуниға мослигини таъминлаш қатъий қилиб қўйилди. Чунки матбуотнинг оммавий тижорийлашуви ҳолатида аксарият газеталарнинг биринчи бетида анонс сифатида берилган сарлавҳалар унинг иккинчи саҳифасидаги мақола мазмуниға мутлақо мос келмас эди. Бу ҳолатни ҳозир биз интернет журналистикасида кузатишимиз мумкин.

1926 йилда АҚШда «Сигма Дельта Кай» Профессинал журналистлар жамияти томонидан қабул қилинган кодексда журналистларни жамият вакиллари деб, улар айнан давлат ва жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда фаолият юритишлари зарурлиги, ҳар бир сўзи учун масъулиятни ҳис этишлари ҳамда ҳақиқатни билишға бўлган фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашлари таъкидланади⁹⁷. Кодексининг кириш қисмида “Биз жамиятда маърифатпарварлик ғоялари адолатға эришиш шарти сифатида устун бўлишиға ишонамиз...” деган сўзлар бор⁹⁸. Ушбу ҳолат кейинчалик жамиятда матбуот демократик бошқарув тизгинини кўлга олиши зарур деган журналистиканинг либертариан концепциясини илгари сурди. Радионинг, сўнгра телевидениенинг кашф этилиши ва оммалашини айнан мазкур соҳа вакиллари учун ахлоқ меъёрларининг ишлаб чиқилишиға туртки бўлди. Вақт ўтиши билан кўпгина ОАВ ўзларининг ички кодексларини ишлаб чиқишди. Бугунги кунда нафақат йирик даврий нашрлар, теле- ва радиокомпаниялар, балки кичик таҳририятлар ҳам ўз фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда касб одоби меъёрларини ишлаб чиқишган. Замонавий кодексларда асосан “манфаатлар зиддиятиға” барҳам бериш биринчи ўринда туради. Бунда журналист, аудитория, жамият манфаати ва касбий мажбурият ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган зиддиятлар назарда тутилади. Аксарият ҳолатларда журналист инсонға қийин вазиятларда биринчи галда ёрдам бериш керакми ёки мазкур ҳолатни ёритиши зарурми, деган савол туради. Тезкорлик билан қарор қабул қилиш зарурияти техноген, табиий, ҳарбий ҳалокатларда яққолроқ намоён бўлади. Айнан ана шундай оғир вазиятда журналист инсонийлик

⁹⁶ Михайлов, С. А. Журналистика Соединенных Штатов Америки / С. А. Михайлов. Спб. : Издво Михайлова В.А., 2004.С.67.

⁹⁷ Михайлов, С. А. Журналистика Соединенных Штатов Америки / С. А. Михайлов. Спб. : Изд-во Михайлова В.А., 2004.С.67. С.69

⁹⁸ Ўша ерда.

бурчига кўра ҳаракат қилиши зарурми ёки касбий бурчини устун қўйиши лозимми деган саволга жавоб бериши зарур.

Бугунги кунда жаҳоннинг турли мамлакатлари учун бирдек амал қилаётган ва қатор давлатлар ана шу қоидалардан келиб чиққан ҳолда ўз журналистларининг касб этикасини ишлаб чиққан халқаро тамойиллар 1954 йили Журналистлар халқаро федерацияси томонидан “Журналистлар фаолиятининг тамойиллари халқаро декларацияси”да қабул қилинган эди.

1978 йили эса 400 минг нафар журналист ЮНЕСКО байроғи остида бирлашадилар ва Декларация тамойилларини қайта чиқишади. Мазкур халқаро тамойиллар 1978 йилдан 1983 йилга қадар дунёнинг турли мамлакатлари ташкилотларининг маслаҳат учрашувларида тасдиқланди. Журналистларнинг халқаро ташкилоти (ЖОИ-МОЖ), Журналистларнинг халқаро федерацияси (IFJ-МФЖ), Матбуотнинг халқаро католик уюшмаси (UCIP), Лотин Америка журналистлар федерацияси (FELAP), Лотин Америка матбуот ходимлари федерацияси (FELATRAP), Араб мамлакатлари журналистлари федерацияси (FAJ), Африка журналистлари уюшмаси (UAJ) ўз навбатида кодексларини қабул қилиб, ҳудуд ва жамият хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ахлоқ меъёрларига ўзгартиришлар киритишди. ЮНЕСКО ташаббуси билан “Журналист касбий ахлоқининг халқаро тамойиллари” қайта таҳрирдан ўтказилиб, 983 йилнинг 20 ноябрь куни Парижда бўлиб ўтган Халқаро журналистлар федерацияси йиғилишида қабул қилинди ва у барча журналистларнинг ахлоқ кодекслари асосини ташкил этди. Мазкур тамойиллар қуйидагилардан иборат⁹⁹:

- 1-тамойил. Фуқароларнинг холис ахборотга бўлган ҳуқуқи
- 2-тамойил. Воқеаларни холис ёритиш — журналист бурчидир
- 3-тамойил. Журналистнинг ижтимоий масъулияти
- 4-тамойил. Журналистнинг касбий адолатлилиги
- 5-тамойил. Жамиятнинг ахборотга эгаллиги ва ОАВда қатнашиш
- 6-тамойил. Хусусий ҳаёт ва шахсга бўлган ҳурмат
- 7-тамойил. Жамият манфаатларини ҳурмат қилиш
- 8-тамойил. Умумий қадриятлар ва маданиятлар хилма хиллигини ҳурмат қилиш
- 9-тамойил. Инсониятга хавф солаётган уруш ва бошқа хавфларга қарши кураш
- 10-тамойил. Янги халқаро ахборот ва коммуникацион тартибнинг ривожланиши.

Бунда журналист замонавий дунёда янги халқаро муносабатларга интилиш ва янги ахборот тартибини ўрнатиш шароитида фаолият юритади. Ахборот соҳасида халқаро муносабатларнинг демократлашувига ҳисса қўшиш журналистнинг бурчидир.

Мазкур тамойиллар экологик мавзуда қалам тебратаётган журналистлар учун ҳам тааллуқлидир. Аксарият ОАВ ўз-ўзларини назорат қилиш учун ўз таҳририятлари ахлоқ кодексларига қуйидаги бандларни киритишмоқда. Бу:

1. Аниқлик;
2. Жавоб бериш имконияти;
3. Шахсий дахлсизлик;
4. Таъқиб қилмаслик;
5. Болаларга нисбатан жинсий зўравонлик ёки шунга ўхшаш жиноий ишларни ёритишда уларга жисмоний ва руҳий зиён етказмаслик;
6. Касалхоналар, мослашув марказларида даволанаётган шахсларни ёритишда уларга зиён етказмаслик
7. Жиноий ишларни ёритишда “айбсизлик презумцияси”га амал қилиш;
8. Яширин йўллар билан ахборот олишдан қочиш;

⁹⁹ Данелян Н. Основные принципы журналистской этики \\http://www.my-works.org/text_57875.html

9. Жинсий зўравонлик қурбонларининг исм-шарифларини уларнинг розилигисиз бермаслик.
10. Камситилишга йўл қўймаслик
11. Бизнесни ёритишда унинг сирларини эгасининг розилигисиз ошкор этмаслик;
12. Ахборот манбасини муҳофаза қилиш;
13. Жиноятчиларга ахборот учун ҳақ тўламаслик ва ҳоказо.

Ахборот маданиятининг ижтимоий-сиёсий, миллий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, фалсафий, эътиқодий, иқтисодий, умуминсоний аспекти ҳақида биринчи навбатда, ахборот маданиятини шакллантирувчи бош субъект – журналист қайғуриши керак.¹⁰⁰

Ахборот коммуникацион технологияларнинг ривожини, хусусан ижтимоий тармоқлар бутун дунёда журналистлари учун зарур, долзарб ахборот манбаси бўлиб бормоқда. Сир эмас хаттоки йирик газета, телевидение ва радиоканаллар ҳам техноген, табиий ҳалокатлар, ҳарбий ҳаракатлар хусусидаги аксарият ахборотни ижтимоий тармоқлардан олиб тарқатишаётир. Зеро, ҳалокат гувоҳлари ўзлари шохид бўлган, уяли алоқа воситаларига олган воқеа кадрлари, суратларини биринчи галда ижтимоий тармоқлардаги ўз саҳифаларида бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Шунга қарамай ОАВ ҳамда журналистларнинг ўзларида мазкур контент билан ишлашда қайси ахлоқий меъёрларга риоя этиш хусусида аниқ тасаввур йўқ. Бутун дунёда фаолият юритаётган барча ОАВ таҳририятлари учун аниқ ахлоқий меъёрларнинг ишлаб чиқиш зарурати айниқса Брюссел, Анқара, Лахор ва Яманда юз берган террористик ҳаракатлар кўзгусида янада долзарблашди. Бундай ҳолатларда монтаж қилинган, фотошоп орқали ўзгартирилган фактларни ҳақиқат сифатида қабул қилиш ва ноҳолис ахборот тарқатиш жуда ҳам осон. Шунингдек, зўравонлик кўринишлари аудитория ҳамда журналистларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Сўнгги йилларда мазкур ҳолатларнинг кўпайиши ва бундай ҳаракатларнинг биринчи галда айнан ижтимоий тармоқларда тарқалиши Онлайн янгиликлар ассоциацияси (ОНА) томонидан ижтимоий тармоқлар контенти орқали тарқатилаётган хабарлар билан ишловчи журналистлар учун ахлоқ кодексини яратишга ундади. Мазкур ахлоқ кодексининг асосий мақсади бутун дунё журналист ташкилотлари ёрдамида ижтимоий тармоқлар контенти билан ишлашнинг энг яхши намуналарини топиш ва журналистлар учун ҳаракат стандартларни тавсия этишдан иборат. Айни пайтда ахлоқ кодекси Онлайн янгиликлар ассоциациясининг расмий веб саҳифасида берилган.

“Бундай пайтлари биз журналистлар олдида қийин вазифа туради. Биз тезлик билан, аниқ фактлар асосида, бўлиб ўтган ҳодиса хусусида кенгроқ хабар беришимиз зарур - , дейди Associated Press ахборот агентлигининг ижтимоий медиа бўйича муҳаррири, кодекс муаллифларидан бири Эрик Карвин. – Айни пайтда жуда ҳам кўп вақт рақамли контент денгизидаги ахборотни қидириш ва у топилгач, қийматини аниқлаш учун кетади”.

Кодекс ижтимоий медиа контентидан топилган янгилик билан ишлашнинг 10 та ҳолатига бағишланган. Бу янгиликнинг ҳаққонийлигини текширишдан тортиб, контент муаллифининг розилигини олишгача бўлган жараёндир. Ушбу қоидалар қуйидагилардан иборат:

1. Ижтимоий тармоқдаги саҳифа контентининг ҳақиқийлигини текшириш.
2. Ўз аудиториянгиз билан шаффоф бўлиш.
3. Воқеа қатнашчилари ва гувоҳларнинг руҳий ҳолати ва хавфсизлигини инобатга олиш.
4. Ҳодисани ёритиш жараёнида қатнашчиларга қўшимча хавфни келтириб чиқармаслик.

¹⁰⁰ Досмухамедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил. (Мустақиллик даври ўзбек матбуоти фаолияти мисолида). Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 2008. Б.14

5. Ахборот манбаларининг анонимлигини таъминлаш.
6. Хабарни тарқатишдан олдин ахборот манбаси ёхуд хабар муаллифининг розилигини олиш.
7. Ахборотнинг холислигини сақлаш, чунки у бошқа онлайн платформаларга тарқалишини унутмаслик.
8. Воқеа хусусидаги хабарни жойлаштирган саҳифа муаллифларининг жисмоний, маънавий ва руҳий фаровонлигини таъминлаш.
9. Ахборот манбаларига бошқа ҳар қандай хавф солиниши олдини олиш.
10. Хавфли ҳолатларда журналистларга ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш.

Экологик ва техноген ҳалокатларни ёритишда журналист ўз аудиториясининг воқеага нисбатан ҳиссиётларини эътиборга олган ҳолда материални тайёрлаши зарур.

Ҳиссиётларни кучайтирувчи ҳолатларга қуйидагилар киреди:

- инсоннинг ўта қайғудаги ҳолатини кўрсатиш;
- инсон ёки бир гуруҳ шахсларни саросимага тушган ҳолатда ёритиш;
- воқеа юз берган пайтда айбдорларни қидириш;
- миллат, ҳалокат содир бўлган ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолини камситиш;
- қурбонга қаратилган ҳазил;
- қутқарув операцияси давомида қутқарувчиларга нисбатан ишончсизлик билдириш, қутқарув жараёнини мутахассис бўлмаган шахслар билан таҳлил этиш;
- қурбонлар, аҳоли ўртасида кўрқувнинг мавжудлиги, жамиятдаги мавжуд хавфни бўрттириб кўрсатиш;
- олиб борилаётган чора-тадбирларнинг тартибсиз равишда ташкил этилганлигини кўрсатиш;
- давлат ҳокимияти органларининг фаолиятсизлигини намойиш этиш;
- “қонли” тафсилотларни келтириш;
- қурбонларнинг қариндошлари билан суҳбатлашганда яқинларини йўқотишнинг бемаънилигини таъкидлаш.

Аудитория ҳиссиётларини меъёрлаштирувчи сифатида эса:

- ёрқин келажакка ишониш;
- аниқ бўлмаган ҳолатларни позитив қабул қилиш;
- ўқувчи эътиборини ҳаётий қадриятларга қаратиш;
- экстремал ҳолатларга тушган инсонларнинг жасурлиги, мардлиги, ўзгаларга ёрдам кўлини чўзганлигини кўрсатиш;
- жабрланганларга руҳий ёрдам бериш;
- қутқарувчилар фаолиятини ижобий жиҳатдан намойиш этиш;
- ҳалокат ҳудудларида аҳолига ёрдам кўрсатаётган ҳокимият органларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини таҳлил этиш;
- жабрланганларга кўрсатилаётган ёрдам намуналарини мунтазам равишда бериб бориш ва хоказо.

Юқорида фавқулодда вазиятларда фаолият юритаётган журналистнинг фақатгина асосий ахлоқий тамойилларига тўхталдик, холос. Турли мамлакатларда мазкур йўналишда ўзига хос, давлат сиёсати ва аҳоли менталитетидан келиб чиққан ҳолда тавсиялар ишлаб чиқилган. Албатта бирор бир ҳалокат ҳудудига етиб борган хорижий журналист даставвал ана шу тавсиялар билан танишиб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари ҳар қандай хавфли вазиятларда журналист албатта касбий фаолият мажбуриятлари билан биргаликда виждонига қулоқ тутган ҳолда ҳаракат қилиши лозим.

Назорат учун саволлар:

1. Экология мавзусини ёритаётган журналистнинг касбий вазифаси, бурчи, масъулияти ва касбий-инсоний одоби ўртасидаги мувозанатни изоҳлаб бера оласизми?

2. Касбий ахлоқий мезонлар билан умуминсоний ахлоқнинг ўзаро муносабати қандай?
3. Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилаётган журналист материални тайёрлаш жараёнида нималарга эътибор бермоғи лозим?

ХУЛОСА

XVIII асрдаёқ Француз олими Монтескье Шарль Луи “Қонунлар руҳи тўғрисида”¹⁰¹ги (1748) асарида табиатда ва ҳаётда иқлимнинг барча кучлардан устун эканлигини таъкидлаган эди. Об-ҳаво ва иқлим қадимдан инсоният тарихининг ривожига таъсир ўтказиб келиб, XXI асрда ҳам улар инсониятнинг ҳаёти ва фаолияти мавжудлигининг асосий омилига айланди, десак муболаға бўлмайди. Гарчи замонавий фан ва техника иқлимни бошқариш қудратига эга бўлсада, айнан фаолиятимиз, фаақтгина ўз фаровонлигимизни ўйлаб амалга оширган хатти-ҳаракатлар Она сайёрамиз мавжудлигини хавф остига солиб қўйди. Глобал иқлим ўзгариши, энг аввало, ўртача ҳаво ҳароратининг ўсишида ва ноқулай гидрометеорологик ҳодисаларнинг, айниқса, жуда иссиқ кунлар, қурғоқчилик, кучли ёгин-сочинлари, сел, цунамилар ва қор кўчишлари сонининг кўпайишида акс этади.

Иқлим ўзгаришининг кучайиб бориши мамлакатлар ривожланишида салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Об-ҳаво ва иқлим билан боғлиқ бўлган табиий офатлар озиқ-овқат ишлаб чиқаришни қисқартиришга, сувларнинг ифлосланишига ва бошқа иқтисодий зарарларга сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда иқлим ўзгариши муаммоси нафақат олимларни ва сиёсатчиларни, балки бутун инсониятни ташвишга солмоқда. Иқлим ўзгариши иқтисод учун ҳам, бутун жамият учун ҳам оғир синовдир. Кейинги вақтларда экстремал метеорологик ва иқлим ҳодисалари катта нобудгарчиликларга олиб келмоқда. Юз минглаб одамлар ҳалок бўлмоқда.

Иқлим ўзгариши бевосита вайрон қилувчи – “Фожиали конвергенциялар” деб аталувчи ҳодисалар билан бирга кечади. Сиёсий зўравонлик, давлат тўнтариши, хатто фуқаролар уруши каби сиёсий портлашлар (Яқин Шарқ, Африка мамлакатлари, Яман, Судан ва бошқалар) оқибати яна ҳам вайрон қилувчи кучга айланади. 2012 йилда Бутун дунё иқтисодчилар форумида иқлим ўзгариши, озиқ-овқат, тоза сув билан таъминлашдаги етишмовчиликлар, шунингдек энергоресурс ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нарх-наволарининг беқарорлиги билан боғлиқ бўлган кризислар глобал нуқтаи назардан бешта асосий хавф-хатарга киритилди. Албатта иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари хусусида аҳолини хабардор этиш, одамларнинг мазкур жараёнга мослашувига ёрдам беришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиес. Айниқса юртимизда мазкур ишларнинг олиб борилиши жуда ҳам суст кечмоқда ва журналистларимиз ҳануз ушбу масалани ёритишга етарлича эътибор қаратмаяптилар. Зеро, иқлим ўзгаришлари Марказий Осиёга ҳам ўз таъсирини ўтказаяпти. Кейинги йилларда ҳудудимизда иқлимнинг исиши кутилади. Ҳеч кимга сир эмас иқтисодимиз асосан қишлоқ хўжалигига мослашгани боис сув танқислиги аллақачон сезила бошлаган. Бунинг оқибатида эса чўлланиш, шўрланиш ва туз шамоллари каби ҳодисалар сони кўпаймоқда. Мутахассисларнинг фикрича, кейинги йилларда кескин исиш жараёнида Марказий Осиёнинг баланд тоғли ҳудудлари иқлим ўзгаришлари туфайли яшаш учун қулайроқ жойларига айланиши мумкин. Дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган ҳудудлардаги воҳалар эса қурғоқчилик туфайли қаттиқ талофатлар кўриши башорат қилинмоқда. Албатта бу жараёнларга мослашиш ҳам

¹⁰¹ www.civisbook.ru/files/File/Monteskye_O%20dukhe.pdf

қийинчиликлар билан кечади. Қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам иқлимга монанд равишда ўзгаришлар кутилади. Сув кўп талаб қиладиган ўсимликлар ўрнини лалмикор шароитда ўсишга мослашган, қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар эгаллайди. Сув тақчил ҳудудларда шўрланиш ва чўлланишнинг кучайиши оқибатида турли ҳил касалликлар авж олиши мумкин.

Иқлим ўзгаришларини тўхтатишни деярли иложи йўқ, чунки дунё аҳолисининг истеъмоли буни амалга оширишга йўл бермайди. Лекин иқлим ўзгаришини секинлаштириш ва унинг оқибатида юзага келадиган турли ҳил муаммолар юзасидан чора –тадбирларни ишлаб чиқиш ва бу борада аҳоли хабардорлигини ошириш вақти етди.

ГЛОССАРИЙ

<p>Иқлим ўзгаришига мослашиш Climate change adaptation</p>	<p>Табиий ва антропоген тизимларнинг иқлимнинг амалдаги ёки кутилаётган таъсирига ёхуд унинг оқибатларига жавобан мослашуви. Бу салбий таъсирларни камайтириб, қулай имкониятлардан фойдаланишни таъминлайди.</p>
<p>Муқобил қувват тури Climate change adaptation</p>	<p>Қазиб олинмайдиган ёқилғи манбаларидан олинган энергия</p>
<p>Иссиқхона газларининг антропоген чиқарилиши /Anthropogenic greenhouse gases emissions</p>	<p>Инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган, жумладан қазиб олинмайдиган ёқилғи воситаларини ёқиш, ўрмонларни кесиш, ердан фойдаланишдаги ўзгаришлар ва бошқалар оқибатида келиб чиқадиган иссиқхона газларининг атмосферага чиқарилиши</p>

Базавий линия/ Baseline	Тоза ривожланиш механизми доирасидаги лойиҳалар ва ҳамкорликда амалга ошириш лойиҳалари бўлмаганда иссиқхона газларининг атмосферага ташланишининг эҳтимоли бўлган миқдорлари. Базавий даража келгусида лойиҳаси инвесторига тақдим этилиши мумкин бўлган қўшимчаликни асослаш ҳамда ЕСВ ва ТСКни ҳисобга олиш учун қўлланилади.
Базавий сценарий/ Baseline scenario	Иссиқхона газларининг ташланишини камайтириш бўйича чораларни таҳлил қилиш учун дастлабки нуқта сифатида олинадиган иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш ва энергия истеъмоли, иссиқхона газлари эмиссиясининг бир қатор башорат қилинган даражалари. Мазкур принцип ҳам миллий даражада, ҳам алоиҳад олинган корхоналар учун қўлланилиши мумкин.
Биогаз/ Biogas	Органик чиқиндилар (гўнг, чириган лавлаги, хашак, маиший чиқиндилар, биодизел ишлаб чиқарилиши чиқиндилари ва бошқалар)ни метанли бижғитиш йўли билан олинадиган газ.
Биодизель/ Biodiesel	Ўсимлик ва ҳайвон ёғлари (мойлари), шунингдек уларни этерификация қилишдан олинадиган маҳсулотлар асосида ишлаб чиқариладиган биологик ёқилғи. Автотранспортда тоза ҳолатда ва дизель ёқилғиси билан турли аралашмалар кўринишида қўлланилади.
Биоёқилғи / Biofuel	Қайта тикланадиган хоашёлардан олинадиган ёқилғи. Суюқ (масалан, биоэтанол, биометанол, биодизель), қаттиқ (ўтин, сомон, пеллет) ва газсимон (биогаз, водород) биологик ёқилғи турлари мавжуд.
Биоэтанол / Bioethanol	Камида 99.5% ўсимлик хомашёсидан олинган ва ички ёниш двигателлари учун ёқилғи сифатида ишлатиладиган этил спирти.
В	
Валидация /Validation	TRM лойиҳасини талаб қилинадиган

	<p>мезонларга мослиги нуқтаи назаридан мустақил экспертизадан ўтказиш жараёни. Валидация аккредитациядан ўтган мустақил орган томонидан амалга оширилади. Ҳамкорликда амалга ошириш лойиҳаларини детерминация қилишнинг аналогиси.</p>
Верификация/Verification	<p>Лойиҳа ҳужжатларини ПСО талабларига мослиги нуқтаи назаридан, шунингдек мониторинг жараёни ва лойиҳалар натижаларини мустақил эксперт ташкилоти томонидан текширилиши.</p>
Шамол генератори	<p>Шамол электр қурилмаси, қисқартмаси ШЭҚ – шамолнинг кинетик энергиясини электр энергиясига айлантириб берувчи қурилма.</p>
Шамолдан олинadиган Энергия	<p>Шамол энергияси – атмосферадаги ҳаво массаларининг кинетик энергиясини қўллашга ихтисослашган энергетика соҳаси. Шамол энергияси қайта тикланадиган энергия манбалари сирасига киритлади, чунки у қуёш фаолиятининг натижаси ҳисобланади.</p>
Қайта тикланадиган энергия манбалари/Renewable energy sources	<p>Ердаги ҳаётнинг табиий даврлари билан солиштириганда барқарор характерга эга бўлган ва ўз ичига углеродли бўлмаган, яъни қуёш энергияси, гидроэлектрстанция, шамол энергияси каби манбаларни, шунингдек углерод ташланиши нуқтаи назаридан нейтрал бўлган, масалан биомасса каби манбаларни олувчи энергия манбаи.</p>
Иссиқлик тўлқинлари/ Heat waves	<p>Ёз мавсумидаги жуда юқори даражадаги ҳарорат даври бўлиб, у аҳоли ўртасида қўшимча касалликлар ва ўлим ҳолатлари ортишига, шунингдек сезиларли иқтисодий зарар етказилишига сабаб бўлади.</p>
Илмий ва техник масалаларда масҳалат бўйича ёрдамчи орган /Subsidiary Body for Scientific and Technical Advice	<p>БМТ ИЎДҚнинг иккита ёрдамчи органидан бири. Илмий ва техник масалаларда масҳалат бўйича ёрдамчи орган (ИТММЁО) Томонлар конференциясига илмий, техник ва технологик, услубий масалаларда, шу жумладан технологияларни яратиш ва етказиб бериш, иссиқхона газларин ташланишининг миллий хабарлари ва</p>

	<p>кадастрларини мослаштириш, стандартларини яхшилаш юзасидан маслаҳатлар беради. Ўз фаолиятида ИТММЕО ИЎЭХГ билан яқиндан ҳамкорлик қилади.</p>
<p>Амалга ошириш бўйича ёрдамчи орган /Subsidiary Body for Implementation (SBI)</p>	<p>БМТ ИЎДКнинг иккита ёрдамчи органидан бири бўлиб, Конвенциянинг бажарилишини кўриб чиқади, молиявий ва маъмурий масалалар билан шуғулланади, Томонлар Конференцияси учун тегишли қарорлар қабул қилиш юзасидан таклифлар тайёрлайди.</p>
<p>Олтингургурт гексафториди (SF6) / Sulphur hexafluoride (SF6)</p>	<p>Киото протоколи томонидан тартибга солинадиган олтига иссиқхона газларидан бири. У оғир саноатда юқори кучланишли ускуналарни изоляция қилиш учун ва кабелларни совутиш тизимларини ишлаб чиқаришда қўлланилади. Унинг глобал иссиқдаги потенциали 23 900 га тенг.</p>
<p>Гидрофторуглеродлар (ГФУ)/Hydrofluorocarbons (HFCs)</p>	<p>Киото протоколи томонидан тартибга солинадиган олтига иссиқхона газларидан бири. ГФУ совутиш ускуналари ва ярим ўтказгичлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Унинг глобал иссиқдаги потенциали 1 300 дан 11 700 гача бўлган ораликда ўзгариб туради.</p>
<p>Гидроэнергия</p>	<p>Ўзанлардаги очик сув оқимлари ва қуйилиш ҳаракатларидаги сув массалари оқимларида жамланган энергия. Кўпроқ пастга тушаётган сувнинг энергиясидан фойдаланилади. Сув сатхининг ҳар хиллигини ошириш мақсадида, айниқса дарёларнинг қуйи қисмида плотиналар қурилади.</p>
<p>Иссиқ ҳаво/ Hot air</p>	<p>1990-йиллардаги иқтисодий инкироз боис Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари (шу жумладан Россия)да 1990 йил билан солиштирганда иссиқхона газлари ташланмалари миқдорининг сезиларли даражада камайганини билдирувч атама. “Иссиқ ҳаво” – иқлим ўзгаришининг оқибатларини юмшатишга қаратилган мақсадли бўлмаган сиёсат ва чоралар маҳсули бўлиб, шу боис у Киото протоколи</p>

	томонидан тақлиф этилаётган иссиқхона газлари ташланмасини назорат қилиш режимини бузиши ва халқаро углерод бозорига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисобланган.
77-Гуруҳ ва Хитой (Г-77)/ Group of 77 and China (G-77)	1064 йилда БМТнинг савдо ва ривожланиш Конференцияси доирасида ташкил этилган ривожланаётган давлатлар гуруҳи. Дастлаб ўз таркибига 77 та давлатни олган эди. Бугунги кунда мазкур гуруҳга аксарият ривожланаётган давлатлар(133 та мамлакат) кирган. У учта ҳудудий кичик гуруҳларга бўлинган: Осиё, Африка ва Лотин Америкаси. Хитой одатда G-77 билан бирга чиқади. Гуруҳ таркибига бир қатор музокарали масалаларда турлича нуқтаи назарга эга кўп сонли давлатлар киргани боис, G-77 нинг ичида мамлакатларнинг бир нечта гуруҳи ажралиб туради: Кичик орол давлатлар альянси(AOSIS), нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти(ОПЕК)га аъзо давлатлар, кам ривожланган давлатлар (КРД) ва бошқалар.
Экологик яхлитлик гуруҳи/Environmental Integrity Group (EIG)	Таркибига Мексика, Корея Республикаси ва Швейцария кирадиган музокара гуруҳи давлатлари. Гуруҳ яқинда – 2000 йил сентябрда БМТ ИЎДК ёрдамчи органларининг 13-сессияси давомида тузилган. У ўз таркибига ҳам ИЎДКнинг I-Иловасига кирган ривожланган давлатларни (Швейцария), ҳам ушбу Иловага кирмаган ривожланаётган давлатларни (Мексика, Корея Республикаси) олган ягона гуруҳдир.
Детерминация/ Determination	Лойиҳанинг ПСО сифатида тасдиқланиши.
Углерод диоксиди (CO2)/ Carbon dioxide (CO2)	Киото протоколи томонидан тартибга солинадиган асосий антропоген келиб чиқишга эга иссиқхона гази. Қазиб олинадиган ёқилғи турлари ва биомассани ёқишда, цемент ишлаб чиқаришда, ўрмонсизланиш ва бошқа

	<p>саноат жараёнлари натижасида ажралиб чиқади. У бошқа иссиқхона газларини ҳам баҳолашга мезон бўладиган назорат гази, шунинг оқибатида унинг глобал иссиқдаги потенциали 1 га тенг деб ҳисобланади.</p>
<p>Қўшимчалик/ Additionality</p>	<p>Ҳамкорликда бажариш лойиҳаларига ва тоза ривожланиш механизми доирасидаги лойиҳаларга қўйиладиган асосий талаб бўлиб, унга кўра лойиҳа бўйича ташланмаларнинг қисқариши у бўлмаганда кузатиладиганига қўшимча равишда бўлиши керак. Қўшимчаликнинг асосий исботи – ПСО/ТРМ механизми орқали лойиҳани қўшимча молиялаштириш имконияти бўлмаса, у иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди.</p>
<p>Иқлимга дўстона/Climate Friendly</p>	<p>Қўлланилиши иқлимга қўшимча равишда антропоген таъсир кўрсатилишига сабаб бўлмайдиган технологиялар, ёндошувлар.</p>
<p>Атмосферага ташланмалар билан савдо бўйича Европа тизими (ТСЕТ)/ European Union Emission Trading System (EU ETS)</p>	<p>ЕИ да Киото протоколи бўйича олинган мажбуриятларни бажариш учун қабул қилинган иссиқхона газлари ташланишини тартибга солиш тизими. Мазкур схема доирасида ҳар бир мамлакатнинг йирик компаниялари ва саноат корхоналари ташланмалар ҳуқуқларини тақсимлашнинг миллий режасига кўра ташланмалар бўйича маълум бир миқдордаги рухсатномалар олишади. Режалар миллий ҳукуматлар томонидан ишлаб чиқилади ва Европа Комиссияси томонидан тасдиқланади. ТСЕТга киритилган компаниялар ортиқча рухсатномаларни бозорда сотишлари, ташланмалари ҳажми рухсат этилган миқдор чегарасидан ортиб кетадиган компаниялар эса уларни сотиб олишлари мумкин. Компанияларга шунингдек Киото протоколининг лойиҳа механизмлари (ПСО ва ТРМ) квоталарини ўзларининг ТСЕТ бўйича мажбуриятларини бажаришлари учун ишлатишларига рухсат берилади.</p>
<p>Абсорбция бирликлари (АБ)/ Removal Units</p>	<p>Оқимларнинг – ердан фойдаланиш</p>

(RMU)	бўйича фаолият, ердан ва ўрмонлардан фойдаланишдаги ўзгаришлар натижасида экотизимлар томонидан CO ₂ ни ютишнинг ўзгариши бирликлари. АБ Марокаш битимлари асосида ЕУКнинг бир қисми сифатида киритилган. АБ сотилиши мумкин, аммо ТҚБлардан фарқли равишда уларни тўплаб қўйиш мумкин эмас.
Ташланмаларни қисқартириш бирликлари (ТҚБ)/ Emission Reduction Units (ERU)	ПСОни амалга ошириш натижасида ташланмаларнинг қисқариши ёки иссиқхона газлари абсорбцияси бирликлари. Ташланмаларнинг базавий миқдоридан ҳисоблаб бошланади ва CO ₂ -эквиваленти тонналарида ўлчанади.
Белгиланган миқдор бирликлари (БМБ)/ Assigned Amount Units (AAU)	Углерод бирликлар – мамлакатнинг иссиқхона газларини ташлаш бўйича миллий квотасининг бир қисми – улар квоталар савдоси механизми доирасида ИЎДКнинг 1-Иловасидаги давлатлар ўртасида ўзаро бир бирига берилиши мумкин.
Азотнинг чала оксиди (N₂O)/ Nitrous oxide (N₂O)	Киото протоколидаги ўз аҳамиятига кўра учинчи иссиқхона гази. Минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги фаолияти натижасида ажралиб чиқади.
Манфаатдор томонлар(stakeholders)	Лойиҳа бўйича фаолиятга жалб этилган, ушбу фаолиятдан фойда кўрадиган (ёки унинг таъсирига тушган) жисмоний шахслар, шахслар гуруҳи, ташкилотлар ва ҳамжамиятлар.
Ердан фойдаланиш, ердан фойдаланишдаги ўзгаришлар ва ўрмон хўжалиги/ Land-Use, Land-Use Change and Forestry (LULUCF)	Киото протоколи томонидан тартибга солинадиган ердан фойдаланиш турлари (дарахт экиш, ўрмонларни кесиш, қайта тиклаш, ўрмон ва қишлоқ хўжалигини нисбатан илғор шаклларда юритиш ва бошқалар).
Зонт гуруҳи/ Umbrella Group	ИЎДКнинг 1-Иловасига кирган бир қатор мамлакатларни бирлаштирган музокара гуруҳи. Зонт гуруҳи Томонларнинг Учинчи Конференцияси (Киото, 1997 йил)дан кейин Европа Иттифоқига қарама қарши сифатида Россия Федерацияси ташаббуси билан тузилган. Зонт

	<p>гурухи таркибига Япония, АҚШ, Канада, Австралия, Норвегия, Янги Зеландия, Россия ва Украина кирган.</p>
И	
<p>Иқлим ўзгариши (ИЎЭХГ томонидан қўлланиладиган атама)/ Climate change (IPCC terminology)</p>	<p>Иқлим тизимидаги ички ўзгаришлар, ёки унинг таркибий қисмлари билан ўзаро муносабат натижасида, ёхуд ташқи мажбур этувчи таъсирлар оқибатида ёки табиий сабабларга кўра, ёхуд инсон фаолияти натижасида юз берадиган иқлим ўзгариши.</p>
<p>Иқлим ўзгариши (ИЎДК томонидан қўлланиладиган атама)/ Climate change (UNFCCC terminology)</p>	<p>Бевосита ёки билвосита инсоннинг фаолияти натижасида глобал атмосфера таркибининг ўзгариши оқибатида солтиштириладиган давр оралиғида табиий иқлим ўзгаришларига қўшимча бўладиган иқлим ўзгариши.</p>
<p>Ташланмаларни инвентаризация (кадастр) қилиш/ Inventory</p>	<p>БМТ ИЎДК тасдиланган ИЎЭХГ услуби бўйича мамлакатлар томонидан иссиқхона газларининг антропоген ташланмаларини ҳисобга олиш. 1-Илова Томонлари ИЎДК Котибиятига ҳар йили иссиқхона газлари ташланмалари кадастрини тақдим этишлари шарт.</p>
<p>Қазиб олинadиган ёқилғилар/ Fossil fuels</p>	<p>Таркибида углерод бўлган турли ёқилғи минераллари ва моддалари (масалан, нефт, табиий газ, қўмир, торф). Қазиб олинadиган ёқилғи турлари қайта тикланмайдиган табиий манбалар ҳисобланади.</p>
<p>Тоза ривожланиш механизми (TRM)нинг Ижроия қўмитаси (ИК)/ CDM Executive Board (EB)</p>	<p>Тоза ривожланиш механизми (TRM) бўйича Киото протоколининг 12-моддасида белгиланган фаолиятни тартибга солувчи масъул орган.</p>
<p>Ташланмалар манбаи/ Source</p>	<p>Натижасида атмосферага иссиқхона газлари ташланадиган исталган жараён, фаолият тури ёки механизм.</p>
<p>Карбон сифимдорлиги/ Carbon-intensity</p>	<p>Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришда ажраладиган иссиқхона газлари миқдори. CO₂-эквивалентда 1 АҚШ доллариға тоннада ўлчанади.</p>
<p>Ташланмалар бўйича квота/ Emissions quota></p>	<p>Ташланмалар бўйича умумий мажбуриятлар доирасида мамлакатга ёки алоҳида корхонага ажратилadиган умумий рухсат берилган ташланмалар қисми.</p>

<p>Киота механизмлари/ Kyoto mechanisms</p>	<p>Бозор принципларига асосан ишлайдиган иқтисодий механизмлар бўлиб, улар Киото протоколига аъзо давлатлар томонидан иссиқхона газлари ташланишини камайтириш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун қўшимча восита сифатида қўлланилиши мумкин. Уларга куйидагилар киради: ҳамкорликда амалга ошириш механизми (6-модда), тоза ривожланиш механизми (12-модда), ташланмалар билан савдо қилиш (17-модда).</p>
<p>БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича Доиравий конвенциясига Киота протоколи/ Kyoto Protocol to the UN Framework Convention on Climate Change</p>	<p>2008-2012 йилларда саноати ривожланган давлатлар ва ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларга иссиқхона газларини антропоген ташлашни чеклаш бўйича мажбуриятлар юқловчи халқаро битим. Протокол БМТ ИЎДК га қўшимча сифатида 1997 йилда Киото (Япония)да қабул қилинган, 2005 йил февралда кучга кирган. 182 та мамлакат, жумладан АҚШдан бошқа барча ривожланган давлатлар ратификация қилган.</p>
<p>Когенерация/ Cogeneration</p>	<p>Иссиқлик ва электр энергиясини ҳамкорликда ишлаб чиқариш.</p>
<p>Рияо этиш қўмитаси/ Compliance Committee</p>	<p>БМТ ИЎДКнинг иккита бўлинмадан, яъни: оптималлаштириш (facilitative) ва мажбуриятларга рияо этилишини таъминлаш (enforcement) бўйича бўлинмалардан иборат органи. Қўмитанинг оптималлаштириш бўлинмаси Томонларга ўз мажбуриятларига рияо этишларида қўмаклашиш, иккинчи бўлинма эса мажбуриятларга рияо этмаганлик учун санкциялар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.</p>
<p>Томонлар Конференцияси (ТК)/Conference of the Parties (COP)</p>	<p>БМТ ИЎДКнинг Олий Органи. ТК иштирокчилари – Конвенция Томонлари бўлган барча мамлакатларнинг вакиллари дир. ТК ҳар йили бир марта Томонлар Конвенция қоидаларини қандай бажаришаётганини, иқлим ўзгариши бўйича сўнгги илмий хулосаларни ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича сиёсат ва чораларни ишлаб чиқиш ва</p>

	амалиётга жорий этиш соҳасидаги энг яхши амалий ишларни кўриб чиқиш учун йиғилади. Ана шу таҳлил асосида ТК Томонларни ўз мажбуриятларини бажаришга рағбатлантириш мақсадида Конвенция қоидаларини янада такомиллаштириш ва янги мажбуриятлар юзасидан музокаралар олиб бориш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади.
Киото протоколи Томонларининг йиғилиши сифатида иш олиб борадиган Томонлар Конференцияси (CC)/ Conference of the Parties	БМТ ИЎДК Томонлари Конференцияси Киото протоколи Томонлари йиғилиши сифатида иш олиб боради. У Киото протоколининг амалга оширилишини кўриб чиқади ва уни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган тегишли қарорлар қабул қилади.
Мақсадга мувофиқлик мезонлари/ Eligibility requirements	Мамлакатлар учун Киото протоколи механизмларида иштирок этиш учун халқаро талаблар.
Л	
Ўрмонларнинг тикланиши/ Reforestation	қайта Инсоннинг ўрмонсиз участкаларни дарахт экиш, дарахт уруғларини сочиш йўли билан ўрмонга айлантириш борасидаги фаолиятининг бевосита натижаси ва ёки инсоннинг илгари ўрмонзор бўлган, аммо кейинчалик ўрмонсиз участкаларга айланган ҳудудларда табиий уруғларни сочиш борасидаги фаолиятининг натижаси.
Иссиқхона газлари чиқарилишининг камайиши микдори лимити/Greenhouse gas emission reduction limit	Иқтисодиётнинг у ёки бу секторида иссиқхона газлари ташланиши камайишининг ёки улар абсорбцияси кўпайишининг чегаравий микдори бўлиб, унга ПСОни амалга ошириш ва бошқа Томонларга етказиб бериш орқали эришиш мумкин.
Марокаш битими/Marrakesh Accords	Киото протоколи бажарилишини тартибга солувчи “қонуности” ҳужжатлари, биринчи галда, киото механизмларини амалга ошириш механизмлари. ТК-7 қарори билан 2001 йил кузида Марокашда қабул қилинган.
Операцияларнинг халқаро журнали (МРЖО)/ International Transaction Log (ITL)	Киото протоколи доирасида углерод бирликларининг бир Томондан

	бошқасига берилиши бўйича битимларнинг халқаро реестри.
Иқлим ўзгариши бўйича экспертларнинг ҳукуматлараро гуруҳи (ИЎЭҲГ) / Intergovernmental Panel on Climate Change (IPCC)	1988 йилда ЮНЕП ва жаҳон метеорология ташкилотининг кўшма органи сифатида таъсис этилган ва 130 мамлакатдан 2500 нафардан ортиқ олимни бирлаштирган Халқаро экспертлар гуруҳи. ИЎЭҲГ доимий равишда иқлим ўзгариши бўйича энг сўнгги илмий маълумотларнинг йиғма баҳоланишини жамлаган маърузалар тайёрлайди. БМТ ИЎДК учун ИЎЭҲГ махсус маърузалар ва турли услубий қўлланмалар тайёрлаб беради.
Метан (CH₄)/ Methane (CH₄)	Киото протоколидаги аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи иссиқхона гази. Чиқиндихоналарда чиқиндиларнинг анаэроб (кислородсиз) чириши, ҳайвонларнинг ферментацияси, ҳайвонлар ўлимтикларининг чириши, табиий газ ва нефт қазиб олиш ва тақсимланиши, кўмир қазиб олиниши ҳамда қазиб олинмаган ёқилғиларнинг тўлиқ ёнмаслиги оқибатида ҳосил бўлади.
Ривожланишнинг софлиги механизми (TRM)/ Clean development mechanism (CDM)	Киото протоколининг 12-моддасида беглилаб берилган лойиҳа механизми бўлиб, унинг доирасида иссиқхона газлари ташланишини камайтиришга ва (ёки) уларнинг абсорбциясини кўпайтиришга йўналтирилган лойиҳалар ривожланаётган мамлакатлар ҳудудида ИЎДКнинг 1-Иловасига кирган давлатларнинг тўлиқ ёки қисман инвестициялари ҳисобига амалга оширилади. TRM лойиҳалари натижасида амалга оширилган Ташланмаларнинг сертификатланган камайиши (ТСК) ИЎДКнинг 1-Иловасига кирган давлатларга тақдим этилади.
Мониторинг/ Monitoring	ПСО ёки TRM доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш натижасида эришилган иссиқхона газлари ташланиши камайиши ва (ёки) уларнинг абсорбцияси кўпайишини ЕСВ/ТСК ҳисоби ва келгусида лойиҳа инвесторига тақдим этиш учун доимий текшириб туриш.

<p>Ҳамкорликда амалга ошириш бўйича кузатув кўмитаси (HKCO)/JI Supervisory Committee (JISC)</p>	<p>PCO механизми доирасидаги фаолиятни назорат қилувчи халқаро кўмита.</p>
<p>Кам ривожланган давлатлар(КРД)/Least Developed Countries (LDC)</p>	<p>БМТ доирасида қўлланиладиган расмий атама. Бугунги кунда КРД тоифасига 50 та давлат киради. Гуруҳга киритиш учун бир нечта кўрсаткичлардан фойдаланилади, яъни: аҳоли жон бошига ЯИМ, турмуш даражаси ва сифати, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ҳаёт учун энг зарур бўлган манбалар билан таъминланганлик даражаси ва бошқалар.</p>
<p>Миллий хабар/ National Communication</p>	<p>БМТ ИЎДК ва Киото протоколининг бажарилиши тўғрисида Томонлар мунтазам равишда ИЎДК Котибиятига тақдим этадиган давлат маърузаси.</p>
<p>Мустақил эксперт ташкилоти/ Independent expert organization</p>	<p>Комиссия томонилан аккредитациядан ўтказилган мустақил орган бўлиб, у лойиҳа ҳужжатларини PCO мезонларига мослиги нуқтаи назаридан, шунингдек лойиҳа мониторинги ва натижаларини текшириш билан шуғулланади. Текшириш якунлари бўйича мустақил эксперт ташкилоти эксперт ҳулосасини тақдим этади.</p>
<p>Иссиқхона газлари чиқарилишини қисқартириш бўйича Миллий мақсадга мувофиқ режа/ Nationally Appropriate Mitigation Action (NAMA)</p>	<p>NAMA атамаси илк бор халқаро иқлим музокараларига 2007 йилда Бали Ҳаракат Дастурлари орқали расман кириб келган. NAMA ривожланаётган мамлакатларда иқлим ўзгаришининг олдини олишнинг энг маъқул йўли сифатида тақлиф этилган. Юқоридақайд этилган ҳужжатга кўра, иқлим ўзгаришининг олдини олиш бўйича ҳаракатларин фаолаштириш шунингдек ривожланаётган мамлакатлар томонидан уларниг барқарор ривожланиши контекстида НАМАни ҳам киритишни назарда тутади. НАМАнинг бу каби тадбирлари баҳолаш, ҳисоботларда акс эттириш ва текшириш мумкин бўлган технологиялар, молиялаштириш ва имкониятни мустаҳкамлаш асосида қўллаб-қувватланиши керак (Бали Ҳаракат Дастурининг 1.b (ii) параграфи). НАМАнинг мазмуни ва формати, уларни ўлчаш, ҳисоботларда</p>

	<p>акс эттириш ва текшириш қоидалари (Measurement, Reporting and Verification – MRV) ҳамда уларнинг молиявий қўллаб-қувватланиши бўйича музокаралар ҳали якунига етмаган. Аммо умумий даражада НАМАНинг қуйидаги учта тури назарда тутилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Бир томонлама НАМА: ривожланаётган мамлакатлар иқлим ўзгаришининг олдини олиш мақсадида мустақил равишда амалга оширадиган тадбирлар • Қўллаб-қувватловчи НАМА: ривожланаётган мамлакатларнинг иқлим ўзгаришининг олдини олиш мақсадида амалга ошираётган тадбирларининг ташқаридан, 1-Иловага кирган мамлакатлар (Киото протоколи) томонидан молиявий ва технологик қўллаб-қувватланиши ҳамда имкониятларини мустаҳкамлашда ёдам кўрсатилиши • Кредитланадиган НАМА: углерод бозорида сотиш учун углерод сертификатларини ишлаб чиқарадиган ривожланаётган мамлакатларнинг иқлим ўзгаришининг олдини олиш мақсадида амалга ошираётган тадбирлари
Ўрмонсизланиш/ Afforestation	Тарихан ўрмонлар бўлмаган ҳудудларда янги ўрмонзорлар яратиш.
Иссиқлик ороли/ Heat-Island Effect	Саноат объектлари ва аҳоли жамланган ҳудудларда атроф-муҳит ҳароратининг ошиши эффекти. Одатда, бутун йил давомида ҳавонинг ҳарорати чекка ҳудудлардагидан бир неча градусга ортиқ бўладиган йирик шаҳарларда кузатилади.
Иссиқхона газлари (ИГ)/ Greenhouse gases	Ернинг иқлим тизимига таъсир

(GHG)	<p>кўрсатувчи ва Киото протоколи доирасига кирувчи газлар: Карбонат ангидрид (CO₂), метан (CH₄), чала оксидланган азот (N₂O), гидрофторуглеродлар (ГФУ), перфторуглеродлар (ПФУ) ва олтингугурт гексафториди (SF₆).</p>
Иссиқхона эффекти/ Greenhouse effect	<p>Иссиқхона эффекти ер атмосферасидаги айрим газлар ернинг юзасидан таралаётган инфрақизил нурларни тутиб қолиши оқибатида юзага келади. Иссиқхона эффекти ҳодисаси Ер юзасидан ҳаёт юзага келиши ва ривожланишини таъминлаш учун имкон берадиган ҳароратни ушлаб туриш имкониятини яратади. Агар иссиқхона эффекти бўлмаганда ер шари юзасидаги ўртача ҳарорат ҳозиргига нисбатан сезиларли даражада паст бўлар эди. Бу жараён “табiiй иссиқхона эффекти” деб аталади. Иссиқхона газларининг кўп тўпланиши атмосферанинг инфрақизил нурлар ўтолмайдиган бўлиб қолишини кучайтиради, оқибатда Ерда ҳарорат ортишига олиб келади. Бу жараён “иссиқхона эффектнинг кучайиши” деб таталади.</p>
Пеллетлар/ Pellets	<p>Ўсимлик хомашёсидан тайёрланган цилиндр шаклидаги майдалаб прессланган маҳсулотлар. Ёқиб иссиқлик олиш учун мўлжалланган. Тараша ва ёғочнинг бўлаклари билан солиштирганда катта миқдорда иссиқлик чиқариш хусусиятига эгаллиги ва ихчамлиги билан ажралиб туради.</p>
Технологияларни етказиб бериш/ Technology transfer	<p>Турли манфаатдор томонлар ўртасида билимларни, пул маблағлари ва товарларни алмашишни қамраб олган кенг кўламли жараёнлар бўлиб, улар иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва уларга мослашиш технологияларининг тарқалишига ёрдам беради. умумий тушунча сифатида ушбу атама ҳам технологияларнинг тарқалишини, ҳам мамлакат ичида ва мамлакатлар ўртасида технологик ҳамкорликни англатади.</p>
Мажбуриятлар даври/ Commitment period	<p>Киото протоколи билан Томонлар</p>

	<p>учун мажбуриятлар белгиланган давр. Мажбуриятларни бажаришнинг биринчи даври – 2008-2012 йиллар. Ҳозирги пайтда 2012 йилдан кейинги давр амалга оширилмоқда.</p>
<p>Перфторуглеродлар (ПФУ)/Perfluorocarbons (PFCs)</p>	<p>Киото протоколи томонидан тартибга солинадиган иссиқхона газлари. Атмосферага чиқарилиши асосан алюминий, электроника ва эритувчи воситалар ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ. ПФУнинг глобал исишдаги потенциали карбонат ангидриднинг глобал исиш потенциалидан 6 500 – 9 200 марта ортиқроқ.</p>
<p>Поглотитель/ Sink</p>	<p>Иссиқхона газини атмосферадан абсорбация қиладиган ҳар қандай жараён, фаолият тури ёки механизм.</p>
<p>Ютгич/ Sequestration</p>	<p>Атмосферадан ташқари, углерод тўплагида углерод миқдорининг ортиши жараёни. Ютишга биологик ёндошувлар ўз ичига ердан фойдаланишни ўзгартириш, ўрмонларни кўпайтириш, ўрмонларни қайта тиклаш ва қишлоқ хўжалигида тупроқда углерод миқдори ортишига ёрдам берадиган бошқа амалиёт турлари ҳисобига атмосферадан углерод диоксидини тўғридан тўғри чиқариб ташлашни назарда тутати. Физик ёндошув эса тутун газларидан углерод диоксидини ажартиб олиш ва чиқариб ташлашни назарда тутати.</p>
<p>Сиёсат ва чоралар/ Policies and measures</p>	<p>БМТ ИЎДК атамашунослигига кўра, “сиёсат” деганда ҳукумат томонидан, аксарият ҳолларда ўз мамлакатидagi тижоат ва саноат доиралари, шунингдек бошқа давлатлар билан ҳамкорликда иссиқхона газлари ташланишини камайтириш бўйича чорларни қўллаш ва ишлатишни тезлаштириш мақсадида амалга ошириладиган ва/ёки белгиланадиган чора-тадбирларни билдиради.</p>
<p>Глобал исиш потенциали (ПГП)/ Global warming potential (GWP)</p>	<p>Маълум бир иссиқхона гази молекуласининг CO₂ молекуласига нисбатан радиация (иситувчи) таъсирини сонда акс эттирувчи параметр.</p>
<p>Киото протоколига В Илова/ Annex B to Kyoto Protocol</p>	<p>Киото протоколига асосан иссиқхона газларининг антропоген ташланишини</p>

	камайтириш мажбуриятини олувчи мамлакатлар рўйхати. Рўйхатдан барча ривожланган ва ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар ўрин олган.
ИЎДКнинг I-Иловаси / Annex I to UNFCCC	БМТ ИЎДКнинг умумий. Аммо дифференцияланган мажбурият принципига асосан ўз зиммасига қўшимча мажбурият олувчи давлатлар рўйхати. I-Иловага барча ривожланган ва ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар кирган.
ИЎДКнинг II-Иловаси/ Annex II to UNFCCC	ИЎДК бўйича молиявий хаарктердаги мажбуриятларни зиммасига олувчи давлатлар рўйхати. Барча ривожланган давлатлар кирган.
Қабул қилувчи томон/ Host Party	Киото протоколи Томони бўлиб, унинг худудида ҳамкорликда амалга ошириш лойиҳаси ёки тоза ривожланиш механизми лойиҳаси амалга оширилади бўлади.
Лойиҳа ғоясини тақдим этиш (PIN)	PIN – лойиҳанинг қисқача баёни бўлиб, TRM/CO лойиҳанинг асосий деталларини ўз ичига олади.
Ҳамкорликда амалга ошириш лойиҳалари (JCO)/ Joint Implementation Projects (JI projects)	Киото протоколининг 6-моддасида белгиланган лойиҳа механизми бўлиб, у ИЎДКнинг I-Иловасига киритилган ривожланган давлатларга иссиқхона газлари ташланиши ва ёки уларнинг абсорбциясига йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш имкониятини беради. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида юзага келган ЕСВ бир Томондан бошқасига берилади.
Ташланмага рухсат/ Emission Allowances	Маъмурий орган (ҳукуматлараро ташкилот, марказий ёки маҳаллий давлат муассасаси) томонидан худудий (миллий, мамлакат ичидаги) ёки тармоқдаги хўжалик юретиш субъекти (алоҳида корхона)га берилган у ёки бу моддани белгиланган миқдорда ташлаш бўйича ҳуқуқ бўлиб, у бошқага берилиши ёки ўтказилиши мумкин эмас.
БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисида Доиравий конвенцияси (БМТ ИЎДК)/UN Framework Convention on Climate Change	Глобал иқлим ўзгаришига қарши курашга қаратилган илк халқаро битим. Унинг якуний мақсади

(UNFCCC)	“атмосферада иссиқхона газлари миқдорини иқлим тизимига хавфли антропоген таъсир кўрсатмайдиган даражада ушлаб туриш”дан иборат. Доиравий характерга эга бўлиб, Киото протоколи билан тўлдирилган. БМТ ИЎДК 1992 йил Рио-де-Жанейро шаҳрида қабул қилинган, 1994 йил март ойидан кучга кирган. 192 мамлакат, жумладан Марказий Осиё давлатлари ИЎДК Томонлари ҳисобланишади.
Углерод бирликлари реестри /Registry of carbon units	Стандартланган электрон маълумотлар базаси бўлиб, унда углерод бирликлари билан боғлиқ барча маълумотлар қайд этилади.
Мажбуриятлар даври захираси/Commitment period reserve	Томон рухсатномани кейинги даврга ўтказиш учун миллий реестрда белгиланган миқдордаги бирликлар захирасини яратиши шартлиги тўғрисидаги талаб.
БМТ ИЎДК Котибияти/ UNFCCC Secretariat	БМТ ИЎДК ва Киото протоколи Котибияти Конвенция ва Протоколнинг барча органларига ўз вазифаларини бажаришларида кўмаклашади. У ТК ва ёрдамчи органлар сессияларини тайёрлайди, Томонларга ўз мажбуриятларини бажаришларида ёрдам кўрсатади, таҳлилларни тайёрлайди, маълумотларни тарқатади, шунингдек бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. 1995 йилдан Котибият доимий равишда Бонн шаҳрида жойлашган. Котибият сайти: http://unfccc.int .
Ташланмаларнинг камайтирилиши (ТСК)/ Certified Emission Reductions (CER)	ТРМ лойиҳасини амалга ошириш натижасида олинган ташланмаларин камайтириш бирликлари. Ташланмаларнинг базавий даражасидан бошлаб ҳисобланади ва CO ₂ -эквивалентда тоннада ўлчанади. Лойиҳа инвесторига берилиши мумкин.
Ташланмаларнинг камайтирилиши (ТСК)/ Certified Emission Reductions (CER)	ТРМ доирасидаги лойиҳа фаолияти натижасида олинган углерод бирликлари.
Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш / Climate Change Mitigation	Манбалардан антропоген ташланмаларни камайтириш ва

	<p>иссиқхона газларининг ютгичлар томонидан ютилишини оширишга қаратилган чора-тадбирлар.</p>
<p>Мажбуриятларни биргаликда бажариш ёки «пуфак»/«Bubble»</p>	<p>Мамлакатлар гуруҳининг ўзлари учун умумий бўлган мажбуриятларни олиши имконияти (Киото протоколининг 4-моддаси). Ҳамкорликдаги мажбуриятлар бажарилса, ҳар бир мамлакат келишувларга асосан ташланмаларни камайтиради ёки кўпайтиради. Аммо мажбуриятлар бажарилмаса, ҳар бир мамлакат Киото протоколининг В-Иловасида қайд этилган миқдорда ташланмаларни камайтириш учун масъул бўлади. Европа Иттифоқи мамлакатлари томонидан амалда қўлланилади.</p>
<p>Ташланмаларни камайтиришни сотиб олиш тўғрисида битим/(Emissions reduction purchase agreement (ERPA)) ></p>	<p>Ташланмаларни камайтириш бўйича лойиҳа мулдори бўлган компания ва харидор инвестор ўртасида тузиладиган тижорат битими. Камайтириш нархи, амалга ошириш ва камайтиришни бериш муддатлари, бажариш бўйича кафолат ва мажбуриятлар кабиларни ўз ичига олади.</p>
<p>Қуёш батареяси/Photovoltaics (PV)</p>	<p>Қуёшнинг электромагнит нурларини электр энергиясига айлантириб берадиган қурилма.</p>
<p>Қуёш коллектори/Solar Collector</p>	<p>Ёруғлик ва яқин инфра қизил нурланиш ташиб келадиган қуёш энергиясини йиғиш қурилмаси.</p>
<p>I-Илова Томонлари учун бўлғуси мажбуриятлар бўйича махсус ишчи гуруҳ/ Ad Hoc Working Group on Further Commitments</p>	<p>1-Иловага киритилган Томонлар учун келгуси мажбуриятлар бўйича Киото протоколига кўра очик таркибдаги махсус ишчи гуруҳ. 2005 йил Монреалда ТК-11 қарори билан тузилган. МИГ ўз фаолияти тўғрисидаги маърузани ТКнинг ҳар бир сессиясига тақдим этади.</p>
<p>ИЎДК бўйича узоқ муддатли ҳамкорликдаги фаолият бўйича махсус ишчи гуруҳ/ Ad Hoc Working Group on Long-term Cooperative Actions</p>	<p>ИЎДК МИГ 2007 йил декабрь ойида ИЎДК Томонларининг 13-Конференциясининг қарори билан ташкил этилган ва Бали Ҳаракат Режаси деб ном олган. Гуруҳнинг вазифаси – 2012 йилгача ва ундан кейин Ковенцияни самарали ва барқарор амалга ошириш учун Бали ҳаракат режасининг ҳар бир</p>

	элементини батафсил ишлаб чиқиш.
Киото протоколининг 9-моддаси/Article 9 of the Kyoto Protocol	Киото протоколининг 9-моддаси унинг бажарилиши ва самарадорлиги юзасидан доимий равишда таҳлиллар олиб бориш зарурлигини белгилаб беради. Киото протоколининг ижроси биринчи марта 2006 йил ноябрь ойида кўриб чиқилган.
I-Иловага киритилган Томонлар/давлатлар/ Annex 1 Parties	БМТ ИЎДКнинг 1-Иловасига киритилган мамлакатлар гуруҳи, барча ривожланган ва ўтиш иқтисодиётига эга давлатлар. Конвенциянинг 2(a) ва 4.2(b) моддалрига асосан 1-Иловага киритилган давлатлар 2000 йилга бориб яқка тартибда ва ҳамкорликда иссиқхона газлари ташланиши миқдорларини 1990 йилдаги миқдорларгача камайтириш мажбуриятини олишган эди.
I-Иловага киритилмаган Томонлар/давлатлар/ Non-Annex 1 Parties	БМТ ИЎДКни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳамда Конвенциянинг 1-Иловасига киритилмаган давлатлар. Бу гуруҳга асосан ривожланаётган иқтисодиётга эга мамлакатлар кирган.
Инвестор-давлат/ Investing Party	ПСО ёки ТРМ лойиҳаси бажарилиши натижасида чиқарилган ЕСВ ёхуд ТСК инвестиция капиталига даромад шаклида олувчи мамлакат.
II-Иловага киритилган давлатлар/ Annex II Parties	БМТ ИЎДК 2-Иловасига киритилган мамлакатлар, жумладан барча ривожланган давлатлар. Конвенциянинг 4.2(g) моддасига асосан мазкур давлатлар ривожланаётган мамлакатларга ўз мажбуриятларини бажаришлари учун, масалан миллий маърузаларни тайёрлашлари учун молиявий ёрдам кўрсатишлари керак. 2-Иловасига киритилган мамлакатлар, шунингдек ривожланаётган давлатларга экологик хавфсиз технологияларни етказиб беришга ҳам кўмаклашишлари зарур.
В-Иловага киритилган Томонлар/давлатлар/ Annex B Parties	Киото протоколининг В-Иловасига киритилган мамлакатлар бўлиб, улар ўзларининг иссиқхона газлари ташланмаларини тегишли миқдорларда мақсадли камайтиришга рози бўлишган. В-Иловага ИЎДКнинг 1-Иловасига кирган барча

	мамлакатлар киритилган.
Ташланмаларни сотиш/ Emission trading	Экологик мақсадларга эришишнинг бозор муносабатларига асосланган ёндошуви. У иссиқхона газлари ташланишини талаб қилинган даражадан кам бўлишини таъминлаган субъектларга камайтириш натижасида юзага келган ортиқча миқдорларни шу мамлакат ичида ёки бошқа мамлакат ҳудудида бошқа манбадан ташланмаларни компенсация қилиш учун қўллаш ёки тижорат асосида бошқа Томонга бериш имкониятини яратади. Одатда, савдо тармоқ, мамлакат ичида, халқаро даражада амалга оширилиши мумкин.
Углерод бирликлари/ Carbon units	Киото протоколи доирасида иссиқхона газлари ташланмалари ва уларнинг абсорбациясининг турли бирликларини акс эттирувчи атама.
Углеродни ушлаб қолиш ва сақлаш (УУС)/ Carbon capture and storage (CCS)	Углерод ёқилғиси ёқилганда ажралиб чиқадиган карбонат ангидрид газини ушлаб қолиш ва уни геологик шаклларда кўмиб ташлашга асосланган технология.
ТРМ бўйича Ваколатли миллий орган ва Миллий мувофиқлаштирувчи орган/(National Authorities and Designated National Authorities)	СО/ТРМ лойиҳасида иштирок этаётган давлатнинг расмий вакили бўлган миллий ваколатли орган. СО лойиҳалари мисолида (1-йўл) миллий орган лойиҳаларни тасдиқлайди ва ташланмаларни қисқартириш бирликларини тақдим этади. 2-йўл билан амалга ошириладиган ТРМ ва СО лойиҳалари мисолида миллий (тасдиқловчи) орган лойиҳани амалга ошириш имконини берадиган хат беради.
Барқарор ривожланиш / Sustainable Development	Келгуси авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришдаги имкониятлари камситилмаган ҳолда бугунги кундаги эҳтиёжларни қондириш имконини берадиган ривожланиш.
Метанни утилизация қилиш/ Methane recuperation	Метан ташланмалари (масалан, кўмир шахталаридан ёки чиқиндихоналардан чиқаётган) ушлаб қолиниб, сўнгра такроран ёқилғи сифатида ёки бошқа

	бирор бир иқтисодий мақсадларда ишлатилиши услуги.
Ц	
Мақсадли экологик инвестициялар (МЭИ) / Green Investment Scheme (GIS)	Иқлим ўзгариши оқибатлари ёки бошқа табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига йўналтирилган тадбирларни молиялаштириш учун эмиссияларни сотишдан олинган даромадни ишлатиш.
CO2 эквиваленти/ CO2-equivalent	Иссиқхона газлари глобал исиши потенциалини ўлчаш бирлиги. Карбонат ангидрид газини бошқа иссиқхона газлари баҳолашни учун эталон бўлиб хизмат қилади.
Экологик тоза технологиялар/Clean (environment-friendly) technologies	Атроф-муҳит муҳофазасига ёрдам берадиган, ифлосланишнинг камайишига олиб келадиган, барча манбалардан нисбатан барқарор фойдаланишни, чиқиндилар ва маҳсулотларни қайта циркуляция қилишни, улардан фойдаланишга боғлиқ бўлган, қолдиқ ифлослантирувчи моддаларни бугунгига нисбатан мақбул тарзда қайта ишлашни таъминлайдиган ва ижтимоий-иқтисодий соҳада, шунингдек маданият ва атроф-муҳит соҳаларида ўрнатилган миллий устуворликларга мос келадиган технологиялар.
Энергия сарфи/ Energy intensity	Истеъмол қилинаётган энергиянинг иқтисодий ёки амалий иш унумдорлигига нисбати. Миллий даражада энергия сарфи – ялпи ички маҳсулотга нисбатан умумий ички истеъмол қилинган асосий энергия ёки якуний энергия истеъмоли.
Энергияни тежаш / Energy saving	Электр энергияси ва иссиқликни сақлаш ва ундан самарали фойдаланишга қаратилган чоратадбирлар комплекси.
Энергия самарадорлиги / Energy Efficiency	Маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигини ишлаб чиқаришда ишлатилган ёқилғи-энергия миқдори.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуни. 2013 йил 27 декабрь. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2014 йил. www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 2006 йил янги таҳрири. www.lex.uz
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, Т.: Ўзбекистон, 2010.
5. Қосимова Н., Тошпўлатова Н. Оммавий ахборот воситаларида болалар мавзусини ёритишнинг назарий ва амалий асослари. -Т.: ЮНИСЕФ, 2014.
6. Досмухамедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил. (Мустақиллик даври ўзбек матбуоти фаолияти мисолида). Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 2008.
7. Перелет Р.А. Переход к эре устойчивого развития./Россия в окружающем мире: 2003 (Аналитический ежегодник). – М.: Изд-во МНЭПУ, 2003
8. “Geo-5” (Глобальная экологическая перспектива) «Резюме для политиков и лиц, принимающих решения», 2012.
9. Шнитников А.В. Внутривековая изменчивость компонентов общей увлажненности. – Л. Наука, 1969.
10. Э. Ле Руа Ладюри История климата с 1000 года. – Л.: Гидрометеоздат. 1971.
Дмитриев А. Л. Иван Васильевич Вернадский как статистик // Вопросы статистики. — 2010. — № 10. — С. 73—76.
11. Иқлим ўзгариши – атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига таъсири. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ), БМТнинг иқлим ўзгариши ҳақидаги Доиравий Конвенцияси ва халқаро ташкилотларнинг иқлим ўзгариши муаммолари бўйича, Ўзбекистон Республикасининг иқлим ўзгариши бўйича Иккинчи Миллий ахбороти ҳамда “Иқлим ўзгаришининг Ўзбекистонда соғлиққа, соғлиқни сақлаш тизимининг заифлик ва мослашишга таъсирини баҳолаш” Миллий ҳисоботи ва атроф табиий муҳит муҳофазаси бўйича статистик ҳисоботлар жамланган рисола. Т., 2012
12. Оилада экологик маданиятни шакллантириш омиллари Республика илмий-амалий анжуманнинг мақолалар тўплами, Т.: 2014,
13. Шум Ю.А. Журналистское расследование: от теории к практике. М.: “Галерея”, 2002
14. Гассер Г.П., Моду А. Защита журналистов в опасных командировках. Международное гуманитарное право и деятельность фотожурналистов. – Международный Комитет Красного Креста. 1994.
15. Михайлов, С. А. Журналистика Соединенных Штатов Америки / С. А. Михайлов. Спб. : Изд-во Михайлова В.А., 2004.

Фойдали манбалар

<http://www.meteomed.uz>
<http://www.fij.org>
<http://www.ire.org>
<http://www.muckraker.org>
<http://www.ijnet.org>
<http://www.poynter.org>

<http://www.netnovinar.org>

<http://www.hetq.am/eng>